

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ТОШКЕНТ –2013

УЎК: 37.015.3

КБК 37.24-5

Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 128 бет.

ISBN 978–9943–10–954–4

Мазкур монографияда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш педагог-гик муаммо эканлиги, касбий компетентликни шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили, олий таълим муассасаларида бўла-жак ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиш, касб таълими ўқи-тувчиларини тайёрлаш жараёни мазмунини компетентлик ёндашув асосида модернизациялаш, касбий компетентлигини шакллантиришнинг хусусиятлари ва ижодий фаолиятнинг ўрни, касбий компетентлигини шакллантиришда таълим технологияларини лойиҳалаш ҳамда касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонларни асослаш каби масалалар ўз аксини топган.

ИТД-1-148 «Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Монография узлуксиз таълим тизимида педагогик ва илмий-педаго-гик фаолият олиб бораётган педагог-ходимлар, магистрантлар, катта илмий ходим-изланувчилар ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

УЎК: 37.015.3

КБК 37.24-5

Муаллифлар: **Н.А.Муслимов** – п.ф.д., профессор;
Қ.М.Абдуллаева, О.А.Қўйсинов, Н.С.Гаипова – п.ф.н., доцентлар;
Н.Н.Каримова, М.Қодиров –илмий ходимлар.

Масъул муҳаррир: **Джўраев Р.Х.** – п.ф.д., проф.

Такризчилар: **Магзумов П.Т.** – п.ф.д., проф.
Исмаилова З.К. – п.ф.д., проф.

Монография Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика уни-верситети Илмий кенгашида нашрга тавсия қилинган (2012 йил 22 ноябрдаги 4.17-сонли баённома).

ISBN 978–9943–10–

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олинishi, шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояси ва талаблари асосида жаҳон таълими стандартларига мувофиқ келувчи узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароитни яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди.

Бу йўналишда амалга ошириладиган муҳим тадбирлар қаторида мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний ва миллий кадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш вазифалари белгиланган.

Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълим самардорлигининг ривожланиш динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, касб-хунар коллежлари учун рақобатбардош мутахассисларни – бўлажак ўқитувчиларни етказиб бериш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади. Бу ҳусусида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган долзарб вазифалардан бири сифатида «Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш

масаласига алоҳида аҳамият қаратиш» лозимлигини таъкидлаб ўтгани педагог кадрларни тайёрлаш сифатига катта эътибор қаратишдан далолат беради [2].

Бўлажак ўқитувчилар таркибини тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш, олий таълим муассасаларида уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, касб таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланишининг педагогик асосларини ишлаб чиқиш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ҳамда касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонларни асослаш каби муаммолар мавжуд.

Модернизациялашган мазмун асосида таълим тизимида ҳар бир бўлажак касб таълими ўқитувчисининг таълим йўналиши ўқув режасида ўрин олган фанларидан олган назарий билимларини амалиётга жорий этиш ва баркамол авлодни тарбиялашга оид касбий компетентлигини шакллантириш аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида таълим жараёнини ташкил этиш имконини берувчи ўқув-методик мажмуалар етарлича яратилмаган. Касб таълими ўқитувчиларини замонавий таълим технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш негизида касбий компетентлигини шакллантиришнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

«Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш» бош ғоя экан, шу ғоянинг етакчи тарғиботчиси, шу ғоянинг тарбиячиси ўқитувчи ҳисобланади. Эркин фуқаролик, ҳуқуқий демократик жамият қуришда таълим-тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай экан, бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини тарбиялаш заминида ёш авлод тарбияси, комил инсон тақдири турибди. Президент И.А.Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзам билан суҳбатида улуғ аллома Абдулла Авлонийнинг «Тарбия - биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат–ё фалокат масаласи, жамиятимизнинг эртанги тақдири фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқ»¹ деган фикрини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Шу муносабат билан касб-хунар коллежларининг бўлажак касб таълими ўқитувчиларини уларни олий таълим муассасасида тайёрлаш давридан талаб қилинадиган касбий компетентлик

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.:Ўқитувчи.1992.-14 б.

даражасини таъминлайдиган янгича ёндашувлар асосида илмий изланишлар олиб бориш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари билан унинг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммосининг мустақил, яхлит лойиҳа мавзуси сифатида ўрганилиши бўлажак касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларида касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, омилларини аниқлашга имкон беради.

I боб. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТИЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш педагогик муаммо сифатида

Республикамизда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилаяпти.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда техника ва технологияларнинг янгиланаётганлиги, илм ва фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқариш Ўзбекистоннинг халқаро талаблардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил, ижодий тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айти пайтда шахсий инсоний сифатлари шаклланган баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат миқёсида таълим, тарбия, илм-фан, касб-ҳунар тизимларини тубдан, босқичма-босқич ислоҳ қилиш зарурияти сезилиб, асло пайсалга солиб бўлмайдиган бу ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга киришилгани ҳақида фикр юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда мен жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги, «портлаш эффекти»га, яъни, янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз деган фикрни билдирган эдим»¹

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т. «Маънавият». 2008.- 63 б.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир бўлажак ўқитувчининг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид касбий компетентлигини шакллантириш ва уларни педагогик фаолиятда изчил қўллаш билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабидир.

Касб таълими ўқитувчисини касбий–педагогик тайёрлаш сифатини тубдан ошириш унинг мазмуни билан бевосита боғлиқдир. Педагогик кадрлар тайёргарлиги сифатини сезиларли даражада ошириш учун педагогик ва техник билимлар синтезини таъминлаш зарур. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш педагогик ва техник билимларни фан, таълим, техника, технология ва ишлаб чиқариш иқтисодиёти соҳаларидаги ўзгаришларга асосланган интеграцияси таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу жараён касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш мазмунини асослаш ва касбий компетентлигини шакллантириш технологиясини яратишда муайян ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммосини ўрганиш ишига бир қатор илмий ишлар бағишланган. Бироқ бу муаммонинг турли жиҳатлари ва аспектларига олимларнинг қизиқишлари камаймаяпти, бу эса узлуксиз таълим тизимини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг ҳозирги замон босқичида алоҳида аҳамиятга эгалигидан ва унинг долзарблигидан гувоҳлик беради.

Назарий манбалар мазмуни билан танишиш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва далилларни таҳлил этиш касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда бир қатор қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

- олий таълим муассасаси битирувчисининг етук мутахассис маълумоти даражаси билан Давлат таълим стандартининг модернизациялашган мазмуни ва ҳажмига қўйилаётган меъёрий талаблар ҳамда унинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш даражаси ўртасида;

- олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида қўлланилаётган анъанавий ҳамда инновацион методлар ўртасида;

- ўқитувчи шахси ва унинг касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган олий

таълим муассасалари фаолияти билан талабани бўлажак ўқитувчи сифатида тайёрлаш жараёнини ривожлантириш механизми ҳамда қонуниятлари ўртасида;

- педагогик туркум фанларнинг касб таълими ўқитувчиси шахсий ҳамда касбий компетентлигини шакллантириш борасида умумкасбий ва мутахассислик фанлари билан интеграциялаш имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги ўртасида;

- илмий-техник тараққиёт, янгилашиб бораётган жамиятнинг маҳоратли педагог шахсига нисбатан ортиб боровчи талаблари билан касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантириш асосий қисмининг ўз-ўзини ривожлантириб бориш шароитида фаолият юритишга тайёр эмасликлари ўртасидаги зиддиятлар кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бу каби қарама-қаршиликларни бартараф этиш йўлларида бири бўлажак ўқитувчиларни касбий компетентликларини шакллантиришдан иборатдир. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантириш, олий таълим муассасаларида уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини модернизациялаш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини шакллантиришнинг асосий мақсадини белгилайди.

Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омили олий таълим тизимида касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини юқори даражада шакллантирилиши билан узвий боғлиқ. Шу сабабли, замонавий таълим технологиялари имкониятларидан ҳамда яратилаётган ўқув услубий мажмуалардан унумли фойдаланиш негизида касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантириш жараёнининг назарий ҳамда амалий асосларини яратиш долзарб вазифалардан бири эканлигини белгилайди.

Шу муносабат билан касб таълими ўқитувчиларини олий таълим муассасасида тайёрлаш давридан талаб қилинадиган касбий компетентлик даражасини таъминлайдиган янгича ёндашувларни илмий асослаш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Мутахассисларни касбий жиҳатдан тайёрлаш борасида хорижий мамлакатларда амалда бўлган таълим мазмунини бевосита ўрганиши шуни кўрсатдики, Ғарб мамлакатларида

асосий ўринни мутахассиснинг компетентлик малака даражаси эгаллайди. Республикамизнинг миллий таълим тизими моҳиятига кўра таълим мазмунининг минимал талаблари билим, кўникма ва малакага асосланади.

Агарда «компетент» ва «компетентлик» тушунчаларининг этимологик таҳлилига назар ташласак, улар тасодифан юзага келмаганлигини англаш мумкин.

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйилувчи талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усуллари тўпламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади.

Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади. Мазкур ўринда «компетентлик» тушунчасининг моҳияти ҳам тўла очилади, у қуйидаги икки кўринишда намоён бўлади: компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида.

Таълим мазмунининг ўқув режадаги фанлар блоклари (барча фанлар учун), фанлараро (фанлар тўплами учун) ва предметли (маълум бир фан учун) тарзда гуруҳланганлиги боис қуйидаги уч даражани намоён этувчи компетентликни эътироф этиб ўтамиз:

– таянч компетентлик (таълимнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий мазмунига кўра);

– фанлараро компетентлик (умумкасбий тайёргарликнинг ўқув фанлари ва таълим блокларининг маълум доирлигига кўра);

– битта предмет(фан) бўйича компетентлиги (махсус ўқув фани доирасида аниқ ва маълум имкониятга эгаллигига кўра).

Шундай қилиб, таянч компетентлик олий педагогик таълимнинг ҳар бир босқичи учун таълим блоклари ва ўқув фанлари даражасида аниқланади. Таянч компетентлик тартибини белгилашда касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни

эгаллашга имкон берувчи асосий турлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу нуқтаи назардан улар қуйидаги компетентлик турларига бўлинади:

1. Яхлит-мазмунли компетентлик. Бу талабанинг қадриятли йўналишлари билан боғлиқ, унинг ижтимоий борлиқни ҳис эта билиши ва тушуниш қобилияти, мустақил ҳаёт йўлини топа олиши, ўзининг ижтимоий жамиятдаги роли ва ўрнини англаб етиши, ҳаракатларни ташкил этишда аниқ мақсадни белгилаш ҳамда қарор қабул қилиш малакаси, дунёқараши билан боғлиқ компетентлик, у талаба учун ўқув ва бошқа вазиятларда ўзини аниқлаш механизмини таъминлайди. Талабанинг индивидуал таълим йўналиши ва унинг ҳаётий фаолиятининг умумий дастури ана шу компетентликка боғлиқ.

2. Ижтимоий-маданий компетентлик. Талаба чуқур ўзлаштириши зарур бўлган билим ва фаолият тажрибасининг доираси бўлиб, миллий ва умуминсоний маданиятлар хусусиятлари, инсон ва инсоният ҳаётининг маънавий-ахлоқий асослари, оилавий ва ижтимоий анъаналарнинг маданий асослари, инсон ҳаётида фан ва диннинг роли, уларнинг моддий борлиққа таъсири, турмуш ва дам олиш борасидаги билимлар, масалан, бўш вақтни самарали ташкил этиш усуллари билиши.

3. Ўқув-билиш компетентлиги, бу талабанинг ўрганилаётган аниқ объектлар билан боғлиқ мантиқий, методологик ва ижтимоий фаолияти элементларидан иборат бўлган мустақил фикрлаш компетентликларининг тўплами бўлиб, унга мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, унинг мазмунини таҳлил қилиш, рефлексия, фаолиятга шахсий баҳо бериш борасидаги билим ва малакалар киради. Ўрганилаётган объектларга нисбатан талабаларни креатив кўникмалари, яъни билимларни бевосита борлиқдан олиш, ностандарт вазиятларда муаммони ҳал этишнинг ҳаракат усуллари ва эвристик методларини эгаллайди.

4. Ахборот олиш компетентлиги. Аудио-видео кўрсатув воситалари ва ахборот технологиялари ёрдамида мустақил изланиш, таҳлил қилиш ва зарур ахборотларни танлаб олиш, уларни ўзгартириш, сақлаш ва узатиш маҳорати шакллантирилади. Ушбу компетентлик талабанинг ўқув фанлари асосларини муҳим ахборотлар асосида ўзлаштиришини таъминлайди.

5. Коммуникатив компетентлик. Таълим олувчилар билан ўзаро муносабатлар, уларнинг усуллари, мулоқот жараёнида устувор

ўрин тутувчи тилни ўзлаштириш, гуруҳларда ишлаш кўникмалари, жамоада турли хил маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни билишни ўз ичига олади.

6. Ижтимоий-фаолиятли компетентлик фуқаролик (фуқаро, кузатувчи, сайловчи, вакил вазифасини бажарувчи), ижтимоий-меҳнат соҳаси (истеъмолчи, ҳаридор, миждоз, ишлаб чиқарувчи ҳуқуқлари), оилавий муносабатлар ва мажбуриятлар, иқтисод ва ҳуқуқ масалалари, касбий, шунингдек, шахсий мавқеини аниқлаш борасидаги билим ва тажрибаларни эгаллаш (хусусан, меҳнат бозоридаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, шахсий ва ижтимоий манфаатларни кўзлаб, ҳаракат қилиш маҳорати, меҳнат ҳамда фуқаролик муносабатларининг одобини билиш)ни англатади.

7. Амалий фаолиятга оид компетентликда бир ҳаракат ҳолатидан иккинчи ҳаракат ҳолатига кўчира олиш, ҳаракат ва амалларни янги вазиятларда қўллаш олиш, янги ахборотлар ичида тез йўналиш олиш кўникмалари тушунилади.

Мутахассисни тайёрлашнинг бўлажак касбни эгаллаш бўйича ўқув ва билиш фаолиятини ўз ичига оладиган меъёрий моделини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. У олий таълим муассасаси битирувчиси тегишли йўналиш ва тайёргарлик даражасининг малакавий характеристикасида ифодаланган ва илмий асосланган билим, кўникма ва малакалар шахснинг касбий муҳим хислатлари таркибини акс эттиради.

Жумладан, Касб таълими таълим йўналиши бўйича ўқитувчи малакасини олган олий таълим муассасаси битирувчиси: давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ равишда педагогик фаолият олиб боришга тайёр бўлиши, юқори назарий ва амалий тайёргарлик даражасини таъминлайдиган замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиши, таълим дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиши, уларни ўқув режаси ва ўқув жараёнига мувофиқ равишда тўла ҳажмда амалга оширилиши учун масъул бўлиши, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат этишни ташкил этиши, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллашга уларни тайёрлаши ва таълим олувчиларнинг мустақил ишларини назорат қилиши, аниқ ўқув фани ўқув-методик жиҳозланишининг базасини яратиши; таълим муассасасининг илмий-методик фаолиятида иштирок этиши, синф раҳбари вазифасини бажариши, таълим олувчилар билан тарбиявий ишни ташкил этиши ва ўтказиши, ўқув режалари ва дастурларининг

бажарилишини таъминлаши, таълим интизомини таъминлаши, таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиши, ўз касбий малакасини ошириши лозим.

Мутахассиснинг малакавий тавсифида, таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш мазмуни асосан бўлажак ўқитувчи билимининг фаолиятли-ижодий аспекти билан ифодаланган ва у ўрта махсус касб-хунар таълимининг касбий вазифаларини яхлит ҳал этиш тажрибасини назарда тутди.

Касбий компетентлилик мутахассис фаолиятини ва унинг ички тузилиши муҳим характеристикаларини акс эттиришга таянади деб тушунишга асосланган ҳолда, касбий компетентлилик структура-сини унинг асосий компонентларини тавсифлаш нуқтаи назаридан ойдинлаштириш мумкин.

Педагогик фаолиятга нисбатан унинг компонентларини педагог фаолиятининг нисбатан мустақил функционал турлари сифатида ажратиш ёндашуви устун туради.

В.А.Сластенин нуқтаи назарига мувофиқ, педагогни тайёрлаш унда ушбу вазифаларни амалга ошириш билимларини тарбиялашни кўзда тутди: аналитик-рефлексив, конструктив-прогностик, ташкилий, баҳолаш-ахборот, коррекциялаш-ростлаш. Муаллиф тутган нуқтаи назар, бизнинг фикримизча, ўқитувчи фаолиятининг структураси ҳақида қарор топган тасаввурларни кўп даражада акс эттиради. Шу билан бирга, бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлиги структурасини тадқиқ қилиш педагог меҳнатини пухта таҳлил қилиш, унинг тайёргарлик даражасига ҳозирда модернизация қилинаётган ва узлуксиз педагогик таълим концепцияси амалга оширилаётган шароитларда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими томонидан қўйилаётган талабларни аниқлашни назарда тутди [85].

Психологлар Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гольперин ишларига таянадиган фаолиятли ёндашувни изчил амалга оширилиши олий таълим муассасасида ўқитиш мақсади сифатида ўқитиш субъектида маълум фаолиятни бажаришда касбий тайёргарликни тарбиялашни кўзда тутди. У ҳолда олий таълим муассасаларида ўқитишнинг асосий натижаси талабаларда касбий вазифаларни амалга ошириш, фаолият масалаларини ҳал этиш билимларини шакллантиришдан иборат бўлади[29, 30, 43]. Масаланинг бундай қўйилиши воситалар, методларга ва талабада фаолиятнинг маълум турини тарбиялашни амалга ошираётган

Ўқитувчининг билимларига ҳам бошқача ёндашувни талаб этади. Фаолиятли ёндашувнинг амалга оширилишига Б.Джураеванинг фикри кўп даражада мос келади: у ўқитувчи фаолиятининг ушбу турларини ажратади: гностик, ўқув-методик, креатив, коммуникатив-ташкилий. Педагогик фаолиятнинг структуравий элементлари сифатида қуйидагилар келади:

1. Мазкур фан учун хос бўлган билимлар таркибини мутахассис касбий фаолиятининг типик масалалари структурасига интеграциялаш. Ўқув фанини ўқитиш мақсадларини ишлаб чиқиш ва таснифлаш.

2. Фаннинг ўқув-методик мазмунини танлаш ва ўқитиш дастурини талабаларнинг билиш фаолиятлари элементлари бўйича ёйиш.

3. Креатив фаолият – барча ажратилган мавзулар бўйича ўқув дастурига мувофиқ равишда ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқиш.

4. Талаба ва ўқитувчи ўзаро ишлашининг коммуникатив-ташкилий аспектларини талабаларнинг ўзича бошқариладиган иши жараёнида ишлаб чиқиш. Тўғриловчи назоратни ташкил этиш.

Фаолиятнинг конструктив ва лойиҳалаш компонентлари муаллиф томонидан гностик элемент таркибига киритилган. Бу билан бир вақтда ўқитувчи фаолиятининг креатив ва коммуникатив-ташкилий компонентларини мустақил компонентлар сифатида қараш таклиф этилади. Бундай ёндашувда эътибор талабаларнинг ўзича бошқариладиган ўқув фаолияти жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ишлашларини ташкил этиш заруратига қаратилган. Фаолиятнинг бу турлари касбий-йўналтирилган ўқитиш технологиясини лойиҳалаш, тузиш ва амалга оширишда ўқитувчи томонидан бутунлай ва тўла амалга оширилади [69].

Муаллиф томонидан таклиф этилган ёндашув унинг элементлари тўлалигига даъво қилолмайди, чунки педагогик маданият фаолиятнинг барча томонлари ва соҳалари етарлича аниқ очиб берилмаган. Масалан, педагогик ҳодисаларга илмий ёндашувнинг амалга оширилиши педагогда эвристик изланиш билимларини, илмий-педагогик тадқиқот методларини, шу жумладан шахсий тажрибаси ва бошқаларнинг тажрибасини таҳлил қилишни эгаллаганликни талаб қилади, бу эса тадқиқот, рефлексив ва бошқа вазифаларни амалга ошириш билимини назарда тутаяди.

Ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги педагогик меҳнатнинг барча томонларида: касбий фаолиятда, кундалик муносабатларда,

шахсият ривожланишида, меҳнатнинг мажмуий натижасида намоён бўлади ва унинг барча компонентлари шаклланганлигини талаб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, олий таълим муассасалари ўқитувчисининг энг муҳим вазифаси талабаларнинг касбий компетентликларини барқарорлаштириш, тўлдириш ва узатиш механизмларини бошқариш имкониятларини босқичма-босқич тарбиялаш учун психолого-педагогик шароитларни яратишдан иборат. Уларни амалга ошириш босқичлари қуйидагича: талабанинг фаолиятини ўқитувчи бошқариши; ўқитувчи ва талаба томонидан касбий компетентлик иш механизмларининг биргаликда бошқарилиши; бўлажак мутахассиснинг касбий ўз-ўзини ривожлантиришини ўзи бошқариши.

Касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шаклантиришда талабаларнинг педагогик ҳамда ишлаб чиқариш муаммоли вазиятларида аниқ қарор қабул қила олиш қобилиятларини ривожлантириш, таълим йўналиши ўқув режасидаги фанлар бўйича ахборотлар олиш имкониятига эга бўлишлари учун фанлараро ўзаро алоқадорликка эришиш асосида муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш уни тизимлаштириш, педагог кадрлар тайёрлаш тизими сифатини оширишда таълимнинг янги шаклларида фойдаланиш, фундаментал, хусусан, педагогик ва техник билимларни ўзлаштиришда фанлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, педагогик фанларнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий фанлар ҳамда умумкасбий ва мутахассислик фанлари билан ўзаро алоқаси кўп қиррали муаммо бўлганлиги сабабли назарий ва амалий жиҳатларини илмий асослашни тақозо этади.

Педагогик билим - субъект томонидан амалга оширилувчи барча турдаги фаолиятни йўлга қўйиш имконини берувчи маълумотлар тизими ҳисобланади. У ташкилий, хўжалик, ижтимоий ва иқтисодий мазмунга эга фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, жамият моддий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида педагогик хусусиятларнинг намоён бўлишини асослайди. Ўз навбатида техник билимлар бўлажак мутахассисда қатъиятлик, пухта режалаштириш, юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни баҳолай олиш, вазиятга оқилона ёндашиш каби сифатларни тарбиялаш имкониятига эга. Бу кўп жиҳатдан субъектнинг ижтимоий ва ижтимоий-педагогик йўналганлиги, шунингдек, жамият ҳаётига

тобора чукур сингиб бораётган техника тараққиёти билан боғлиқ. Педагогик туркум фанлари ва умуммуҳандислик фанлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ишлаб чиқариш йўналиши махсус технологиясининг санъат, маҳорат ва зукколик тарзида талқин этилади. Ўқув жараёнига ахборот технологияларини кенг кўламда татбиқ этиш шароитида «педагогик технология» тушунчасининг моҳияти ўзгармоқда. Мазкур тушунча дастлаб технологиянинг хусусиятларини ифода этишга хизмат қилган бўлса, ҳозирда педагогик технологияни мазмунан бойитиш кўп жиҳатдан унга муайян техник элементларни қўшиш ҳисобига кечмоқда.

Таълим жараёнида компьютер воситаларини қўллаш, компьютердан ўрганиш объекти сифатида фойдаланиш, педагогик технологияларни ахборотлаштириш жараёнининг энг янги восита ва объектлар билан ўзаро алоқада бўлиши боис техник имкониятлари ошиб боради. Ахборот технологиялари таълим мазмунини қайта шакллантиришга замин яратади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасасида касбий фанларни ўқитиш амалиётида юқорида тавсифланган механизмлардан фойдаланиш касбий компетентлиликнинг шаклланишига, шунингдек, талабалар фаолиятининг касбий муҳим йўналганлигига ёрдам берадиган психолого-педагогик шароитларнинг яратилишига шароит яратиб беради.

Ҳозирги вақтда касбий компетентлиликни шакллантиришда бу вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган касбий йўналтирилган ўқитиш технологиясига катта эътибор берилмоқда. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан ишлаб чиқиладиган ва фойдаланиладиган ўқитиш технологиялари бўлажак мутахассис касбий компетентлигининг қарор топиши ва тарбиялаш таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, касбни эгаллашнинг касбий-аҳамиятли базасини дастлабки яратишга, касбий фаолиятни юқори даражада амалга ошириш учун назарий, амалий ва мотивацияли тайёргарликнинг ва қодирликнинг секин-аста шаклланишига ёрдам беради.

1.2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳужжатларида асосан ҳозирги замон таълим мақсадлари аниқ фаолият соҳаси учун тор доирадаги мутахассисларни тайёрлаш эмас, балки ҳар бир одамнинг шахсиятини ривожлантириш, унинг касбий компетентлигини оширишдан иборат эканлиги қайд этилган. Ҳозирги вақтга келиб, педагогик фаолиятнинг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш жараёнининг кўп қиррали жиҳатларини очиб беришга бағишланган жиддий тадқиқотлар ўтказилган. Касбий тарбияланганлик таълим-тарбия масалаларининг узок тарихий илдизлари шарқ мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний асарларида ҳам акс этган. Тарихий меросларимизда касбга йўналтирилганлик ғояларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ва муҳимлиги масалалари ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар баён этилган. Э.Ғозиев, Б.Қодиров, М.Давлетшин, В.Каримова, Л.С. Виготский, С.Л.Рубинштейн ва бошқалар ўз илмий ишларида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш, уларни касбга йўналтиришнинг психологик асослари ҳақида эътиборга молик фикрларни илгари суришган бўлишса, М.Очилов, У.Махкамов, М.Қуроноф, Ф.Юзликаев, Ж.Ҳасанбоев, Ё.Ҳайдаров, Ў.Толипов, Н.Сайидахмедов, Н.Нишоналиев, Э.Чориев, Н.Шодиевлар илмий-тадқиқотларида бўлажак ўқитувчиларда касбий билим ва малакаларни шакллантириш, малакали кадрлар тайёрлаш масаласини илмий-услубий жиҳатдан таҳлил этишган.

Шу билан бирга, шуни ҳам қайд этиш керакки, мутахассиснинг касбий компетентлигини тарбиялаш масалалари тадқиқот объекти сифатида мактаб ўқитувчисини ёки олий таълим муассасаси ўқитувчисини тайёрлаш ва малакасини ошириш доирасида қаралади. Жумладан, ўқитувчини дидактик (М.Очилов), психологик-педагогик (Э.Ғозиев), умумпедагогик (Н.Н.Азизходжаева, О.А.Абдуллина), инновацион (Р.А.Мавлонова, В.А.Сластенин), ижодий (В.А.Кан-Калик) тайёрлашнинг аҳамияти ва вазифалари ўрганилган.

Н.А.Муслимов, Н.С.Гаипова, М.М.Қодировларнинг меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашда янги сифат

даражага ўтиш тўғрисида: «Бугунги кунда меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда бўлажак мутахассисларнинг шундай сифатлари талаб этиладики, юқори даражадаги билим ва касбий кўникмалар асосида улар педагогик фаолиятни ва ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қила оладиган, янги ностандарт ғояларни илгари сура оладиган, рационал, замонавий талабларга жавоб берадиган метод ва воситаларни, касбий ва илмий ахборотларни ўзлаштиришнинг янги усулларини амалиётда қўллай оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг характерини сезиларли даражада ўзгартириш керак. Бу масалаларни ҳал этиш, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги сифат даражасига ўтишни талаб этади», - деган фикрларни билдириб ўтганлар [63].

Психологик-педагогик адабиётларда, кўпгина педагог олимларнинг илмий ишларида «компетентлик» деган тушунча кейинги пайтларда кенг қўлланилмоқда. Таълим тизимида компетентли ёндашув хорижий адабиётларда ўтган асрнинг 60 йилларида шакллана бошлаган эди.

«Компетентлик» – тушунчаси эса, шахснинг доимо ўсиб боровчи таснифи бўлиб, реал ҳаётини вазиятларда юзага келган муаммоларни ечиш қобилияти, ўз билими, ўқув ва ҳаётини тажрибалари, қадриятлари ва қизиқишларини унга сафарбар этиш имкониятлари ҳисобланади.

«Компетентлик» атамаси таълим соҳасига психологларнинг илмий изланишлари натижасида кириб келди. Бу тушунча ноанъанавий вазиятларда ёки қўлланмаган ҳолларда ўзини қандай тутиш, мулоқотга киришиш, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиш, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, ҳамиша ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда қандай ҳаракат қилиши кераклиги тўғрисида назарий билимлар зарурлигини кўрсатади.

Инглизча «*competence*» тушунчасининг луғавий маъноси «қобилият» демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади.

Ғарб мамлакатларида шаклланган анъанага мувофиқ мутахассиснинг касбий малакаси унинг компетентлик, таълим тизими эса – билим, кўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади.

Хорижий мамлакатларда анъанага мувофиқ ишчининг билим ва малакаларининг ўзига хос-хусусияти ҳисобланган мутахассислик

(малакавий) стандартлари ишлаб чиқилади. Ушбу стандарт натижанигина (нимага эришилиши керак) қайд этади.

Компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, шу кун ва давр талабларини ҳис этишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, уларни қайта ишлашни ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Компетенция эгаси бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос метод ва усуллардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараши каби кўникмаларга эга бўлади.

Педагогикада компетент ёндашиш мутлақо янги ҳодиса эмас, балки унинг ирмоқлари узлуксиз ривожланиб борувчи таълим жараёнларида мавжуд бўлиб, улар босқичма-босқич шаклланган эди. «Маҳорат», «малака», «салоҳият» масалалари, фаолият, шу билан биргаликда, бир қатор фаолиятларнинг бирикуви М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, В.В.Краевский, Г.П.Щедровидский, В.В.Давидов ва бошқа педагогика соҳасининг олимлари илмий асарлари асосини ташкил этган.

Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, Э.Ф.Зеер, В.А.Сластенин, Т.Ф.Лосакова ўқитувчининг «касбий компетентлик» ҳақида кўплаб ишларни амалга оширганлар.

Б.А.Назарова ўзининг илмий ишида Д.Дьюи, У.Уоллер, М.Мид, К.Юнг, П.Сорокин, Ф.Знанецкийларнинг фалсафасида касбий компетентлик тушунчасига шундай таъриф берганликларини таъкидлайди: «Бу муҳитга ўрганиш воситаси, чунки касб одамни унга тўғрилайди, одамнинг қизиқишларини аниқлайди, битта касбда ишлаган одамларнинг қизиқишларини жамлайди» [69].

Д.Л.Томпсон, Д.Пристинлар: «Касбий компетентлик - ишда керак бўлган билимларнинг ва барча ахлоқий қоидаларнинг йиғиндисидир», - деб таъкидлайдилар.

И.В.Гришина касбий компетенция шахснинг ўз профессионал фаолиятини қанчалик даражада эгаллаганлиги, деб баҳо беради ва қуйидагича таърифлайди [31]:

- ушбу фаолиятга бўлган муносабати, унга зарурат ва қизиқиши, интилишлари, қадриятлари, фаолиятдан мақсади, ўзининг ижтимоий ўрнини тасаввур қилиши;

- ўзининг шахсий ўзига хослиги ва мутахассис сифатидаги мавқеига, касбий билим, маҳорат ва кўникмалари, касбига хос бошқа хусусиятларига баҳо бериш;

- шу асосда ўзини касбий жиҳатдан шаклланишини ва ўсишини бошқара билиши.

Психологияда И.Н.Шпильриен, С.Г.Геллерштейн, Е.А.Климов, В.Д.Шадриков, К.К.Платонов, Н.В.Кузьмина фикрларига кўра ҳаётда юз берадиган турли вазиятларни, муаммоларни ечишга ёрдам берадиган фазилатлар, қобилиятлар компетентлик деб тушунтирилади. Касбий компетентлик – бу қайсидир касбда бор бўлган стандартга риоя қилиш.

А.П.Акимова касбий компетентликни шундай таърифлайди: «Ўз фаолиятида керак бўлган янгиликларнинг, билимларнинг, қобилиятларнинг йиғиндиси ва атроф муҳит билан ўзаро тўғри келиши».

Педагогик компетентлик педагогик маҳорат тушунчасига боғлиқлигини Н.В.Кухарев шундай таърифлайди: «Психологик – педагогик тайёргарлигидан келиб чиқадиган ўқитувчи шахсининг аниқ сифатларини ва педагогик масалаларини энг самарали усулда ечадиган фазилатлар тўплами».

А.К.Маркова ўқитувчини касбий компетентликка эга бўлган ўқитувчи деб айтади, қачонки педагогик фаолиятини, педагогик муомалани етарлича юқори даражада оширса, ёшларни ўқитишда ва тарбиялашда юқори натижаларга эришса. Компетентли ўқитувчи ўзининг касбий билимларини, психологик фазилатларини ўз меҳнатида қўллашни билиши керак [65].

А.К.Маркова энг кўп ўқитувчи меҳнатининг касбий компетентлиги асосларини қидирган педагог олим. А.К.Маркова фикри бўйича ўқитувчининг меҳнати компетентликка айланади қачон-ки ўқитувчи ўз фаолиятини етарлича юқори ҳамда талаба ва талабаларни ўқитиш ва тарбиялашни юқори даражада амалга оширса. Ушбу асослар билан бирга ўқитувчининг касбий компетентлигини тўртга бўлиб ўрганади:

Махсус ёки фаолиятли касбий компетентлик – бу фаолиятни юқори касбий даражада олиб бориши. Махсус касбий компетентлик нафақат махсус билимлардан, балки бу билимларни амалга оширишдан иборат;

Ижтимоий компетентлик – бу қўшимча фаолиятни олиб бориш йўллари билиш, ҳамкорликда бажариш йўллари билиш;

Шахсий компетентлик – ўзини ривожлантириш ва ўзини кўрсатиш йўллари билиш (мутахассис ўзининг фаолиятини режалаштириш, мустақил қарор қилиш, маълумотлар билан ва ўз устида ишлаш).

Индивидуал компетентлик – бу ўзини бошқариш йўллари билиш, касбий ривожланишга тайёргарлик ва касбий янгиликлар яратиш. Шу билан бирга ўқитувчининг билимлари янгиликлар билан бойиган бўлиши, психологик ва педагогик фазилатлар юқори даражада бўлиши [65].

Р.Х.Тугешевнинг таъкидлашича, касбий маҳорат шахс сифатининг юксалиши сари қўйилган қадамлар ёрдамида фақат бир фаолият учун эгалланган компетенциядир. Компетенция эгаси деганда, олим шахснинг ўз ишининг устаси, маҳорати билангина чекланмайди, балки ишни ташкил этиши, ўз фаолиятига алоқадор барча муаммоларни тизимли равишда тушуниши, вазифа қўя билиши ва аниқ муаммоларга ечим топиш қобилиятига эга бўлиши каби фазилатларни назарда тутди. Ана шундай инсон маълум бир соҳада компетенция эгаси деган номга сазовор эканлигини қайд этади [88].

Агар Р.Х.Тугешев компетенция тушунчасини касбий маҳорат деган тушунча билан бир хил эканлигини қайд этса, Э.Ф.Зеер эса касбий йўналтирилган компетенция ва касбий қобилият олий даражадаги касбий маҳоратни таъминлайди, деган фикрни олға суради [37].

Касбий компетенция шахснинг субъектив фаолияти таркибидаги тўрт жihatнинг бири ҳисобланиб, Э.Ф.Зеер таъкидлаганидек, касбий компетенция ўз касбига оид билимлар, маҳорат ҳамда касбий фаолиятни амалга ошириш усуллари йиғиндисидир.

Психолог А.К. Макарова касбий компетенция тушунчаси инсоннинг барча хислатларини ўз ичига олади, улар ёрдамида касбий фаолият давомида инсон юксак натижаларга эришади деб уқтиради. Унинг фикрича, касбий компетенция мутахассиснинг шундай меҳнат фаолиятики, натижада юқори даражада касбий фаолият амалга оширилади ва мутахассис шахс сифатида ўзини намоён қилади. Шундай қилиб, А.К. Макарова касбий компетенция тушунчаси мазмунини янада кенгайтиради, унинг таркибига мутахассиснинг субъектив хусусиятларин ҳам киритади [65].

Бу соҳада, компетенция билан боғлиқ муаммоларни, умуман, ижтимоий компетенцияларни, тадқиқ этиш ишларига хорижлик

олимлар Л.П.Алексеева, В.М.Басова, Н.В.Нузьмина, А.К.Макарова, Л.М.Митина, В.Г.Подзолков, А.А.Петровская, А.Н.Сергеев, А.В.Сергеева, Г.И.Сивкова, Н.А.Шайденко каби олимлар улкан ҳисса қўшганлар.

Касбий компетенция феноменини «тайёргарлик» тушунчаси билан қиёслаш кенг тарқалган. В.А.Сластенин нуқтаи назарига кўра, мутахассиснинг касбий компетенцияси тушунчаси унинг назарий ва амалий тайёргарлиги шахс умумий тайёргарлиги тизими таркибига кириб, касбий маҳорат, унинг касбий даражасини белгилайди [86].

Касбий компетенцияни олий таълимнинг асосий мақсади сифатида Ю.Г.Татур қуйидагича тарифлайди: «Олий маълумотли мутахассис компетенцияси, унинг амалиётдаги интилиши ва қобилияти» (тайёргарлиги) ҳамда ўзининг имкониятларини (билим, маҳорат, тажриба, шахсий фазилатлари ва бошқаларни) муваффақиятли, ижодий фаолият кўрсатишга, касбий ва ижтимоий соҳада қўллашга ҳамда бу фаолиятни ижтимоий аҳамиятини, унинг натижаларига нисбатан шахсий масъулиятни ҳис этиши, доимо узлуксиз равишда ўз устида ишлаши каби фазилатларни рўёбга чиқаради.

Ю.Г.Татур касбий компетенция тушунчасини таҳлил қилар экан, бу тушунчани фаолиятнинг самарадорлигига эришиш, субъектнинг муваффақият қозониши, омад ва мақсадга етиш қобилияти, деб тушунтиради.

Кўпчилик олимлар касбий компетенция таркибида умумлашган шахсий сифатларни ҳар қандай олий таълим муассасасини тамомлаганлар учун ўта муҳим эканлигини қайд этадилар.

О.Н.Мельничук ва А.Яковлевлар қуйидаги сифатларни таъкидлайдилар: ўзига ишониб топширилган иш ва одамлар олдидаги масъулият, ҳалоллик, ижтимоий зарурлик, сўз билан иш бирлиги, кенг маданият ва бошқалар. «Умумлашган шахсий сифатлар» тушунчасини қўллаган тадқиқотчи Г.Б.Скок уни жисмоний, рухий ва ахлоқий, саломатлик, масъулиятли, умуммаданий, маълумотлилик деб тушунтиради. Жумладан, Э.Ф.Зеер уни вазиятларни тез идрок қилиш, муомалага тез киришиш, ўзини тута билиш, мустақил ҳаракат қилиш каби фазилатлар билан боғлайди [37].

В.Г.Пищулин касбий компетенция хоҳ умумий, хоҳ маҳсус бўлсин, кўп ҳолларда хотира, мантиқий ва ижодий фикрлаш, рефлексия, чакқонлик, эпчиллик, уддабуронлик, қатъийлик,

тартибли ва ўз сўзида туриш, эҳтиросларга берилмаслик, кузатувчанлик, қизиқувчанлик, диққат-эътибор, жиддийлик ва муомалага кира олиш каби фазилатларни юзага чиқишига олиб келади, деб ёзади.

Кўпчилик тадқиқотчилар қатори биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилаемиз. Уларнинг фикрларига кўра, маълум бир касб мутахассиси ўз касбий фаолияти доирасидаги компетенцияларни эгаллаши зарур. Улар олий таълим соҳасига белгиланган давлат меъёрларида кўзда тутилган ҳамда шахснинг касбий ривожланиши ва ижтимоий ҳамкорлиги масалаларида ҳам белгилаб қўйилган. Бўлажак мутахассис – касбий ишлаб чиқариш ва технологик соҳалар компетенцияларини ҳам эгаллаши, лойиҳалаш, илмий текшириш ва ташкилий бошқарув ҳамда коммуникатив компетенцияларга эга бўлиши жуда зарурдир.

Г.Н.Синицына техника мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларнинг компетенциясини ўрганар экан, улар учун компетенциянинг лойиҳалаш тури муҳим эканлигини таъкидлайди. Чунки лойиҳалаш компетенцияси муҳандис касбий фаолиятининг асосини ташкил этади. «Лойиҳалаш фаолиятидаги компетенция» – бу интегратив шахсий янги таълим бўлиб, у чуқур билим, маҳорат ва ижобий тажрибалар асосида лойиҳалаш масалаларига ечим топади.

Биз бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий нуқтаи назарини таҳлил қилар эканмиз, унинг фаолияти кўп ҳолларда лойиҳалаш хусусиятига эга. Касбий компетенция тузилиши ва мазмуни икки асосий таркибий қисмдан иборат. Касбий компетенция – бу билим, маҳорат ва тажриба узвийлиги бўлиб, лойиҳалаш мутахассис фаолиятини рўёбга чиқарувчи омил ҳисобланади.

Турли муаллифлар томонидан эълон қилинган касбий компетенция муаммолари тўғрисидаги илмий мақолаларда ижодий изланиш энг асосий сифатлардан бири эканлиги қайд этилади. Айниқса, касб таълими ўқитувчилари учун бу ўта муҳим жиҳат саналади ҳамда мутахассиснинг касбий компетенциясида ижодкорлик масаласига алоҳида урғу берилади.

Ижодий дунёқараш ва кўркмай ижодий фаолият кўрсатиш, ҳатто у турмуш масалалари бўлса ҳам; «талаба» ва унинг машғулотлари эркин тарзда такомиллашиб боришини чин дилдан исташи ва уни ташкил этиш маҳорати; «талаба»нинг ўсиши ва ҳар

томонлама ривожланиши учун шахсий масъуллик ана шулар жумласидандир.

Г.С.Альтшуллер ва И.М.Вёрткинлар томонидан олға сурилган гипотезага кўра, бўлажак ижодкор шахс учун дастлабки ривожланиш босқичларида «мўъжиза билан учрашув» муҳим аҳамият касб этади. У минимум икки хусусиятни ўзида жамлаган бўлади:

1. Одатий муҳитда ғайриоддийлик касб этади;
2. «Ўйинчоқ»қа ўхшагани билан эмас, балки ҳайратланарли эканлиги билан кўзга ташланади.

Шахс шаклланишининг кейинги даврларида у ўзининг асосий фаолияти сари қадам ташлар экан, мўъжиза воқеалар ижодий шахсни тез-тез таъқиб қила бошлайдилар. Улар болаликдаги тасаввурлар билан бир бутунлик касб этади. Бу ходисалар бир томондан инсон онги доираси, фикрлашнинг охири чегарасида бўлса, иккинчи томондан шахснинг қизиқишларига туртки бўлади.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу инсоннинг турли соҳаларда мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интеллектуал ва ахлоқий ривожланишидир. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам таълимдаги ислоҳотлар жараёнида мустақил таълимни рағбатлантириш муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда. Педагогнинг касбий компетентлигини тарбиялаш феноменини тадқиқ қилишга Р.А.Мавлонова, Н.Н.Азизходжаева, Ф.Юзликаев, Р.Х.Джураев, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин ва бошқа қатор олимларнинг ишлари педагогик компетентликка бағишланган. Бу муаллифлар касбий компетентлик шахсиятли-ишончлили сифатлари билан бирликда ўқитувчининг касбий-шахсиятли ҳодиса сифатида педагогик маданиятини тавсифлайди деган фикрда яқдилдирлар. Ўз навбатида, касбий компетентлик тушунчаси, В.А.Сластенин таъкидлаганидек, педагогнинг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ҳамда амалий тайёрлигининг бирлигини ифодалайди ва унинг профессионализмни тавсифлайди. Психологик, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, «касбий компетентлик» ва «профессионализм» тушунчалари синонимлар сифатида қаралади. Бироқ уларнинг моҳиятини аниқлашда фарқлар бор. Одам профессионализм компетентлик билан бир қаторда унинг касбий йўналганлиги, шахс касбий муҳим сифатларининг мавжудлиги билан таъминланади. Профессионализмнинг юқори даражасига одам ўз фаолиятини эгаллаш ва узоқ

вақт бажариш жараёнида эришади. Демак, педагогнинг касбий компетентлиги мутахассиснинг профессионализмини тарбиялашда асос бўлади ва улар орасига тенглик белгисини қўйиш мумкин эмас.

Педагогика ва психологияда касбий компетентликнинг моҳияти, мазмуни, структураси, асосларини ва уни тарбиялаш имкониятларини таърифлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Муаллифлар М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Н.В.Кузьмина ва бошқалар бу муаммони психологик нуқтаи назардан кўриб чиқишни таклиф этсалар, М.Очилов, У.Маҳкамов, С.Очилов О.Мусурмонова, В.А.Сластенин ва бошқалар педагогнинг ўз шахсият характеристикаларини, касбий аҳамиятли тарбияланганлик сифатларини ривожлантиришига урғу берадилар. Муаллифлар У.Нишоналиев, У.Толипов, Н.Сайидахмедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, В.В.Сериков ва бошқалар эса поливалент касбий компетентликни асосий технологик масалалар бешта гуруҳининг бирига киритадилар, муаллифлар М.Очилов, У.Маҳкамов, С.Очилов О.Мусурмонова, В.А.Сластенин ва бошқалар касбий тарбияланганлик компетентлигини ўқитувчининг профессионализми структураси ичида деб таъкидлайдилар.

Тадқиқотчи Б.Назарова ўзининг илмий ишида педагогнинг касбий тарбияланганлик компетентлигини тадқиқ қилишда бир қатор илмий асарлар асосида унинг қуйидаги турлари фарқ қилишини таъкидлайди:

– махсус тарбияланганлик компетентлиги – касбий фаолиятини етарлича юқори даражада эгаллаганлик, ўзининг келгуси касбий ривожланишини лойиҳалаш қобилияти;

– ижтимоий тарбияланганлик компетентлиги – биргаликдаги (гуруҳли, кооператив) касбий фаолиятни, ҳамкорликни ва, шунингдек, мазкур касбда қабул қилинган касбий мулоқот услубларини эгаллаганлик, ўз касбий меҳнати натижалари учун ижтимоий масъуллик;

– аутокомпетентлик – ўзининг ижтимоий-касбий характеристикалари ҳақида адекват тасаввур ва касбий деструкцияларни енгиб ўтиш технологияларини эгаллаганлик;

– экстремал касбий компетентлик – тўсатдан мураккаблашган шароитларда, ҳалокатларда, технологик жараёнлар бузилганида ва ҳ.к.ларда ишлаш қобилияти.

Касбий тарбияланганлик компетентлигининг кўрсатиб ўтилган турлари бундай хилма-хиллигига қарамасдан, муаллифлардан

ҳеч бири уларни таснифлаш мумкин бўладиган умумлаштирувчи мезон асосини келтирмайди. Жумладан, ижтимоий тарбияланганлик ва экстремал компетентликлар тавсифлаш учун турли асосларга эга, демак, структураси, мазмуни ва тарбиялаш шароитлари бўйича фарқ қилади. Равшанки, мазкур муаммо ҳозирги замон педагог ва психологлари ишларида ҳали ўз ечимини топади [69].

Бу ерда айтиб ўтилган касбий тарбияланганликда компетентлик турлари одамнинг касбий фаолиятда ва муомалада етуклигини, профессионал шахснинг қарор топишини англатади. Бу ерда «етуклик» сўзи «одам руҳий, ақлий ва жисмоний қобилиятларининг энг юқори ривожланган, ривожланган масъулият ҳисси, бошқа одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш эҳтиёжи, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш қобилияти» сифатида қаралади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фикр билдирадиган бўлсак, мутахассиснинг касбий компетенцияси шаклланишида ҳам процессуал, ҳам шахснинг ижодий фазилатлари ривожланиб бориши лозим.

Мутахассиснинг касбий компетенцияси тузилиши ва моҳиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тахлилига кўра, қуйидагича хулосалар чиқарамиз:

Мутахассиснинг касбий компетенцияси шахснинг мураккаб тузилмаси бўлиб, унинг фаолиятини аниқлаб беради ва умуммаданий, касбий билимлар, маҳорат, кўникмалар, касбий ижодий ёндашув, шахснинг ижтимоий йўналтирилганлиги, умуман, касбий вазифалар самараси ечим топишни таъминловчи мажмуадир.

Мазмун-моҳиятига кўра, мутахассиснинг касбий компетенцияси билимлардан иборат: функционал (турли фан соҳаларини ташкил этиш принциплари ҳақидаги билимлар) ҳаракат ҳақидаги амалий билимлар (методик ва технологик) ҳамда шахснинг ўз билимларидан иборат. Буларнинг натижасида мутахассиснинг касбий, коммуникативлик маҳорати ва кўникмалари шаклланади, лойиҳалаш, тажрибавий ва технологик вазифаларни ижобий ечиш имкониятлари пайдо бўлади.

Тезкор фаолият ва мақсадларга бўйсундирилган унсурларга касбий компонентлар киради: ўқиш ва билим олиш, мақсад ва мўлжаллаш, қайта ташкил қилиш, коммуникатив ва эстетик унсурлар ана шулар жумласидандир.

Касбий компетентликни шакллантириш юзасидан таҳлил ишларини олиб бориш натажасида илмий адабиётларда компетент-

ликнинг қуйидаги турларга бўлиниши ва улар устида иш олиб борган олимлар аниқланди:

- коммуникатив компетентлик (С.Л.Братченко, Ю.И.Емельянов, А.П.Панфилова, О.П.Санникова, Г.С.Трофимова, В.Д.Ширшов);

- билим олиш компетентлиги (С.Г.Воровщиков, Д.В.Татьянченко);

- интеллектуал компетентлик (Э.Г.Гельфман, М.А.Холодная);

- интеллектуал-корпоратив компетентлик (А.Аринушкина);

- ахборот олиш компетентлиги (А.М.Оробинский, О.Г.Смолянинова);

- технологик компетентлик (Н.Н.Манько);

- маданий компетентлик (М.В.Булыгина, О.А.Лукина, Н.В.Поморцева, А.Н.Федорова);

- психологик компетентлик (А.Д.Алферов, И.Ф.Демидова, В.Н.Дружинин, Н.В.Яковлева);

- психологик-педагогик компетентлик (М.И.Лукьянова, Е.В.Попова);

- касбий компетентлик (А.К.Маркова, В.А.Якунин);

- ижтимоий-психологик компетентлик (А.Г.Кудрявцева, Л.И.Берестова);

- умуммаданий компетентлик (Н.Ю.Конасова, О.Е.Лебедев, А.А.Петров).

Булардан ташқари таълим стандартларига адабий, математик компетентлик тушунчалари киритилган.

Коммуникатив компетентлик Г.С.Трофимова томонидан батафсил ўрганилган бўлиб, «шахснинг инсонпарварлик сифатларига асосланган ва коммуникатив фаолиятнинг маҳсулдорлигини таъминлашга қаратилган, шахснинг шахслараро мулоқоти тажрибасига, унинг ўқимишлилиги, тарбияси ва ривожланганлиги даражасига боғлиқ бўлади.

Г.С.Трофимова педагогик коммуникатив компетентлик ғоясини, уни ўлчаш методикасини, дидактик моделини ва коммуникатив компетентликни шакллантиришнинг мазмуний тузилмаси босқичларини ишлаб чиқди.

Коммуникатив компетентликни дидактик воситалар орқали шакллантиришнинг йўллари ва усуллари аниқланди ҳамда назарий жиҳатдан асослаб берилди. Бу ўқитишга мулоқот сифатида қарашлар тасдиқланади ва ўқув жараёнининг коммуникатив табиатидан таълим олувчиларнинг шахсий салоҳиятларини фаоллаштириш

мақсадида фойдаланиш имкони яратилади демакдир. Бунда дидактик шарт-шароитларга шахснинг инсонпарварлик сифатларини шакллантириш жараёнининг муваффақиятини белгиловчи омили сифатида қаралади. Илмий-назарий жиҳатдан илк бора «коммуникатив компетентлик» ва «коммуникатив компетенция» тушунчалари бир-биридан ажратилди: биринчи атама ўзаро мулоқот муаммолари билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий психологлар ва педагоглар томонидан фойдаланилади, иккинчиси билим олиш фаолияти билан боғлиқ ва ундан тилшунослар фойдаланадилар.

Коммуникатив компетентлик муаммоси гуманитар билимларнинг турли соҳаларида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди – фалсафада (М.С. Каган, Б.Д. Парыгин, В.М. Соковнин), умумий ва ижтимоий психологияда (Б.Г. Ананьев, А.А. Бодалев, Ю.Н. Емельянов, А.А. Леонтьев, Л.А. Петровская), педагогикада (Н.В. Кузьмина, В.В. Соколова, Г.С. Трофимова), ижтимоий педагогикада (Б.З. Вульф, Г.А. Кудрявцева). Инсонпарварлик парадигмасига мос равишда субъект-субъект муносабатлари асосида девиант хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлашда педагог-психологларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш муаммолари ўрганилган (Р.Б. Дериглазова).

Билим олиш компетентлиги – «ижтимоий жамият маданиятида мавжуд бўлган қоидалар, қадриятлар, билимларни эгаллаш усуллари тизимига мос келадиган билим олиш фаолиятининг индивидуал даражаси» деб белгиланади. Ушбу компетентлик шахснинг ҳаётий фаолиятидаги ташаббускорлик хусусиятларига асосланади. Таълим олувчи олдида шунчаки фанларнинг асосларини ўрганиш эмас, балки, фанни ўрганиш жараёнида ўзининг билим эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, мураккаблаштириш вазифаси туради. Зеро, шунчаки билимли одам эмас, балки билимларни эгаллаш, пухталаш ва уларни амалда қўллай олиш механизми шаклланган одам кучлироқдир. Билим олиш компетентлигининг асосида умумий ўқув кўникмалари ётади. Компетентли таълим сифатини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири – масалаларни ҳал этиш жараёнида керакли ахборотни излаб топиш, қайта ишлаш ва ундан унумли фойдалана билиш, муаммони аниқлаш ҳамда уни ҳал эта олиш ва бошқа шу каби кўникмалардан иборат бўлган умумий ўқув кўникмаларини мақсадли равишда ривожлантириш ҳисобланади.

Интеллектуал компетентлик деганда, билимларни қўллай олишнинг ўзига хос тури, яъни муаммоларни ҳал этишда, шу жумладан муаммоли вазиятларда ҳам, самарадор қарорлар қабул қила олиш имкониятларини таъминлай оладиган даражадаги компетентлик тушунилади. Тадқиқотчилар компетентли одамларга хос бўлган билимлар элементлари сирасига қуйидагиларни киритадилар: турли-туманлик, аниқлик ва ўзаро боғлиқлик, мослашувчанлик, муҳим жиҳатларни тез ажрата олиш, турли вазиятларда амалда қўллай олиш, муҳим таянч элементларининг мавжудлиги, бирор ишни бажара олиш бўйича амалий билимларга эгалик.

Интеллектуал-корпоратив компетентлик «мураккаб психологик хусусият бўлиб, корпоратив тизим сифатида компания томонидан масалаларни мақбул равишда ҳал этилишидаги каби кўникма ва малакалар тўпламидан иборат бўлади». Улар қаторига – масалаларни тўғри қўя билиш ва лойиҳа олди тадқиқотларини амалга ошириш, ахборот технологияларини лойиҳалаштириш, инновацион ғояларни киритиш, компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқа билиш каби кўникмаларни киритиш мумкин.

Н.Н.Маньконинг фикрича, педагогнинг технологик компетентлиги – мавжуд педагогик тизим объектларини ўзгартириш фаолиятида қўлланиладиган креатив-технологик билимлар, қобилиятлар ва стереотиплар тизимидир. «Билим олиш фаолиятининг амалий ва интеллектуал механизмларини такомиллаштириш, дидактик воситалар ёрдамида ўқиш-ўрганиш фаолиятининг ташқи режасини тузиш, ўқув ҳаракатларини режалаштириш ва ҳоказолар бошқарув ҳамда шакллантиришни тартибга келтиришнинг технологик-педагогик асослари ҳисобланади. Бу умумий касбий компетентликнинг махсус бўлими ҳисобланади».

Психологик компетентлик, Н.В.Андронованинг фикрича, – мутахассиснинг касбий фаолиятини самарали амалга ошириш имконини берадиган ўзига хос психологик (шахсий) қуроли, унинг психологик маданиятининг бир қисмидир. Ўқитувчининг психологик компетентлиги иккита блокдан иборат: интеллектуал (когнитив) ва амалий (ҳаракатли). Интеллектуал блокка психологик билим ва тафаккур, амалий блокка психологик кўникма ва малакалар киритилган.

Психологик-педагогик компетентлик деганда, М.И.Луқьянова фикрича, педагогик фаолиятга ва ўқув жараёнида таълим олувчилар билан самарали мулоқотни ўрната олишга юқори даражада

тайёргарликка эга бўлган шахснинг муайян хислатлари (сифатлари)нинг йиғиндиси тушунилади.

А.К.Маркованинг фикрича, касбий компетентлик – мутахассиснинг ўз касбий фаолиятини эгаллаганлигининг сифат кўрсаткичи бўлиб, мазкур фаолиятга нисбатан ўзининг мойиллигини англаш, ўзининг шахсий хислат ва сифатларини баҳолай олиш, ўзининг касбий жиҳатдан шаклланишини тўғри йўналтира билиш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини тарбиялай олишини назарда тутати. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, касбий компетентликнинг тузилмаси уч таркибий қисм: мазмуний, мотивацион ва ижро этиш (амалга ошириш) дан иборат.

В.А.Якунин касбий компетентликни кенгроқ маънода талқин қилади ва уни қуйидаги таркибий қисмларга ажратади: касбий билим, кўникма ва малакалар тизими, касбий масалаларни мустақил равишда ижодкорона ҳал этишга интилиш ва қодирлик, одамлар билан ишлашга ва уларни бошқаришга ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлик, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуклик, сиёсий маданият.

Ю.В.Варданян томонидан касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилган, унинг моҳияти, мазмуни ва таркибий қисмлари аниқланган, касбий компетентликнинг субъект, объект ва предметли таркибий қисмларининг бир бутунлигидаги модели тузилган. Олий маълумотли мутахассиснинг касбий компетентлиги деганда, олий таълим муассасаси битирувчисининг назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарлиги ва касбий фаолиятни амалга оширишга қодирлигининг бир бутунлиги тушунилади. Касбий компетентликнинг тузилмасидаги субъектли таркибий қисми – ўз олдига қўйган мақсадларига эга бўлган, бунёдкор, ривожланишга интилувчан, ўзини касбий жиҳатдан ташхис қилиш, ўзгартира олиш ва таҳлил қила билиш, шунингдек, ўз касбий фаолияти ва унинг натижаларини ташхис қилиш, ўзгартириш, баҳолаш ва таҳлил қилишга қодир бўлган мутахассиснинг ўзига хос сифат даражасини билдиради. Объектли таркибий қисм – мутахассис томонидан касбий фаолият тизимини яратиш ва унинг масалани қўйилишидан бошлаб то эришилган натижагача бўлган барча босқичларда ҳаракатланишини таъминлаш жараёнини билдиради. Предметли таркибий қисм – гуманитар соҳа мутахассисининг ва ундан касбий ёрдам ва хизмат-

ларни олувчи одам ёки бир неча одамлардан иборат гуруҳнинг биргаликдаги ўзаро тақсимланган фаолиятининг маҳсулидир.

В.И.Юдин таъкидлашича, вариатив педагогик технологияларни ўзлаштириш ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлигини такомиллаштиришнинг ички шартлари ҳисобланади. А.В. Добудько таълимни ахборотлаштириш шароитларида ўқитувчининг касбий компетентлиги мазмунининг ўзига хос хусусиятларини ахборот ва коммуникацион технологиялар воситаларидан фойдаланиш асосида амалга ошириладиган педагогик фаолият доирасида янги алгоритмларни қўллаш зарурлиги билан боғлиқ деб ҳисоблайди. С.А. Гудкова, ўз мустақиллигини орттириб бориш заруратини англаган ҳолда таълим олувчини «ўзи ўрганувчига» айлантириши орқали инсон касбий маҳорат чўққиларини эгаллаши мумкин, деб ҳисоблайди. Умуман олганда, касбий фаолиятни эгаллаш жараёнига кўп таркибли, тизимли жараён сифатида қараш зарур (Р.В.Габдреев, Е.И.Рогов ва б.). Шу билан бирга, компетентлик ёндошувини шакллантиришнинг асосий манбаи – ўқитувчи, педагог, чунки фақат ўқитувчи ўз ўрнини англаш, ўз имкониятларини белгилаш учун вазиятларни яратиб бера олади.

Ижтимоий-психологик компетентлик деганда одамлар билан самарали равишда ишлаш учун қўлланиладиган, илмий жиҳатдан асосланган психологик усулларни эгаллаганлик, бошқа одамлар билан муваффақиятли равишда ўзаро мулоқотга киришишга тайёрлик даражаси тушунилади.

С.В.Муреева замонавий фанда аниқ белгиланган таърифи йўқлини эътироф этган ҳолда, маданиятлараро компетенция тушунчасини киритади. Таянч тушунча сифатида билимлар категориясини танлаб, индивиднинг бошқа халқлар маданияти бўйича билимларга эгаллигини маданиятлараро компетенция деб белгилайди. Муаллиф томонидан талабаларнинг маданиятлараро компетенциясини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги дидактик қоидалар ажратиб кўрсатилади: ахборотнинг ўрганиш учун аҳамиятли қоидаси, фанлараро алоқаларни ҳисобга олиш қоидаси, маданиятлараро компетенцияни ривожлантиришга индивидуал-шахсий ёндошув қоидаси.

Н.В.Поморцева, таълим олувчиларнинг маданий компетенцияларини тадқиқот қилар экан, бу жараён маданий, маданиятлараро, кўп маданиятлик каби бир қанча таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олади, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, маданий компетенцияни шакллантириш педагогик жараёнининг

самарадорлигига ягона, бир бутун таълим маконини яратиш, маданиятнинг умумий тимсолини, дунёнинг яхлит манзарасини шакллантириш орқали эришиш мумкин.

Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, замонавий таълимнинг глобал мақсади – маданиятли инсонни ривожлантириш деб ҳисоблаймиз.

С.Н.Уласевич таълим олувчиларнинг маълумот олиш компетентлиги – яхлит шахсий таълим бўлиб, таълим олувчининг назарий ва амалий жиҳатдан маълумотини амалга ошириш имконини берадиган фаолиятга тайёрлиги ва қодирлигининг бир бутунлиги деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда таълим тизими анчагина қийинчилик туғдираётган, тадқиқотчилар томонидан турлича ҳал этилаётган масала билан тўқнашиб турибди, бу компетенция тушунчасининг мазмуни ва унинг чегаралари, унинг таркибига кирган қисмларининг ҳажми масаласидир. И.А.Зимняя биринчидан, таянч компетенцияларни гуруҳлаш асосларини ажратиш ва назарий жиҳатдан асослаб беришга, иккинчидан, уларнинг асосий, зарур атамалари мажмуини аниқлашга ва учинчидан, уларнинг ҳар бирига киритиладиган компетенция турларини белгилашга ҳаракат қилди.

Таянч компетенцияларнинг уч гуруҳини ажратиб олиш учун назарий асос сифатида психологияда шакллантирилган қоидалар хизмат қилади, бу қоидаларга инсон мулоқот, билим олиш ва меҳнат субъекти эканлиги (Б.Г.Ананьев); инсон жамиятга, бошқа одамларга, ўзига нисбатан муносабатлар тизимида намоён бўлиши (В.Н.Мясищев); инсоннинг компетентлиги акмеологик ривожланиш векторига эга эканлиги (Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач); касбий маҳорат компетентликни ўз ичига олиши (А.К.Маркова) кабилар киради.

Юқоридаги фикрлардан компетентликнинг уч асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

1. Ўз-ўзига, шахс сифатида, ҳаёт фаолияти субъекти сифатида муносабатда бўладиган компетентликлар.

2. Инсоннинг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларига тааллуқли компетентликлар.

3. Инсоннинг барча турдаги ва шаклдаги фаолиятига тааллуқли компетентликлар.

Шундай қилиб, таълимга компетентлик асосида ёндашув таълим натижаларининг янги турларини юзага келтиради.

Шахснинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун қуйидаги шахсий сифатлар зарур: ижодкорлик, техник фикр юритиш, ўз кучига ишониш, ўз касб маҳоратини тинмай ошириб бориш, жараёнларни эмоционал-қатъийлик билан бошқара билиш, компетенция юзага чиқиши натижалари. Шундай қилиб, мутахассис касбий компетенциясининг моҳияти, мазмуни ва тузилишини аниқлар эканмиз, касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенциясини ўрганишнинг асосларига эга бўламиз. Лекин мутахассиснинг касбий компетентлигини шаклланишида психологик-педагогик шарт-шароитлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақида кейинги параграфда фикр юритилади.

1.3. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Касб-хунар коллежларида дарс берадиган педагог кадрлар юқори савияли бўлиш билан бир қаторда, янги педагогик технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, замонавий билим бера олиш қобилияти, касбий кўникма ва малакаларни шакллантира олиш маҳоратига, яъни касбий компетентликка эга бўлишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни педагогика олий таълим муассасаларида ўзига хос шарт-шароитни талаб қилиш билан биргаликда, фанлараро алоқадорлик ҳамда изчиллик тамойилига таянган ҳолда ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этишни тақозо қилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий фанлар ҳамда умумкасбий ва ихтисослик фанларини узвий алоқада ўрганишлари уларнинг бевосита касбий компетентлигининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, ҳар бир мутахассислик фанидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш жараёнида мутахассислик тушунчаларининг ўрни, уни баён қилиш зарурияти, кетма-кетлиги, бошқа тушунчалар билан алоқадорлиги ҳамда бу алоқадорликни рефлексив (рефлекс, беихтиёр), симметрик ёки транзитивлик (дарс жараёнида олинган

билимлар мажмуини амалда ўз ўрнида қўллай олиши) каби бошқа хоссаларга бўйсуншига қараб, ҳар бир тушунчаларнинг ўзини қандай салоҳияти билан қатнашаётганини аниқлаш имкониятига эга бўламиз.

Маълумки, анъанавий таълимда маъруза ва амалий машғулотларнинг ҳар бир ўқув фани бошқа ўқув фанларига боғлиқ ҳолда олиб борилиши талабаларда билимларнинг интегратив тарзда юзага келишига ўзининг таъсирини кўрсатиб келди. Бу эса талабаларда ижодий фикрлаш жараёни имкониятининг сустлашишига сабабчи бўлиши тажрибада кузатилган.

Олий таълим муассасаларида бериладиган барча мутахассисликлар фанлари ўзида асосан фақат маълумот берувчи, ўргатувчилик функцияси билан чегараланиб қолмасдан фикрни ривожлантирувчи, интеграллаштирувчи, тарбияловчи функцияларига ҳам эгадир. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир фан ўқитувчисига талабаларни нафақат шу фан тузилмасида мавжуд бўлган илмий маълумотлар билан қуроллантириш, балки улар эгаллаган илмий тушунчаларни ривожлантириш ва бошқа тушунчалар билан интеграллашувини таъминлаш ҳамда талабаларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари ҳам қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи навбатдаги ўқув машғулотига тайёргарлик кўришида ўқув материални юқорида санаб ўтилган талаблар ва тамойилларга риоя қилган ҳолда танлаши ҳамда уни талабалар эътиборига ҳавола қилишида тегишли тушунчалардан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўлажак ўқитувчини касбий компетентлигининг шаклланиши унинг жамиятдаги ўрни, педагогика олий таълим муассасасидаги мажбурияти ва вазифаларига ҳамда индивидуал қобилиятларига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикрлашнинг илмий таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиши, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиши ва бошқалар)нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бўлажак касбий фан ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари қарама-қаршилигини ҳис қилиш, уларнинг ечимини топиш учун эса ўзига хослик ва мақсадга мувофиқлик каби касбий хислатларнинг таркиб топишида намоён бўлади.

Замонавий ижодкор ўқитувчи педагогик фаолиятнинг репродуктив (эсда қолган нарсани тасвирламоқ) усули ва ижодкорликдан бирини танлашда нафақат ўзлигини, балки ҳаётий мақсадларини ҳам рўёбга чиқаради. У ўзини сифат жиҳатидан ўзгартиради, психологик тўсиқларни енгади, касбий аҳамиятли сифатларини ривожлантириш имкониятларини қидиради, ўз педагогик концепциясини ишлаб чиқади. Умуман олганда, ўқитувчининг педагогик фаолияти учун, биринчидан, инновацион йўналтирилганлик, иккинчидан, ўз ишига ижодкорона ёндошув, индивидуаллик каби хусусиятлари жуда муҳимдир. Ижодкор ўқитувчи ўз-ўзини такомиллаштирамай туриб, индивидуалликни ривожлантирмай, касбий компетентлигини шакллантирмасдан касбий фаолиятда юқори мавқега эришиш мумкин эмаслигини тўғри англаб етади. Шу сабабли ҳам касбий зарурат бўлган сифатларни ҳаётий мақсад сифатида ривожлантирмай туриб, янги технологияларни эгаллаши мумкин эмас. Айнан ушбу икки йўналишни педагогнинг ижодий индивидуаллигининг кўрсаткичи сифатида қабул қилиш мумкин. Ўқитувчининг педагогик услуби - бу шахс томонидан ўз индивидуаллигини касбий фаолият шарт-шароитларини уйғунлаштириш тизими, шахс ижодкорлигининг манбаи ва ижодий фаолият натижаси кўринишида ўзлигини намоён қилиш воситасидир.


Ўқитувчининг индивидуаллигида психологик ҳамда шахсий жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг педагогик фаолияти умумий ва касбий қобилиятларнинг, шунингдек, касбий мотивациянинг намоён бўлиш даражаси билан белгиланади. Етарли даражада ривожланган қобилиятлар, мақсадлар, эҳтиёжлар доираси қанчалик кенг бўлса, ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси шунчалик юқори бўлади.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида ривожланишни таъминловчи асосий зиддият инсон қобилиятлари ҳамда педагогик фаолият талаблари ўртасидаги тафовут билан белгиланади. Педагогик жараёнда юзага келувчи зиддиятларни ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятлари ва қобилиятлари даражасида ҳал қилади. Бу фаолият ўқитувчининг индивидуал услубини белгилаб беради.

Ўқитувчида ўз-ўзини бошқариш, қатъийлик, журъатлилик, жасурлик, атрофдаги инсонларга ҳурмат ва эътибор, камчиликларини ҳис қилган ҳолда ўз имкониятларига ишонч, фаолиятини баҳолашда ҳаққонийлик, кучли ирода, ўз куч-қувватини мақсадли йўналтира олиш, фаолият ва белгиланган вазифаларни амалга

ошириш йўлида имкониятларини жамлай олиш, белгиланган мақсадни амалга оширишда фаолиятини тўғри бошқариб бориш, ақлий фаоллик ва ўзгарувчан шароитларга мослаша олиш, шахсни ҳаракатга келтирувчи куч ҳамда ижтимоий олам билан ўз имкониятларини қиёслай олиш сифатларига эга бўлсагина юксак касбий маҳорат даражасига эриша олиши мумкинлиги аниқланган.

Н.А.Муслимов ва Қ.М.Абдуллаевалар ўз тадқиқотларида касб таълими йўналишидаги бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ижодкор ўқитувчининг индивидуаллик таркибий тузилмасини ишлаб чиққанлар [21, 46]. Бу тузилмада Касб таълими йўналишидаги бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланишига таъсир этувчи омиллар аниқланди. Тузилма қуйидаги таркибий қисмлардан иборат (1-расм).



1-расм. Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланишининг таркибий тузилмаси

Шаклдан кўриниб турибдики, Касб таълими (Сервис) таълим йўналиши бўйича тайёрланаётган бўлажак ўқитувчининг касбий

компетентлигининг шаклланишига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатар экан, булар:

1) мотивацион омил – ўқув ҳамда касбий ҳаракатларни эски қарашлардан ҳоли бўлган ҳолда амалга оширишга интилиш, ижодий қийинчиликларга тайёр бўлиш ҳамда бу борадаги ютуқларга, ижодий жараёнларга интилиш, топилган ечимлардан қониқиш ҳосил қилиш. Бунда етакчи мотивлар – ўзининг янги ечимларини топишга қизиқиш, ижодий фаолиятини ташкил этишга интилишдир. Масалан, Касб таълими (Сервис) таълим йўналишида ихтисослик фанларига доир «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» фанида ўқитувчи-бакалаврларга буюмларни моделлаштиришнинг янгича услубларидан фойдаланиш билан бир қаторда, электрон адабиётлар, шунингдек, интернет тизимидан оқилна фойдаланишга оид билимлар берилади, яъни талабаларда ижодкорлик ҳамда янгиликка интилиш мотивлари шакллантирилади;

2) интеллектуал омил – муаммоли таълим кўникмаларини эгаллаганлиги (муаммони кўра билиш, уни шакллантириш, муаммони ҳал этиш йўллари топиш ва ҳоказолар), фикрлашнинг креативлиги (ностандарт ечимлар қабул қилувчи шахснинг ботиний қобилияти), мослашувчанлиги ҳамда тизимлилиги, ижодий тасаввур, моделлаштириш, лойиҳалаш, башорат қилишга, янги ғояларни топишга мойиллик. Тикувчилик буюмларини моделлаштириш жараёнида талабада одам гавдасининг тузилиши, ёши, тавсия этиладиган газламанинг турига қараб, моделларни танлаш ва уни моделлаштиришда юзага келадиган муаммоларни тўғри ҳал қилишда талабага берилган билимлардан ижодий тасаввур қилиш ҳамда янги ғояларни топишга интилиш сезилади;

3) иродавий омил – изланиш давомида, моделлаштириш ҳамда ўқув ва касбий вазифаларни ҳал қилиш учун ўз фаолият йўлини яратишда ирода сифатларини намоёни қилиш. Касбий фанларда берилган индивидуал топшириқларни – мураккаб фасонли буюмларни моделлаштиришда талабанинг иродавий сифатлари ва изланиш фаолиятлари шаклланади;

4) ҳиссий омил – изланувчанлик, кашфиёт ва ихтироларни амалга оширишга хос ҳиссиётларнинг намоён бўлиши, ўқув ҳамда касбий фаолиятда креатив ечимларни топиш йўлида зийрак бўлиш. Тикувчилик буюмларини моделлаштириш жараёнида бир асосдан бир неча турдаги моделларни яратишда, «Тикувчилик техно-

логияси» фани жараёнида буюмнинг бирор қисмига ишлов беришнинг мақбул усулини танлашда талабадаги эмоционал омил шаклланади;

5) амалий-предметли омил – атрофдагиларга ғайриоддий бўлган хулқ эгаси бўлиш (янги ахборотлар ичида тез йўналиш топа олиш, ноанъанавий ечимлар излаш, фикрлаш, ҳаракат ва амалларнинг атрофдагилар учун кутилмаган йўналишда ўзгариши). Бирор янги моделни яратишда мода журналларидан, интернет янгиликларидан оқилона фойдаланиб, янги, такрорланмаган бирор моделни яратишга интилиш талабадаги индивидуалликни намоён қилади;

б) ўз-ўзини бошқариш омили – ижодий жараёнда рефлексия қила олиш қобилияти, ўз фикрларини зарур йўналишда бошқара олиш, янги ечимлар, ғоялар топиш имконини берувчи манбаларга интилиш, ўз ижодий фаоллигини таъминлаш учун мустақил равишда шароит ярата олиш. Юқори курс талабасининг ўзига берилган топшириқни тўла бажариши, яъни модель яратганда – унинг замонавийлиги, мўлжалланган гавдага мослиги, моделга газлама тўғри танланганлиги, моделлаштириш босқичларининг аниқ бажарилганлиги, тикиш жараёнининг мақбул усулларини танланганлиги талабанинг ижодкорлигини, янги ечимлар ва ғоялар топа олишда мустақил ишлай олишини кўрсатади.

Талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириши уларда фикрлаш жараёнининг самарадорлиги, шу ўқув материалдан мутахассислиги учун зарур бўлган хулосаларни чиқара билиши, ўқув материални умумлаштира олиши, мақсадга эришувчанлиги, ўз фикрида қатъий туриши, ўқув материалининг таълим жараёнидаги камчиликларни тўлдиришга ёрдам бериши ҳам инобатга олиниши зарур. Шунинг учун ўқув материалининг илмий, таълимий-дидактик ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган қилиб танланиши талабаларнинг эртанги билим савияси, келажақда амалиётдаги ютуғи, шахс сифатидаги такомилли мажмуаси ҳамдир.

Демак, мутахассислик фанларини ўқитишда психологик – педагогик қонуниятларни ҳисобга олиниши бевосита бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экан. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти – бу ўқув тарбиявий жараёнга ўзининг фаол муносабатларини билдириб, қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиб, комил

инсон сифатлари билан бирга ақлий касбий тафаккурини ривожлантиришга ёрдам берувчи фаолиятдир. Шунинг учун ҳам касбий компетентликни шакллантиришда, албатта, ҳар томонлама такомиллашган чуқур касбий билим зарурдир. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларига касбий фанлардан бериладиган билимларнинг ўзига хос синтезини аниқлаш ва бу синтезда қатнашаётган билимларнинг табиати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, тузилиши ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги ҳақида маълумотларнинг таълим жараёнида бериб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Келажакда ўқитувчилик касби билан шуғулланувчи талабаларда психологик-педагогик компонентлардан бири, бу «эса сақлаш» шахсий сифатининг маълум даражада юқори бўлиши тақозо қилинади. Бундан ташқари, амалга оширилаётган ишлар тузилишига кўра бир нечта билимларнинг интеграцияси, ўзаро алоқадорлиги ва ундан фойдаланиш методикасини ўз ичига олади. Профессор Т.Р.Толаганов ўз тадқиқотларида,– «Талаба ҳар доим ўқув материални назарий ва амалий ўзаро боғлиқ бўлган диалогда қатнашади, чунки ўқув материалга мувофиқ хулоса чиқариши учун у ўзининг билимлар блокига тез-тез мурожаат қилиб туради»,– деб таъкидлаган [21].

Ҳар бир талаба имкониятига, асосан билимга бўлган интилишига кўра ўзининг ахборот майдонига эга бўлади. Бу билимлар тузилмасига кўра, техник ва технологик мазмундаги, психологик-педагогик, фалсафий, физик-математик ҳамда бошқа кўринишдаги билимлар тўплами бўлиб, талаба қайси йўналишга мос билимлар кераклигига таянган ҳолда, шу мазмундаги билимларни ахборот майдонидан ажратади. Бу билимларни чуқурлаштириб талаб қилинган мақсадда фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шу сабабли ҳар бир талаба учун ўрганилиши лозим бўлган билимлар мазмунига нисбатан уни ўзлаштириш даражаси касбий характерга эгадир. Бошланғич ҳолатда билимлар кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги дидактик кўриниш касб этади. У бўлинмаган ёки бўлинишга лойиқ бўлмаган воқелик ҳодисалари модели кўринишида қатнашиб, қандайдир, назарияни ёки ўзини намоён этишнинг бошланғич ҳолатини ифода этиб, бевосита уни билишга имконият яратиб беради. Бунда бирор-бир модель устида анализ (таҳлилий фикр юритиш) – синтез (хулоса чиқариш) ишларининг олиб борилиши, компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги, маълум ва номаълум таркибий қисмлар орасидаги боғланишларда эмпирик

(тажриба, амалий фаолият тарафдори) қонуниятларнинг мавжудлиги кузатилади ва шу асосда тўғри хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинади. Бундай билим ва малакаларнинг шакллантирилиши касбий педагогик масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, талабанинг мутахассислик билимлари тизимида етакчи ўринда туради.

Талабанинг касбий компетентлигини ривожланишида ҳаракатли-ўзгарувчи сифатли билимлар тизими муҳим роль ўйнайди. Бу билимнинг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, унда воқеликни субъективлик мезони асосида бўлимларга бўлиб қаралади. Профессор А.Я.Хинчин бу фикрни ривожлантириб: - умуман тафаккур ҳар бир фикрлаш жараёнида, содиқ ҳолда ишлаши билан бирга, у локал фикрлаш ва шу асосда мақсадни амалга ошириш учун энг қисқа йўлни танлашга, ортиқча нарса ва фикрларни ташлаб, зарур фикрлар устида фаолият юритишга ундайди, – деб уқтиради. Бу жараён, ўз навбатида, қаралаётган моделларнинг орасида муқобилларини қидиришга, бир моделни бошқа модель билан таққослаш ва таққосланадиган компонентларнинг нафақат ўзига, балки дизайнига ҳам аҳамият беришга, ҳаракат қилишга ўргатади. Маълумки, таққослаш бир жинсли предметлар устида олиб борилиб, уларга таққосланувчи компонентларнинг сифатлари, хоссалари ҳақида умумий хулосалар чиқарувчи, яқуний натижага олиб келувчи фактлар мажмуаси яратилади. Бу эса, ўз навбатида, фикрлар тизими банкини тўлдириш ва ундан фойдаланиш имкониятини ҳосил қилишга ёрдамлашади. Талаба ҳар бир кийимни моделлаштиришда таққослаш, ўхшатиб амалга ошириш, анализ ва синтез қилиш жараёнларини амалга оширишида, инсоннинг тана тузилиши ҳамда тана қисмларининг мутаносиблик сифатларига жиддий эътиборни қаратади. Бу борадаги тафаккур (инсонларни ўраб турган атроф оламдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни) кўп ҳолларда муҳокама юритувчи бўлиб қатнашади. Тафаккурнинг муҳокама юритиш тури бевосита кўрсатмалилик билан боғлиқдир. Ҳар бир кийим моделининг юзага келтирилишида тафаккурнинг асосий операциялари – анализ (тахлил) ва синтез (олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хулоса чиқариш), аналогия (ўхшашлик), индукция (айрим фактлардан умумий натижа чиқариш) ва дедукция (умумий ҳолатдан хусусий хулосаларга келиш), таққослаш, абстракция (нарса, воқеа, ҳодисаларнинг муҳим

томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини хаёлан бир чеккага қўйиб-туриб қараш, шу тарзда фикр юритиш) ва конкретлаштириш (аниқлаштириш) каби турларини ҳаракатга келиши туфайли талабаларимизда моделлаштириш бўйича зарур бўлган кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Касб таълими (Сервис) таълим йўналиши бўйича ўқитувчиларни тайёрлашда «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» ҳамда «Тикувчилик технологияси» махсус фанларни ўқитиш жараёнида моделлаштириш бичиш-тикишда муҳим жараён бўлиб, бу жараённи чизиқларсиз тасаввур қилиш қийин. Моделнинг чизма варианты эса бевосита математик қонуниятларга асосан яратилади.

Немис файласуфи И.Кант ўз таълимотларида мазкур муаммо устида тўхтаб, қуйидагича фикрларини билдирган, «...биз бир чизиқни фикрдан ўтказмасдан туриб, фикрлашимиз, айланани тасаввуримизга келтирмасдан туриб, у ҳақда фикр юритишимиз, бир нуқта устидан перпендикулярни кўз олдимизга келтирмасдан туриб, у ҳақда фикр юритишимиз мумкин эмас» [21].

Ҳақиқатдан ҳам, кийимларни моделлаштиришда ўтказиладиган чизиқлар ҳам математик, ҳам касбий хусусиятига эга бўлиб, у шу моделлаштирилаётган кийимнинг тузилмавий тўпламини ҳосил қилади ва йиғма конструкциясини белгилаб беради. Мазкур конструкция (тузилиш) шу моделнинг юзага келиш алгоритминини (бирор масалани ечиш қоидалари мажмуи) ҳамда конструктивлик, кўрсатмалилик ҳолатининг юзага келишини таъминлайди. Албатта модель (масалан, костюм) ўзининг меъёрий аксини топишида дизайннинг аҳамияти каттадир. Дизайн моделнинг кўрсатмалилигини юқори кўтаради.

Бу муаммо юзасидан профессор В.В. Давидов тадқиқотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у, - «..қаерда мазмун ташқи хосса сифатида қатнашса, кўрсатмалилик принципи ўзини оқламайди. Агар мазмун предметлар орасидаги боғланишга айланса, у ерда кўрсатмалилик етарли бўлмайди. Мазмун қаерда ўзини вертикал ва горизонтал ричаглари билан қатнашса, шу ерда моделлаштириш принципи ишлайди», - деб фикр билдирган [21].

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, ўз тадқиқотларимизда моделлаштириш жараёнини режалаштиришда мазмун ва ҳажм мутаносиблигини таъминлашга ҳаракат қилдик. Мазмун катталашиб кетса, ҳажм тораяди ва аксинча.

Демак, юқоридаги фикрлардан касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат эканлигини кўришимиз мумкин:

- таълим жараёнини моносубъектликдан полисубъектликка парадигмага айлантириш;

- таълим жараёнини шахснинг касбий компетентликка эришишида бетакрор индивидуаллигини ривожлантиришга қаратиш;

- бўлажак мутахассиснинг ўқув-билиш, имитацион-моделлаштириш ва касбий-амалий фаолиятининг ўзаро тўлдирувчанлиги ва изчиллиги;

- касбий компетентликни инсонпарварликка қаратилган ҳолда ташхис қилиш ва ўз-ўзини ташхис қилиш;

- касбий компетентликнинг субъектлик, объектлик ва предметлик таркибий қисмларини шакллантириш воситалари сифатида субъектлик-амалий, мазмуний-технологик ва предметлик-натижавий вазифалар тизимидан фойдаланиш.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шаклланишининг тузилмаси индивидуалликнинг шаклланиш ва ривожланиш мақсадларини тасаввур қилиш, яъни ижодий фаолият мақсадини белгилаш ҳамда ижодий фаолиятда муваффақиятга эришишга интилиш, ижодий тасаввурнинг ривожланиши, ижодий фаолият шароитида ўз ҳиссий ҳолатларини бошқариш, шунингдек, ижодий фаолиятни амалга оширишдаги қатъиятлик, мақсадга интилувчанлик, ечимини топилиши қийин бўлган вазиятларни енгиб ўта олиш, изланувчанлик ҳолатида ўз-ўзини бошқара олиш, ўз ижодий ечимларини таҳлил қила олиш қобилиятларини ривожлантира олиш, ижодкор индивидуал шахс сифати тасаввурларнинг, мустақил фикрлашнинг ривожланиши кабилардан иборат экан.

Мутахассиснинг касбий компетентлиги шахснинг мураккаб тузил-маси бўлиб, унинг фаолиятини аниқлаб беради ва умуммаданий, касбий билимлар, маҳорат, кўникмалар, касбий ижодий ёндашув, шахснинг ижтимоий йўналтирилганлиги, умуман, касбий вазифалар самараси ечим топишни таъминловчи мажмуадир.

II боб. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни мазмунини компетентлик ёндашув асосида модернизациялаш

Ўзбекистон Республикаси босқичма-босқич бозор иқтисодиётига асосланган очиқ фуқаролик жамият ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан республикамизда ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари учун рақобатбардош мутахассисларни етказиб беришга алоҳида диққат қаратила бошланди. Маълумки, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадини келажакда амалга оширадиганлар ёшлар, яъни ҳозирги талабалардир. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз» [6, 74-75б.] Шунинг учун ҳам жамиятнинг келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан талаба ёшларнинг интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан қай даражада камол топишларига боғлиқ.

Жаҳон ҳамжамиятида ҳар қандай давлатнинг мавқеи аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда сиёсий ва иқтисодий фаоллиги билан белгиланади. Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги - таълим тизимининг ҳолати билан аниқланадиган, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ. Давлатнинг бугунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар айнан таълим соҳаси ривожланишига бевосита боғлиқ.

Шу сабабли мустақилликнинг илк йиллариданоқ жамият ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида

жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган янги узлуксиз таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало, фан ва техниканинг илдам тараққиёти, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг замонавийлашуви, асосий буюртмачи сифатида давлат ва ижтимоий ҳаётнинг таълимга қўяётган янгидан-янги талабларига мос равишда таълим-тарбиянинг сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга қаратилган.

Таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълим сифат самарадорлиги ривожланиши динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади.

Ёшларнинг билим олиш мотивацияларини шакллантирувчи механизмларни ва ўқитишнинг янги шакл, ноанъанавий услублари орқали уларнинг билиш жараёнларини фаоллаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда индикаторлар тизими орқали таълим-тарбия жараёни сифатини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиб амалга жорий этиш зарурати мавжуд.

Айнан мана шулар узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялашни, таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қиладиган таъсирчан чораларни кўришни тақозо қилади.

Таълимнинг устувор вазифаларидан бири, бу таълим олувчи онгу шуурида миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, унда келажакда жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун амалий ҳаётга кўникмаларни шакллантириш билан талаба ёшларнинг ижтимоий иқтисодий муносабатларга фаол киришишига замин ҳозирлашдир.

Шу нуқтаи назаридан, таълим-тарбия жараёнида нафақат талаба ёшларга фанлар бўйича билим бериш, балки эгаллаган билим ва малакаларини амалга татбиқ этиш, улардан маиший ҳаётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири – таълим муассасалари, раҳбар ходимлар, педагоглар, талаба ёшлар ва оналар учун таълим хизматлари (илмий-услубий ва ахборот

таъминоти, педагог ходимларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, услубий хизмат тизими) сифатини ошириш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади.

Олий таълимни мазмунан модернизациялашда асосий қуйидаги вазифаларнинг бажарилиши назарда тутилади [14]:

- олий таълимнинг бакалавриатура ва магистратура босқичларида «Миллий ғоя» туркумига кирувчи фанларни ўқитиш кетма-кетлиги ва узлуксизлигини таъминловчи ягона Концепцияни яратиш, миллий ғоя, умуммиллий қадриятларга оид тушунчаларни барча ўқув фанлари таркибига сингдириш;

– таълим ва тарбияни уйғун олиб бориш, талаба-ёшларни нафақат билимли, балки, маънавий, ахлоқий ҳамда касбий тайёрланган етук шахс сифатида вояга етказиш бўйича таъсирчан педагогик чораларни белгилаш, бунинг учун талаба-ёшларнинг тарбияланганлик даражасини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиб, жорий этиш;

– таълим муассасаларида соғлом ижодий муҳитни яратиш, таълим ва тарбия жараёнига илғор инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, талаба-ёшларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантириш;

– иқтидорли талаба-ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини аниқлаш, тарбиялаш, улар истеъдодини тўлақонли рўёбга чиқаришнинг ягона умуммиллий тизимини шакллантириш, ўқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш илмий асосларини яратиш;

– ўқув режаларидаги турдош фанларни интеграциялаш орқали ўқув юкларини кўламини ва ҳажминини мақбуллаштириш;

– олий таълим тизимининг бакалавриатура ва магистратура босқичларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда дарсликларини такомиллаштириш, мазмунан узвийлаштириш;

– талабаларнинг Давлат таълим стандартлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг бакалавриатура ва магистратура босқичлари учун ягона тизимини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

– олий таълим муассасаларида виртуал ўқув-лаборатория, замонавий ахборот коммуникация, электрон-техник ва масофадан

ўқитиш имкониятларини кенгайтириш, дарслик, қўлланма ва ўқув фильмларининг электрон турларини яратиш ва улардан таълим - тарбия жараёнида самарали фойдаланиш;

– олий таълим муассасаларида таълимни бошқарув тизими учун раҳбар кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш;

– педагог ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларини малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш чораларини белгилаш;

– педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, педагогик диагностика, талаба шахсига индивидуал ёндашишга доир тадқиқотларга кенг йўл очиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этиш;

– битирувчиларни меҳнат соҳаларига жойлашувининг мониторингини ташкил қилиш;

– индикаторлар тизими орқали таълим сифатини бошқариш механизмининг яратиш ва жорий этиш.

Олий таълим мазмунини модернизациялашнинг асосий *тамойлари* [14]:

– олий таълимда талаба ақлий ҳамда яратувчанлик фаолиятини оқилона уйғунлаштириш йўли билан олинган билимларини замонавий ижтимоий-иқтисодий вазиятларда амалиётда қўллаш;

– бакалавриатура ва магистратура босқичларининг мазмунан узвийлиги– умумий, ижтимоий ва касбий таълимнинг ягоналиги;

– психологик-педагогик талаблар асосида таълим мазмунида ўқув юкмаси ҳажмининг мақбуллаштириш;

– таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги ва индивидуаллигининг таъминлаш;

– таълим мазмунининг бевосита шахсга йўналтириш ва таълим олувчиларнинг шахсий ижодий қобилиятларини бойитиш, мавжуд имкониятларини ривожлантиришда уларнинг қизиқиш ва иштиёқларини ҳисобга олган ҳолда таълимни ижтимоийлаштириш, индивидуаллаштириш;

– инсонийлик ва инсонпарварлик, талаба-ёшларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий–ахлоқий, эстетик, коммуникатив ва қобилиятини ривожлантирувчи омилларнинг таълим мазмунида акс этиши;

– фундаменталлик, таълим мазмунида олинадиган билимлар кўламини ошириш, асосий назариялар, қонунлар, тамойиллар, тушунчалар, муаммолар ва инсониятнинг умумэътироф этилган маданий-тарихий ютуқларини ўрганишни таъминловчи методологик таркибий қисмларни кучайтириш;

– ҳар бир иқтидорли талабанинг ўзига хослигига таяниш, унинг қизиқишларидан, ижодкорлигидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш.

Олий таълим мазмунини модернизациялашнинг асосий *йўналишлари*[14]:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини янги босқичга кўтариш, таълим жараёнида эришилган ижобий натижаларни келажакда ривожлантириш;

- жаҳон талабларига мос келадиган инновацион таълим тизимига ўтиш;

– таълимнинг мазмуни ва технологиясини маданият, иқтисодиёт, фан, техника, технологиянинг замонавий ютуқлари ва истиқбол йўналишларига мос равишда узлуксиз ва муттасил ривожлантириб боришни таъминлаш;

– замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда олий таълим сифат кўрсаткичлари ўсишини таъминловчи ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги таълимий тамойиллари ва йўналишларини татбиқ этиш;

– сифатли таълимий хизматни амалга оширишнинг ташкилий ва педагогик шарт-шароитларини таъминлаган ҳолда талаба-ёшларнинг жисмонан ва руҳан соғлиғини, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ваколатларини, ўз-ўзини ривожлантириш ва намоён эта олиш имкониятларини кенгайтириш;

– педагогик кадрларнинг касбий салоҳияти, умумий маданияти, ижтимоий тайёргарлиги даражасини ўстириш, уларни рағбатлантириш механизминини янада ривожлантириш орқали таълим тизимида педагогик фаолият ва бошқарув самарадорлигини ошириш.

Олий таълим мазмунини модернизациялашнинг асосий тамойиллари ва йўналишларидан келиб чиқиб, олий таълимнинг барча таълим йўналишларида ва мутахассисликларида билим олувчи талаба-ёшларга кенг имкониятлар очиб берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Олий таълим мазмунини модернизациялаш ишлари авваламбор таълим тизимида Давлат таълим стандартларининг янги авлодини ишлаб чиқилганлигида кўринади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, Касб таълими йўналишининг Давлат таълим стандартлари қайта кўриб чиқилди ва бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришнинг модернизациялашган мазмуни асосида Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишининг Давлат таълим стандартлари яратилди [93].

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

- *бакалавриятнинг асосий таълим дастурлари* (бакалаврият дастури) – талабаларнинг тарбияси ва тайёргарлик даражаси сифатини таъминлашга йўналтирилган ўқув режаси, ўқув курслари, фанлари (модуллари)нинг дастурларини қамраб олган ўқув-услугий мажмуалари ҳамда малакавий амалиётлар дастурлари, ўқув жараёни жадвали ва мос равишдаги таълим технологияларини амалга оширилишини таъминловчи методик материаллар;

- *интеграллашган курс* – таълим дастуридаги ўқув фанлари мазмун жиҳатдан ўзаро боғланган, лекин ўз мустақил фанига эга бўлган фанлар модули;

- *касбий фаолият соҳаси* – илмий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуаси;

- *касбий фаолият объекти* – касбга йўналтирилган предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва тизимлар;

- *касбий фаолият тури* – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилиш тавсифи методлари ва усуллари;

- *компетентлик* – шахснинг муайян таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича олган билим, малака ва кўникмалари ҳамда шаклланган шахсий хислатларини меҳнат фаолиятида муваффақиятли қўллаш олиш қобилияти.

- *компетенция* – билим, малака ва шахсий сифатларини маълум соҳада муваффақиятли фаолият учун қўллаш олиш;

- *модул*– таълим ва тарбиянинг муайян мақсади ва натижасига эришиш бўйича ўзаро боғланган ҳамда мантиқий тугалликка эга бўлган ўқув фанлари ва уларнинг таркибий қисмлари.

- *йўналиши* – асосий таълим дастурининг касбий фаолиятнинг муайян тури ва ёки объектига йўналганлиги;

- *таълим дастури*– муайян бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигида мажбурий ва танлаб ўқитиладиган фанлар тизими, ўтказиладиган амалиёт турлари ва уларнинг мазмуни.

- *таълим йўналиши* – муайян касбий фаолият доирасидаги турли даражадаги таълим дастурларининг мажмуи;

- *таълим натижалари*– ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар ҳамда ўзлаштирилган компетенциялар;

- *ўқув туркуми* – асосий таълим дастурининг илмий ва (ёки) касбий фаолиятнинг тегишли соҳасида билим, малакаларни ўзлаштириш ва компетенцияларни шакллантиришни таъминлайдиган фанлар (модуллари) йиғиндиси;

- *АРМ*- ахборот ресурслар маркази;

- *ИТИ* – илмий тадқиқот ишлари;

- *ОТМ*- олий таълим муассасаси;

- *ЎММ* – ўқув методик мажмуа.

Шунингдек, стандартда куйидагилар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган:

- Бакалаврнинг касбий фаолият соҳаси: касбий фаолияти объектлари, касбий фаолияти турлари, касбий фаолиятининг вазифалари;

- Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар: умумий малакавий компетенциялар, умумкасбий компетенциялар, ишлаб чиқариш-технологик фаолияти, ташкилий-бошқариш фаолияти, КХТ тизимида педагогик фаолият;

- Таълим дастурлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар: гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар, математика ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар, умумкасбий фанлар блоки бўйича талаблар, ихтисослик фанлари бўйича талаблар, битирув малакавий иши (лойиҳаси)га қўйиладиган талаблар, малакавий амалиёт бўйича талаблар;

- Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари: талаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми, таълим дастурининг

умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалар, мустақил таълим, Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни: гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари, малакавий амалиёт, битирув малакавий иши;

- Бакалавриятнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар: бакалавриятнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар, таълим дастурини амалга ошириш талаблари, малакавий амалиётни ташкил этишга қўйиладиган талаблар, педагогик амалиётни ташкил этиш талаблари, ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш талаблари, таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлашга талаблар, ўқув жараёнининг моддий-техника базасига қўйилган талаблар;

- Бакалаврлар тайёрлаш сифатини баҳолаш: олий таълим муассасаси тайёргарлик даражаси сифатини кафолатли таъминлаш, бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, ҳар бир фан бўйича билимларни жорий ва оралик назорат қилишнинг шакли ва ўқув жараёнига татбиқ этилиши, якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув малакавий иши ҳимояси, олий таълим муассасаси вазибалари;

- Эслатма ва давлат таълим стандартининг амал қилиш муддатлари[93].

Мазкур Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши Давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилган ўқув режанинг учинчи блокига тегишли умумкасбий фанлари (Психология ва педагогика курслари, материалшунослик, сервисдаги технологик жараёнлар, сервис тизими фаолияти асослари, сервис соҳаси дизайни ва рекламаси, маҳсулотларни ишлаб чиқариш асослари, сервис корхоналари маҳсулоти ва хизматини сертификатлаштириш ва сифатини бошқариш, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги) ва тўртинчи блокига тегишли ихтисослик фанлари таркибига кирган «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш», «Костюм тарихи ва композицияси» ва «Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш ва тайёрлаш бўйича махсус амалиёт» фанлар ва уларга ажратилган соатлар бўлажак касб таъ-

лими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда ўз самарасини беришда маълум даражада аҳамиятга моликдир.

Юқорида санаб ўтилган фанлар касб таълими методикаси фани мазмунида интеграциялашиб, педагогик амалиёт жараёнида ўз татбиқини топади (2-расм). Бундан хулоса чиқариш мумкинки, касб таълими методикаси фани ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантиришда интеграциялаштирувчи аҳамиятга эга бўлиб, уни мазмунан таркиб топтиришда ўқув режасига кирувчи барча фанлар хусусиятлари эътиборга олинади.



2-расм. Касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик ва техник билимлар интеграцияси

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳамда замонавий илмий-техник билимлар негизда шаклланган психопедагогик, умумкасбий ва махсус тайёргарлиги ҳам белгилайди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг якуний мақсади касбий-педагогик фаолияти соҳасида касбий маҳорат,

мутахассислик ва психопедагогик билимлари тизими ҳамда бўлажак ўқитувчи шахсини касбий компетентлигини шакллантиришдан иборатдир. Якуний мақсад нафақат бўлажак касб таълими ўқитувчисининг мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодирлигини қайд этади, балки уни умуминсоний тараққиёт ҳамда муҳандис-педагог кадрларни тайёрлашнинг истиқболли муаммоларини ҳал этишга йўналтиришни англатади.

Юқоридаги фикрлардан шуни айтиш жоизки, мазкур стандартнинг аввалги стандартдан афзаллиги шунда кўринадикки, фанларнинг сони қисқартирилган, яъни ўқув режаларидаги турдош фанларни интеграциялаш орқали ўқув юкламалари кўлами ва ҳажмини мақбуллаштирилган. Бу билан фанга ажратилган соат миқдори кўпайиб, талабаларнинг фан бўйича оладиган билимлари ҳажми сақлаб қолинган, уларнинг ижодкорлигига, янги ғоялар илгари суришга (креативлик) ва қизиқишларига имконият яратилишига эътибор қаратилган.

Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши Давлат таълим стандартида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, касбий фанлар таркибига бир қатор умумкасбий ва ихтисослик фанлари киритилган бўлиб, бу фанлардан эгалланган билим, кўникма ва малакалар касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантиришда ўз аксини топади.

Мазкур давлат таълим стандартида бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларда бўлажак ўқитувчининг умумий малакавий компетенциялари ишлаб чиқилган.

Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича касб таълими ўқитувчиси қуйидаги умумий малакавий компетенцияларга эга бўлиши лозим:

- а) умумий малакавий компетенциялар:
 - интеллектуал, маданий, ахлоқий, жисмоний ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишига кўра ва амалга ошира олиш;
 - тарихий мерос ва маданий анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ижтимоий ва маданий тафовутларни бағри кенглик билан қабул қила олиш;
 - тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва қонуниятларини, тарихда зўравонликнинг роли, инсоннинг тарихий

жараёндаги, жамиятнинг сиёсий тузилишидаги ўрнини тушуна билиш;

- дунёқараш, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган фалсафий муаммоларни тушуниш ва уларни таҳлил қилиш;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;

- ахлоқий ва ҳуқуқий меъёр ҳамда мажбуриятларни ҳисобга олгани ҳолда мақсадга эришиш йўлида қатъиятни намоён қилиш;

- оғзаки ва ёзма ҳамда фикрлаш маданиятига асосли, аниқ баён қилиш қобилиятини эгаллаш;

- тўпланган тажрибани танқидий қайта англаш, зарур ҳолларда ўз касбий фаолият тури ва характерини ўзгартира олиш;

- ҳаётий фаолият хавфсизлиги шароитларини умумий баҳолай олиш, ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини тасодифий ҳалокат, табиий офатлардан ва замонавий қурол воситаларини қўллаш оқибатларидан ҳимоя қилиш, уларнинг асоратларини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирларни қўллаш олиш;

- касбий фаолиятда тикувчилик буюмларини якка тартибда лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва безаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ва юритишга тайёр бўлиш;

- замонавий ахборотлашган жамиятда ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш бу жараёнда юзага келадиган таҳдид ва хавфларни англаш олиш, ахборот хавфсизлиги бўйича асосий талабларга риоя қилиш, жумладан давлат сирини сақлаш;

- ахборотни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий метод, усул ва воситаларини эгаллаш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- глобал компьютер тармоқларида ахборот билан ишлаш қобилиятига эга бўлиш;

- чет тиллардан бирини сўзлашув даражасидан паст бўлмаган даражада эгаллаш;

- ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини тасодифий ҳалокат, табиий офатлардан ҳимоя қилишнинг асосий методларини эгаллаш;

- жисмоний тарбия ва саломатликни мустаҳкамлашнинг мустақил, методик жиҳатдан тўғри воситаларини эгаллаш, тўлақонли ижтимоий ва касбий фаолиятни таъминлаш учун жисмоний тайёргарликнинг зарур даражасига эришишга тайёр бўлиш.

б) касбий компетенциялар, жумладан:

Умумкасбий компетенциялар:

– *назарияни амалиётга татбиқ этиши бўйича:* тикувчилик буюмларини якка тартибда конструкциялаш, ишлаб чиқариш ва таъмирлаш технологиялари, костюм композицияси қонуниятлари, костюм тарихи, амалий антропология, бадий безак методлари, газламашунослик, Давлат стандартлари моҳиятини, хизмат кўрсатиш соҳасига оид фанларнинг долзарб масалаларини илғай олиши ва таълим олувчиларга етказа олиши;

– *метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиши бўйича:* анъанавий ва ноанъанавий методлар, фан ва мавзуларни ўргатиш вақтида илғор таълим технологияларни танлай олиш, ўз фанларида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиш, фактларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, шу асосда хулоса чиқара олиш;

– *илмий-методик ишларни амалга ошириши бўйича:* ҳар бир мавзунинг илмий-назарий, илмий-методик, психологик хусусиятларини ёрита олиш, ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориш, методик бирлашмаларда ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда лекциялар ўқиш, касб-хунар коллежларида дифференциал таълимни йўлга қўя олиш, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

– *маънавий-маърифий ишлар бўйича:* ҳар бир таълим олувчининг рухий, ахлоқий ҳолатини билиш, якка тартибда таълим олувчилар билан ва гуруҳ билан ишлай олиш, маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, таълим олувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, диний экстремизмга қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

– *ўқув жараёнини ташкил этиши ва бошқариши бўйича:* дарс типларини билиш ва уларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, ўқув режа ва фан дастури, тематик режани тайёрлай олиш, таълим муассасаси методик бирлашмаси ишини режалаштириш ва раҳбарлик қила олиш, дарс жадвалининг тузилиш тамойилларини билиш, таълим муассасасига раҳбарлик қилишни билиш керак.

Касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва касбий компетентлик талабларига жавоб бериши керак.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:

- намунавий технологик жараёнларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш, уларни қўллаш қобилиятига эга бўлиши;
- илмий ва амалий фаолиятда информатика ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;
- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқариш фаолияти:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш қобилиятига эга бўлиши;
- ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- электрон дастурий воситаларни амалиётга тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш қобилиятига эга бўлиши;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

ЎМКХТ тизимида педагогик фаолият:

- ЎМКХТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

- ЎМКХТ тизимининг таълим ўқув муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув лабораторияларида ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши керак [93].

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартларида олий таълим тизимининг бакалавриатура ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар бўйича дарсликларни, ўқув қўлланмаларни ҳамда электрон тарқатма материалларни такомиллаштириш ва мазмунан узвийлаштириш эътиборга олинган. Шунингдек, таълим ва тарбияни уйғун олиб бориб, талаба-ёшларни билимли, маънавий, ахлоқий ҳамда касбий тайёрланган етук шахс сифатида вояга етказиш бўйича уларнинг тарбияланганлик даражасини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиб, таълим жараёнига жорий қилиш назарда тутилган.

Машғулотларни олиб боришда илғор инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали ўқитиш сифати яхшиланишига, талаба-ёшларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантиришга аҳамият берилган.

Талабаларга таълим беришда виртуал ўқув-лаборатория, замонавий ахборот коммуникация, электрон-техник ва масофадан

Ўқитиш имкониятлари кенгайтирилди, дарслик, қўлланма ва ўқув фильмларининг электрон турлари яратилиб улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш учун ахборот ресурс марказлари фаолият кўрсатиши йўлга қўйилди. Талаба-ёшларнинг Давлат таълим стандартлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг бакалавриатура ва магистратура босқичлари учун ягона тизими яратилиб амалиётга татбиқ этиш режалаштирилди.

Шунингдек, индивидуаллаштириш ва табақалаштириш асосида ҳар бир талаба билан алоҳида ишлаб, иқтидорли талаба-ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини тўлақонли рўёбга чиқаришга эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги замон дунё таълим тажрибасида компетентли ёндашув кенг тарқалган. «Компетенция» марказий тушунча сифатида таълим тизимининг барча билим ва кўникмаларини ўзида бирлаштиради. «Компетенция» тушунчасида таълим моҳияти шаклланиб, ғояси мужассамлашади. Унинг аниқ натижаларини кўзлаган мақсади – компетенциянинг энг муҳим қирралари, доимо ривожланиш табиатига эга бўлган, универсал билимлар асосида шаклланган мустақил фаолият тажрибаларидан иборат, маданият ва фаолиятнинг кенг тармоқларига тааллуқли унсурларни ўз ичига олади.

Шахснинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун қуйидаги шахсий сифатлар зарур: ижодкорлик, техник фикр юритиш, ўз кучига ишониш, ўз касб маҳоратини тинмай ошириб бориш, жараёнларни эмоционал-қатъийлик билан бошқара билиш, касбий компетентликни юзага чиқариши натижаларидир. Бунга асосан, касбий компетентлик доимо ўсиб боровчи динамик ҳодисадир, малака ошириш ва ўз устида ишлаш жараёнининг натижаси ҳисобланади. Билим ва маҳорат, ҳатто ижобий йўналиш ҳам вақт ўтиши билан эскириб қолади, жамиятнинг замонавий талабларига, янги технологияларга мос келмаслиги мумкин. Жамият ҳам, одамлар, муаммолар ҳам ўзгариб бормоқда. Демак, бу вазифаларни ечиш учун ёндашув ва методларни ҳам ўзгартириш талаб этилади. Компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, шу кун ва давр талабларини ҳис этишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, уларни қайта ишлашни ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Компетенция эгаси бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос метод ва йўллардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб

олиб қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараши каби кўникмаларга эга бўлади. Шу боис компетенция масаласи долзарблигича қолади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шаклланиш жараёнини самарали ташкил этилишида таълим воситаларнинг алоҳида роли мавжуд. А.Р.Ходжабоев таъкидлаганидек, «...олий таълим муассасалари, умумтаълим мактаблар ва касб-ҳунар коллежларининг таълим жараёнида қўлланилаётган асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар нафақат ишлаб чиқариш воситалари сифатида, балки биринчи навбатда таълим воситалари саналади, талабалар улар ёрдамида касбий кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш имкониятларига эга бўладилар».

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда: асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар таълим воситалари сифатида қўлланилади. Лекин педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогика фани ҳамда ишлаб чиқаришнинг мавжуд ривожига яна бир қатор таълим воситаларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан,

- касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларни касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида иштирок этувчи субъектлар (муҳандис-педагоглар, малакали ўқув усталар, техник ходимлар ва бошқалар)нинг ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, муомаласи, маънавий-ахлоқий қиёфаси, ижтимоий фаоллиги ва бошқалар;

- таълим муассасасида қарор топган шахслараро муносабат мазмуни;

- ахборот воситаларининг бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришга кўрсатаётган таъсири ва иштироқи кабиларни киритиш мумкин.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини аниқлар эканми, олиб борилган психолого-педагогик тадқиқотларнинг далолат беришича, бу масалага олимлар турли тушунча ва турли нуқтаи назардан ёндашганларини, уни таркибида турли унсурлар мавжудлигини қайд этганликларининг гувоҳи бўламиз. Бизнинг фикримизча, касбий компетентлик масаласига, унинг моҳияти ва тузилишига билдирилган турлича муносабатларининг сабаби, тадқиқот масалаларини ечишда ҳам турли-туман методлар билан ёндашилганлигидадир. Ҳар бир муносабат ортида маълум

муаллифнинг шахсий қарашлари мужассам. Ҳар қандай шароитда ҳам, бундай ёндашувлар диққатга сазовордир, аммо доим ҳам интегратив метод билан ёндашув кўп ўлчовли мазкур объектни тўлақонли тушунтира олмайди. Бунинг оқибатида тушунчалар моҳиятини ким қандай таҳлил қилади, таърифлайди, деган масалада тортишув эмас, балки компетенция йўналиши асосида ёндашиш орқали бу тушунчанинг ягона моҳиятини аниқлаб олишдан иборат бўлиши керак.

Талаба шахсини аниқ методикалар асосида доимий ўрганиш таълимда самарали натижаларга олиб келади. Бу борада олиб борилаётган назарий ва амалий ишларни энг аввало, талабанинг қизиқишларини, унинг эҳтиёжлари, иштиёқи ва идеалини ўрганиш каби хусусиятлар талабанинг борлиққа, ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларига, жамиятга, жамоага, бошқа шахсларга ҳамда ўз-ўзига муносабатларини англатади. Демак, талабаларнинг ўраб турган оламга муносабатини, юзага келган муаммолар ечимини тўғри ҳал қилиши ва турли вазиятлардан чиқиб кетиши учун унинг компетентлигини шакллантириш хусусиятларига ҳам эътиборимизни қаратишимиз зарур.

2.2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг хусусиятлари

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ижтимоий-шахсий сифатлари муҳандис мутахассислигининг хусусиятларини ўзида жамлаган бўлиб, улар лойиҳалаш жараёнларидаги индивидуал ва жамоа бўлиб ишлашда қўл келади. Бунда икки жиҳатни алоҳида таъкидлаш даркор: ижтимоий (ҳамкорлик қила билиши, зиддиятларни ечиш, ташаббускорлик кўрсатиш, ўз зиммасига масъулият олиш, гуруҳ ишини ташкил этиш) ҳамда шахсий сифатлар (лойиҳалаш фаолиятида ўзининг фикрини тушунтира олиш йўллари билиш ва ўз устида ишлаш) кабилар. Улар техник фикрлаш билан боғлиқ бўлиб, мустақил ва ўз кучига ишониш, креативлик ҳамда ўзининг касбий маҳоратини мунтазам яшириб боришга интилиш каби сифатлардан иборат.

Ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришнинг хусусиятларини ўрганар эканмиз, О.Н.Ларионова муҳандис мутахассислиги компетентлигини таҳлил қилганлигига эътибор қаратдик, яъни у қуйидаги фикрларни олға суради. Унинг фикрича, бу

компетентлик ўз таркибига беш турдаги компетентликларни бирлаштирган: *ахборий-методологик, ижтимоий-коммуникативлик, шахсий-мутаносиблик, тезкор-технологик, назарий* кабилар.

Ахборий-методологик компетентлик бир томондан муҳандиснинг турли ахборотлардан фойдалана билиш маҳоратини ўз ичига олса (ахборот заҳиралари ҳақидаги билими, уларни излаб топиш, танлаш, норасмий тестларни, маълум манбалар билан солиштириш), бошқа томондан эса фаннинг турли соҳаларини ташкил этиш тамойиллари ҳақидаги, сабаб ва оқибатларини аниқлаш маҳорати ва турли ҳодисалардаги ўхшашликларни аниқлаш каби билимлари назарда тутилади.

Муҳандиснинг ижтимоий-коммуникатив компетентлиги унинг жамоа билан ва жамоада ишлашни, ижтимоий-иқтисодий микро ва макро вазиятларни муносиб баҳолай билиши демакдир.

Шахсий мутаносиблик компетентлик ўз ичига нафақат ўзининг психологик ва жисмоний саломатлигини билиши, балки уни эҳтиёт қилишни ҳам назарда тутди.

Тезкор-технологик компетентлик маълум ишлаб чиқариш соҳасида зарур бўлган фаолиятларнинг барча турини, ишчидан тортиб то корхона раҳбари фаолиятигача билиш қобилияти демакдир.

Назарий компетентлик – бу бутун бир йиғилган билимлар жамламаси бўлиб, ундан фойдалана билиш ва уни янада бойитиб бориш демакдир.

Бу муаллифнинг қарашларида касбий компетентликни таҳлил қилинар экан, муҳандис мутахассислигининг компетентлиги таркибига ижодий изланиш жиҳатлари киритилмаган. Зеро, ишлаб чиқариш мутахассислари-муҳандисларнинг касбий компетентлиги таркибига ижодий изланувчанлик, ижодкорлик ҳамда янгиликларга чанқоқлик каби сифатлар киритилиши асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Ижодкорлик моҳиятини ўрганиш, айтиш жоиз бўлса, ўта мураккаб масала саналади. Чунки унинг зиммасига табиатни ўрганишнинг муҳим методологик масалаларини ечишдек вазифа қўйилади. Ижодкорликни ривожлантириш манбалари, биологик ва ижтимоий, объектив ва субъектив, индивидуал ва жамоа ўртасидаги ўзаро мутаносибликни бу жараёнлар ўз ичига қамраб олади. Унинг мураккаблиги шундаки, бу ўринда ўрганиш предмети сифатида

ходиса юзага чиқади. Унинг ички моҳиятини тўғридан-тўғри ўрганиш мумкин эмас.

Ижодкорлик сўзининг ижтимоий адабиётларда бир қатор синонимлари мавжуд. Улар кўп ҳолларда новаторлик, ижодий қобилият, самарадор фаолият, ижодий фаолият, эвристик фаолият, ижодий фаоллик, фикрлашнинг ижодий усули, ижодий потенциал, ижодий изланувчанлик каби сўзлар билан изоҳланади. Бу соҳада Р.Ф.Мухутдиновнинг: «Уларнинг барчаси турли мезонда бўлса ҳам бир хил мазмун ва моҳият касб этади, бутунлик, умумийлик, жараён ва натижа, умумийлик ва хусусийлик ва бошқалар», - деган фикрига қўшиламиз.

М.Г.Яршевский фикрига кўра, ижодкорлилик янгилик яратиш демакдир. Уни шундай тушуниш керакки, «субъектнинг тасаввурлари янгиланади ва хулқ-атвори яхшиланади, у яратган ва инъом этаётган маҳсулотлари ҳам». Бу белгиларни у ёки бу шаклда кўплаб ижодкорлар фаолиятида кузатиш мумкин.

Бизнингча, ижодкорликни аниқлашда С.Л. Рубенштейннинг фикрлари аниқ ва лўнда баён этилган: унинг таъкидлашича, «Ижодкорлик у қандайдир янгилик яратувчи фаолиятдир. У ижодкор юксалиши тарихига янгилик олиб киради. Шу билан бирга, фан ва маданият тараққиёти тарихида ҳам ўз изини қолдиради» [82].

Ижодкорлик – «қайта шакллантириш», – «мавжуд шакл унсурлари ёрдамида янги шакл яратиш демакдир». «Қайта шакллантириш» ижодкорлиги ўз ичига олдиндан маълум бўлган шаклга ўхшаган янги шаклни кашф этишдир, яъни бу жараён муносиб бўлмаган шаклни, муносиброғи билан алмаштиришни ўз ичига олади. Бу дегани, олдингига қараганда мукамалроқ таркибий қисмларни жойлаштириш демакдир. Шу каби ижодкорликни ўрганиш имкониятларини исботлаш учун қандай эвристик, яъни янги таклиф ва йўриқномаларимиз борлигини кўрсатишимиз зарур. Имкониятларни, янги йўлларни фаол излашимиз, нарсаларни ўрганиш, чалғитувчи ва тахминий фикрларни аниқлай билишимиз даркор. Бу ҳолда ўрганиш имкониятлари асосий йўналишларни идрок қилиш, йўл ва чораларни фаол билишга интилишни тақозо қилади. Албатта, топилган шакл-қоидаларимизга бўйсундирилиши даркор.

Ижодкорлик «бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш» – бу жараёнда қоидаларнинг янги қолипи, чизмаси, маълум тузилмаларнинг янги тури юзага келади. Янги яратилган шакллар эски

шаклларнинг янгича талқини бўлмайди. Лекин нарсаларни англашнинг ҳақиқатан янги усуллари ва янги шакллари сифатида пайдо бўлади, метафораларнинг қўлланилиши – бу бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш «трансформацион» ижодкорликка мисол бўлади.

Бу ижодкорлик учун эвристик жараён шакл ва қоидалардан бошқариладиган шакл қоидаларини ривожланиши учун туғилаётган имкониятлар сари ҳаракат қилади. Ижодкор шахс қоидалар яратилиши биланок, уларга суянган ҳолда, янги қоидалар яратиш устида иш бошлайди. Ундан сўнг фаолият шакллари очиш, олдин ҳеч қачон қўлланилмаган шаклларни кашф этиш учун бош қотиради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланиши ҳақида фикр билдирар эканмиз, бу борада М.Г.Ярашевский томонидан берилган хулосалар диққатга сазоворлигини айтиш жоиз. Ижодкорлик жараёнига системали муносабат уч жиҳатли таркиб ва уларнинг ўзаро узвийлигида ўрганишни тақозо этади. Улар нарса ва ҳодисалар, ижтимоий, шахсга оид таркиблардан иборатдир, яъни:

1)нарс ва ҳодисалар таркиби бу – эвристика, нарсанинг янги образини яратувчи руҳий «мато», сўнгра у илмий матнга айланади ва янги ғоялар, назариялар ва кашфиётлар сифатида юзага чиқади. Бу эвристикалар: аналоглар, метафоралар, қиёслаш, моделлардан иборат бўлиб, одатда фикрлаш мазмунини ташкил этади ва визуал шаклга эга бўлади.

2)ижтимоий таркиб бу - бундай ижодкорлик М.Г.Ярашевский фикрига кўра, когнетив-диалогик «дастлабки фаоллиги»сифатида кўзга ташланади. Шундай қилиб, оппонентлар, муқобилликлар ҳам ижодий жараёнларнинг авж олишига туртки беради.

3)шахсга оид таркиб бу - шахсий интилиш, ички мақсадли истак ва ижод субъектининг хусусий сифатларидан иборат бўлиб, ижодий жараёнларни узлуксиз ташкил этишда юзага чиқадиган янги белгилар, ўзгаришлардан иборат.

Р.Ф.Мухутдинов ижодкорлик моҳиятини очиб бериш учун таснифлаш модели ёрдамида икки энг муҳим йўналиш мавжудлигини таъкидлайди.

Биринчиси, И.Я.Лернер нуқтаи назарига боғлиқ, унга кўра, ижод билан шуғулланувчи кишиларнинг фазилатлари чегарасини ўлчаб бўлмайди, улар ҳақида фикр айтиш учун ана шу фаолият

табиатини англамай, унга монанд хислатларни билмай, аниқроғи, унинг ижодий фаолият жараёнларини ўрганмай туриб гап юритиш мумкин эмас. Шу муносабат билан тадқиқотчи ижодий фаолиятнинг процессуал чегараларини ажратиб кўрсатади [44]:

- мустақил равишда узоқ ва яқин, ички ва ташқи билимлар тизимни ва маҳоратни янги вазиятга кўчиради;
- анъанавий вазиятларда янги муаммоларни ҳис этади;
- объект анъанавий функцияси ўрнига янгисини тасаввур қилади;
- объект тузилишини ҳис этади;
- масалаларни ечишда муқобил ечимларни ҳам ҳисобга олади;
- янги муаммоларни ҳал этишда фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган усуллари ва йўллари қайта ишлайди;
- принципиал янги йўллар топиш ниятида эскириб қолган йўллардан воз кечади.

Инсон факторини фаоллаштирувчи самарадор захиралардан бири жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ишлаб чиқиш, техникада, фанда, таълим ва бошқарувда ижодкорликни ривожлантириш ҳисобланади. Шу боис ижодий муаммоларни жамоа бўлиб ечиш шароитлари ва ташкил этиш шакллари, муаммолари кун тартибидаги долзарб масалалардир. Ижодий кадрларни танлаш ва тайёрлаш, ишчиларнинг ижодий имкониятларини ва қобилиятларини башорат қилиш, ижодий жамоаларни шакллантириш, уларни бошқариш каби масалалар шулар жумласидандир.

Интеллектуал фаолиятдаги ижодий жараёнларни онгли равишда бошқариш ҳақида Г.С. Альтшуллер ва М.М.Зиновкиналарнинг ишлари гувоҳлик беради. Бу ўринда ижодкорлик методологияси сифатида ижодкорликда танлаш масалаларини ечиш назариясидир. Унга кўра барча тизимлар маълум қонунлар асосида ривожланади, уларни идрок қилиш ва қўллаш мумкин деган шартларга асосланади.

Иккинчи йўналиш эса ижодкор шахси моҳиятини очиб бериш ҳисобланиб, Р.Ф.Мухутдинов шахснинг таснифловчи фазилатлари ёрдамида унинг фаолиятидаги қатъийлик масаласини ажратиб кўрсатади.

Унга Я.А. Пономарёв таърифлаган модель намуна бўлиши мумкин. У ўз тадқиқоти натижаларини умумлаштириб, ижодкор одамларга хос хусусият энг долзарб масалалар юзасидан узлуксиз равишда ечим излаш имконини таъкидлайди. Улар юзага чиққан муаммоларни ҳал этиш юзасидан мунтазам равишда чора қидира-

дилар. Ўз фаолияти услубини метод ва йўлларини узлуксиз равишда такомиллаштириб борадилар. Ижодкор одамлар кўплаб фактларни қиёслаш орқали уларнинг ўзаро боғлиқлиги асосларини аниқлайдилар, ўз фикрлаши ва фаолиятида қотиб қолган қарашлардан зудлик билан воз кечадилар. Тезлик билан репродуктив эсда қолган нарсаларни тасвирлаш фаолиятидан ижодий фаолиятга ўта оладилар. Ўзлари яратган нарсалар, вазифалар бажаришга яроқсиз бўлса, осонгина улардан воз кеча оладилар.

Я.А.Пономарев тадқиқотларига асосланиб, айтишимиз мумкинки, ақлан интилиш, ҳаракат қилиш қобилияти, бошқа барча қобилиятларни ривожлантирувчи омил ҳисобланади. И.М.Вёткин ижодкор шахсининг қўйидаги хусусиятларини санаб ўтади:

- янги ёки бутунлай ўрганилмаган, жамият учун ўта муҳим ва фойдали – муносиб мақсадга (мақсадлар тизимига) эга бўлади;

- ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун унинг индивидуал режалари бўлиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади;

- белгиланган режаларни бажариш иштиёқи кучли бўлиб, катта ҳажмдаги ишларни бажаради;

- ўз ғояларини ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлади;

- жамоатчиликнинг эътирозларини тўғри қабул қилади, тушкунликка тушмайди, сабр билан мақсадига содиқ қолади.

- қўлга киритилган натижаларга муносиб бўлади. Умумий қобилиятларидан (бажара олиш, чидамлилиқ, мақсадга етиш, мўлжални тўғри олиш ва хотиржамлик) ташқари «кундалиқ ташвишлар» ҳолатидан фикрлаш, тафаккур қилиш, ижод билан шуғулланиш, диққатини йиғиш, (энг муҳими) яна орқага қайтиш каби хусусиятлар ижодкор шахсга хос фазилатлардир;

- ўзининг мунтазам такрорланиб турадиган хатоларини бамайлихотир тан олишни билиш, ўз истаклари, фикри ва ҳаракатлари оқибатида юзага келган вазиятларга тайёр туриши кабилардир.

Мураккаб ишларни бажариш учун жиддий муаммоларни ечиши, катта ҳажмдаги тадқиқотларни ўтказиш учун уларга зарур бўлган анжом ва аслаҳалардан фойдалана билиши, вазиятга қараб уларни алмаштириши; ўз камчилиқ ва хатоларни вақтида сезиши, бир вақтлар олинган ғояларни янгича қўллашига эришиши; бирон-бир ҳодиса ёки воқеага эркин тарзда эътибор қаратиши, унга ҳам эҳтирос билан, ҳам мантиқий ёндаша билиши; бир ҳодисани ўрганиш учун бир-бирини тўлдирувчи бир неча моделларни

қўллаши; мавжуд назария ва моделларни танқид қилиши каби хусусиятлардир.

Т.А.Сидорчук, М.М.Зиновкина, И.Ю.Медикова, Н.М.Байсахов, А.Ф.Эсаулов ва бошқаларнинг илмий ишларини таҳлил этиб, улар тизимли ижодий фикрлаш шаклланишининг муваффақияти касбий таълим жараёнларида кўпинча ижодий фикрлашнинг асосий унсурлари шаклланиши даражасига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар ҳамда шахс шаклланишининг дастлабки давларида бошланади, деган фикрни олға сурадилар. Ана шундай унсурлар таркибига қуйидагилар киради:

- таҳлил қилиш қобилияти, умумлаштириш, қиёслаш, сабаб ва оқибатлар ўртасидаги боғлиқликни билиш;

- танқидий фикрлаш ва баҳслашиш;

- воқеалар ривожини олдиндан тахмин қилиш, ҳар қандай тизим ёки объектга ўтмиш, бугунги кун ва келажак нуқтаи назаридан ёндаша билиш;

- ҳаракатлар алгоритмининг териниш, янги ғояларни кучайтириш ва ечимларни график образ шаклида акс эттириш қабилардир.

Ҳозирги замон илмий билимлардаги янги кашфиётлар, айниқса, компьютер технологиялари ижодкорлик учун қандайдир муҳим сифатлар бўлиши лозимлигини инкор этмоқда. Ижодкорлик учун энг муҳими маълум аналог ва ўхшаш нарсаларни аниқлай олишдек умумий қобилият бўлишининг тақозо этади. Бир қатор муаллифлар мана шу фикрларни таъкидламоқдалар.

Г.Губбер таснифича, ижодкор шахслар когнитив жиҳатдан ҳар томонлама тайёргарлигидан ташқари ўз фаолиятида эмоционал (эҳтиросли), эстетик (нафосатли) сифатлари билан ҳам ажралиб турадилар.

В.И.Самахвалованинг таъкидлашича, ижодкор шахси ўзини намоён қилиш учун қудратли кучга эга бўлган одамдир, аммо, биринчидан, бу энергияни янгилик яратиш учун сафарбар қилади, иккинчидан, руҳиятида юзага келган вулқонни жиловлай олади, ўз онгида юзага келган турли режаларни ўзаро уйғунликда, ўз фикрлари доирасида эркин, уддабуронлик билан самарали қўллайди, ўз ҳис-туйғуларини ва ғояларини рўёбга чиқариш учун нима қилишни яхши билади. Ўз ҳаёлотигаги образларни бошқалар учун зарур бўлган мулкка айлантиради. Ижодкор одам ижод қилишга чанқоқ бўлади. Уни амалга ошириш учун қатъият билан ишлашни яхши билади.

Олий таълим ўқитувчига бутун ҳаёти давомида таянч маълумотиغا қўшимча равишда махсус кўникма ва малакаларни эгаллаб боришга ва уларни таълим олувчилар билан ишлаш жараёнида қўллашга, ўқитувчининг касбий-ижодкорлик имкониятларини амалга оширишга ва шу орқали касбий компетентлигини доимий равишда ошириб бориш имконини беради.

Демак, юқоридаги фикрлардан шунини айтиш жоиз бўладики, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда инсоннинг иждоқкорлик фаолияти, иждодий фикрлашининг асосий унсурлари шаклланиши даражаси катта таъсир кўрсатади ва ўқитувчилик фаолиятининг сермахсул бўлишига олиб келади.

2.3. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда иждодий фаолиятнинг ўрни

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шаклланиши уларни ўқитиш жараёнида шахс иждодий фаолиятининг фаоллиги билан тўғридан тўғри боғланган. Олий мактабда замонавий ўқитишнинг энг муҳим вазифаси бу талабаларнинг касби бўйича хабардорлигини шакллантириш учун қулай шароит яратишдир. Иждодий фаолият узок вақт тайёргарлик кўришни, эрудицияни, қобилиятларни талаб қилувчи иждодий жараён ҳисобланади. Иждодий фаолият – инсоннинг узок фаолияти асоси, барча моддий ва маънавий бойликлар манбаидир.

Одамнинг муваффақиятли иждодий фаолияти гарови зарур ахборотни танлаб олиши ҳисобланади. Иждодий фикрлар ва фаразларни генерациялашга ундовчи асосий омиллар эҳтиёжлари ҳисобланади. Бу эҳтиёжнинг сифати билимлар ва малакалар билан қуролланганлик бу фаразларнинг мазмуни билан белгиланади. Онг билан назорат қилинмайдиган интуиция доимо эҳтиёжга боғлиқ. Билишни ифодалаган эҳтиёжсиз одамнинг махсулдор иждодий фаолият юритишга мўлжал олиши қийин. Бу тегишли эҳтиёжни қаноатлантиришда унинг интуицияси ғоялар ва фаразларни генерациялаши мумкин.

Шахснинг иждодий фаолиятда иштирок этишига Ж.Гилфорд, А.Маслау ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

XX аср 80-йиллари охирида ватанимиз психологиясида ижодий жараёни янада яхшироқ концепциясини Я.Н.Пономарёв таклиф этди. Муаллиф шахсининг ижодий жараёни фазаларини қуйидаги кўринишда таснифлашни таклиф этди:

1-фаза (онгли иш) – тайёргарлик – алоҳида фаолият ҳолати янги ғоянинг интуитив чакнаши учун асос бўлиб ҳисобланади;

2-фаза (онгсиз онг) – етилиши – муаммо устида онгсиз ишлаш, йўналтирувчи ғоя инкубацияси;

3-фаза (онгсизни онглига ўтиши) – ижодий уйғониш – онгсиз ишлаш натижасида онг соҳасига ечим ғоя, аввал фараз, фикр кўринишида келади;

4-фаза (яратувчилик иши) – ғояни ривожлантириш, уни яқуний расмийлаштириш ва текшириш.

Ижодий фаолиятнинг моҳиятини тавсифлаб, А.В.Петровский ва М.Т. Ярашевский унинг психологик белгиларига эътиборни қаратишади. Бу талабаларда ижодий жараёнда психик ахлоқий сифатларнинг эстетик ҳисларнинг интеллектуал қобилиятларнинг ривожланиши ва билимларни эгаллаш ҳисобланади. Психология нуқтаи назаридан ижодий жараённинг ўзи бу ижодни ривожлантириш методлари, шакллари ва ижодни ривожлантириш воситалари ҳисобланади.

М.Махмутов ижодий фаолиятни бундай таъкидлаган эди, «Ижодий фаолият – эвристик фаолият бўлиб, унинг моҳияти муаммони тез тушунишдан, асосий ғоя, тушунчанинг моҳиятини англаб етишдан, ҳаракат усулини тўсатдан топишдан иборат. Бундай фаолият юқори жўшқинлик, субъектнинг объектга катта қизиқиш билан тавсифланади».

Ижод механизми масалалари бўйича ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги замон олимларининг шахс ижодий фаолиятининг фаоллашиши муаммосига чуқур қизиқишлари тўғрисида хулоса қилишга имкон берди. Биз ижодий жараён мақсадга интилувчан, машаққатли ва шиддатли меҳнатдир, деган муаллифларнинг фикрига қўшилаемиз. У инсондан юқори иш қобилиятини ва фикрлаш фаоллигини талаб қилади. Ижодий фаолият – яхлит ва узлуксиз ҳаракат эмас. Бу жараёнда кўтарилишлар, тўхтаб қолишлар ва тушиб кетишлар навбатланиб туради. Биз, ижодий фаолиятнинг энг юқори нуқтаси интеллектуал ва ижодий кучланиш билан ифодаланган фикрнинг алоҳида ҳиссий кўтарилиши,

равшанлиги ва аниқлиги билан ифодаланади, деган фикрга қўшиламыз.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш мақсадида, ўқув билишга оид фаолият давомида талабаларнинг ижодини фаоллаштириш муаммосини ўрганиш учун В.И.Игнатъев, В.С.Кузин, А.Н.Леонтьев, А.В.Петровский, Н.Н.Ростовцев, В.С.Рубенштейн, А.И.Севостянов, М.Г.Ярошевский ва бошқа олимларнинг ишлари методик асос бўлди.

Психологларнинг фикрига кўра, ижодий фаолият натижасидаги фаоллик диққатни, кузатувчанликни, ҳиссиётни, идрокни, хотирани, тафаккурни, тасаввурни, иродани ва бошқа жараёнларни сафарбар қилиш. Бу таърифни психология нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Диққат – онгнинг асосий хоссаси, билишга оид жараёнларнинг ички урғуси. Диққат объектлари бўлиб буюмлар ва ходисалар, одамларнинг ҳаракатлари ва муносабатлари, фикрлари ва хислари ҳисобланиши мумкин. Диққат жараёни бу – инсон фаоллигини унинг учун аҳамиятли бўлган бирор нарсаларга тўпланганлиги ва йўналтирилганлигидир. Ўқитиш жараёнида диққатнинг тавсифлари масалаларида психолог В.С.Кузиннинг нуқтаи назари бизга яқиндир. У диққатни инсон онгининг аниқ буюмлар ва ходисаларда тўпланганлиги, йўналтирилганлиги ёки улар томонида қолган барчасидан диққатни четга тортганда уларни аниқ акслантиришни таъминловчи сифатида таърифлайди. Диққат атроф борлиқни билишнинг муваффақиятнинг муқаррар шарти ҳисобланади, у кўз билан кўриб идрок қилишнинг тўлиқлигини, чуқурлигини, фикрлашнинг фаоллигининг, ирода кучини у ёки бу объектни ўрганишга тўплашни таъминлайди.

Диққатнинг хоссаларига олимлар уни тўплашни, ҳажмини, тақсимлашни, бошқасига уланишини, барқарорликни киритишади. В.С. Кузин бундай таъкидлайди: «Диққатнинг ҳажми у бир онда қамраб оладиган бир жинсли буюмлар миқдори билан ўлчанади. Диққатнинг ҳажми ўзгарувчан миқдор ҳисобланади ва мазмунни онгли боғлаш ва тузилмалаш кўникмасига боғлиқ. Диққатни тақсимлаш бу – ҳаракатларнинг бир неча турларини бир вақтда бажариш, жараёнларнинг бир неча турларини бир вақтда назорат қилиш имкониятидир. У диққат ёки ҳаракат объектлари ўзаро қанчалик боғлиқ эканига боғлиқ».

Диққатнинг тақсимланиш имконияти одатдаги ҳаракатларнинг автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Диққатни бошқа нарсага ўтказиш, яъни бир объектдан бошқасига атайин ўтказиш, кўп жиҳатдан инсоннинг эҳтиёжларига боғлиқ.

«Диққатнинг барқарорлиги диққатни тўплаш, сақланиб турадиган вақтнинг давомийлиги билан белгиланади. Диққатнинг барқарорлиги баён қилинаётган материалнинг хусусиятига, тушунарлилиги ва унга субъектнинг муносабатига боғлиқ» [45].

Диққатни барқарорлигини сақлашнинг муҳим шарти, психологларнинг фикрига кўра, зўриқиш ва бўшашишнинг навбатланиб келиши, зўриқишни олиб ташлаш мумкинлигини билдиради. Диққатнинг барқарорлиги бажарилаётган ишнинг мазмундорлигига, қийинлигига ва эҳтиёжни қондириш учун унинг аҳамиятини англашга боғлиқ.

Олимлар ихтиёрий ва беихтиёр диққатни фарқ қилишади. Ихтиёрсиз ёки атайин бўлмаган диққат – бу онгнинг буюм ёки ҳодисага бирор хусусиятларга кўра (кўзғатгичларнинг мавжудлиги) йўналтирилганлиги. Кўзғатгичларнинг сифатларидан бири диққатни жалб этувчи кўзғатгичнинг кучи ҳисобланади. Беихтиёр диққат одамнинг билимларига, дунёқарашига, барқарор қизиқишларига ва кайфиятига, унинг аввалги тажрибаси бойлигига боғлиқ, деб ҳисобланади. Беихтиёр диққатнинг сабаби таъсирнинг кучи, катталиги ва тасодифийлиги ҳисобланади. Диққатни асосийлиги, ўз ишидаги бош масалага жалб қилиши учун рассомлар кўпинча кўз билан кўриб идрок қилишга ўз асарларидаги асосий нарсага тўпловчи ва йўналтирувчи турли хил усуллардан фойдаланишади. Шундай қилиб, композицион усуллар билан асарнинг асосий ғоясини тез ва ишонарли тарзда очиб берувчи кўриш маркази ажратилади. Кўриш диққатни жалб қилишнинг яна бир усули – композициянинг ифодали воситаси фойдаланиш ҳисобланиб, у элементларни бир-бирига нисбатан визуал таққослаш ва қарама-қарши қўйиш билан тавсифланади.

В.С.Кузмин ихтиёрий диққатни онгнинг объектга ёки ҳодисага ташкилий йўналтириш онгни ирода кучларини ва талабанинг ирода кучларини тўплайди. Ихтиёрий диққат худди беихтиёрий диққат каби субъектнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари хусусияти билан юзага келади ва аниқланади. Ихтиёрий диққат, олимларнинг фикрига кўра, аниқ ифодаланган, онгли хусусиятга эга ва бирор фаолиятга атайин бажаришда намоён бўлади. Ихтиёрий диққатни

вужудга келтирувчи ва қўллаб қувватловчи сабаб диққат объектнинг мазкур фаолиятини англаш ҳисобланади. Борлиқни билиш жараёнида, беихтиёр диққатга объект ёки ҳодисага нисбатан очик ифодаланган жўшқин муносабат ҳам таъсир қилади. Диққат ортида доим шахс, унинг эҳтиёжлари, сабаблари, мақсадлари ва кўрсатмалари туради. Субъектни объект муносабатининг ўзгариши диққатнинг ўзгаришига олиб келади. Ўзининг психологик келиб чиқиши бўйича «диққат» тушунчаси «қизиқиш» тушунчасига яқиндир. Ўқитиш жараёнида ихтиёрий диққатни қўллаб-қувватлаш имкон берувчи шартлардан бири амалий ҳаракатнинг киритилиши ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўрганиш объектига диққат эътибор баён қилинаётган материалнинг тушунарлилигини, аҳамиятлилигини ва унга бўлган муносабат, субъектнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари хусусиятлари билан белгиланишига ишончимиз комил. Талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш учун кучланишнинг ва сусайишнинг алмашилиб туришини кўзда тутувчи, шунингдек, тўпланиб қолган кучланишни олиб ташлаш имкониятини назарда тутувчи ўқув жараёнини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Талабаларнинг диққат эътиборини узоқ вақт бир нарсага қаратиб туриши учун билиш жараёнига амалий ҳаракатларни, бажарилаётганининг мазмундорлиги ва қийинлигини, таъсир кўрсатишнинг катталиги ва тасодифийлигини (тезкорлигини), кўзғатувчиларнинг кескинлиги ва кўзғатувчиларнинг бир-биридан фарқини киритиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Ижодий фаолият жараёнида инсон ўз олдида қўйган мақсадга эришишдан аввал жуда кўп тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Уларни енгиб ўтиш, ақлий ва жисмоний кучларнинг зўриқиши, ўз ҳаракатларини онгли равишда тартибга солиш ирода деб аталади. Касб таълими ўқитувчиларининг амалий ва ижодий фаолиятида, талабаларнинг касбий сифатларини шаклланишида кўп нарсалар иродага, қийинчиликларни енга олиш кўникмасига боғлиқ бўлади. Иродали таъсир бу онгли ҳаракат бўлиб, унга эришиш учун рағбатлантирувчи куч сифатида жуда турли туман эҳтиёжлар хизмат қилиши мумкин. Бўлажак Касб таълими (сервис) таълим йўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда асосий мотивация ўқитилаётган касбий фанлар бўйича кўникма ва малакаларни эгаллашга, лойиҳа фаолиятини ва ўзига хос касбий билимларни эгаллашга интилиши ҳисобланади.

Инсоннинг борлиқ тўғрисидаги барча билимларини бошланғич манба сифатида психологлар сезиш ва идрок қилиш жараёнлари деб ҳисоблашади. Сезиш предметларнинг яққол образидир. Бадий ижодга ўрганиш жараёни учун айниқса муҳими кўриш орқали сезиш ҳисобланади. Предметларни кўриш орқали, сезиш туфайли инсон унинг рангини, шаклини, нисбатларини, конструкциясини ва унинг бошқа хусусиятларини англайди. Сезиш ва идрок қилиш жараёнларини ўрганиб, биз бу соҳадаги психологлар В.С.Кузин ва С.Л.Рубинштейнларнинг тадқиқотларига таяндик.

С.Л.Рубинштейн фикрига кўра, сезиш фақат ҳис этиш образигина эмас, балки предметнинг ёки ҳодисанинг тегишли сифатига йўналтирилган билиш фаолияти бўлиб ҳам ҳисобланади. Олим сезиш бўсағаларини тадқиқ этиб: «Сезиш инсоннинг ҳал қилаётган масаласига бўлган муносабатига боғлиқ ҳолда жиддий силжийди», - деб таъкидлайди [82].

В.С.Кузин идрок қилишга борлиқдаги предметлар ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир этувчи хилма-хил хоссалари ва жиҳатлари билан аксланиш жараёни сифати деб таъриф беради.

С.Л.Рубинштейн идрок қилиш жараёнини инсон ўзининг касбий фаолияти жараёнида кўядиган амалий вазифаларига боғлиқ эканини кўрсатади: «Ҳаётининг амалиёт инсоннинг атайин қилинмайдиган идрокдан мақсадга йўналтирилган кузатиш фаолиятига ўтишга мажбур қилади. Бу босқичда идрок ўзига хос назарий фаолиятга айланади. Идрок – ўзига хос билиш фаолияти, борлиқни англашдир. Шахсий онгда пайдо бўладиган образни буюм (предмет) билан таққослаш, солиштириш, текшириб кўриш идрок қилишнинг билиш фаолияти сифатида жиддий бўғинни ташкил этади» [82].

Инсон идроки психологиясини тадқиқ этишда С.Л.Рубинштейн рассомнинг ижодий идрокига алоҳида ўрин ажратади. Рассомнинг ишида, у идрокни фаолият билан алоҳида алоқасини таъкидлайди. Инсон идрокини муаллиф инсоннинг интеллектуал жиҳатларига, унинг билимлари даражаси ва мазмунига боғлайди. Идрокда инсоннинг бутун хилма-хил ҳаёти – унинг кўрсатмалари, қизиқишлари, умумий йўналтирилганлиги, ўтган тажрибаси акс этади. Бунда шахс учун идрок қилинган аҳамиятига боғлиқ ҳолда у ёки маълум даражадаги эгасиз предмети билим бўлиб қолади ёки кечинмаларнинг шахсий режасига киритилади. С.Л.Рубинштейн бундай ёзади:

«Ҳиссий муносабат идрок этилаётганларни тартибга солади ва безатади» [82].

Психологлар идрок қилишнинг бешта асосий турини ажратишади: таъм билиш, ҳид билиш, эшитиш, ушлаб билиш ва кўриш. Олимларнинг ҳисоблашича, унда бошқа психологик ташкилий элементларнинг иштирок этишига боғлиқ ҳолда идрок ҳиссий (санъатни идрок қилиш) ва рационал (фикрлаш жараёнига бўйсундирилган) идрокка бўлинади. Идрокнинг етакчи хоссалари сифатида предметлилик, яхлитлик, анланганлик, тузилмавийлик, константлик ва сайловчанлик иштирок этади. Идрок ўз ичига фарқлаш, кўриб таниб олиш, ўлчаш, назорат, баҳолаш ва бошқа ҳаракатларни олади.

Талабаларнинг - бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-ижодий фаолиятида айрим предметларнинг фазовий хоссаларини англаш алоҳида муҳимдир. Кўриш ва ушлаб билиш натижасида идрок қилиш жараёнида предметларнинг шакли, тузилиши, катталиги, ҳажми ва бошқа хоссаларини билиб олиш ҳисобига предметларнинг яхлит образи шаклланади.

Предметларнинг шаклини, катталигини, нисбатларини, йўналишини, шаклини чегараларини идрок қилиш учун муҳим омил контур чизиқлари йўналишларини аниқлаш ва уларнинг катталиги бўйича нисбати ҳисобланади, деган фикр мавжуд. Бу маълум бир предметларни тўғри тўртбурчак сифатида, бошқаларини думалок сифатида ва ҳ.к. идрок қилишга имкон беради. Кузатувчи, аввало, ўз диққатини текширилаётган объектнинг чегаралари чизиқларида тўплайди, шунинг учун контур ёки шакли қамраб олган чизиқ предмет тўғрисидаги ахборотнинг муҳим элитувчиси ҳисобланади.

Фазовий хоссалари ва объектларни идрок қилишда нотўғри бузилган идрокни ифодаловчи кўриш тасаввурлари вужудга келади. Кўриш ва тасаввурларни олимлар қуйидаги гуруҳларга ажратишади:

1. Кўзнинг тузилиш хусусиятлари билан боғлиқ тасаввурлар.
2. «Бутун» ва «қисм»ни таққослашда юзага келадиган тасаввурлар.
3. Тик чизиқларни қайта баҳолаш.
4. Ўткир бурчакларни бўрттириш.
5. Ўзгарувчи рельеф, перспектива ва бошқалар.

Бу хоссалардан талабаларни костюм дизайнига ўргатувчи ўқитувчилар томонидан, пропедевтика (бирор нарса тўғрисидаги

билимлар мажмуи) бўйича ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда, костюмни лойиҳалаш, костюмни макетлаш ва бадиий циклнинг бошқа фанлари бўйича ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади.

Идрок қилиш кўпинча психологлар томонидан мустақил фаолият сифатида тавсифланади. Касб таълими ўқитувчиларининг ижодий фаолиятида идрок қилишнинг мустақиллигини кузатишда намоён бўлади. Е.И.Игнатъев ва В.С.Кузин талабаларнинг ўқиш – ижодий фаолияти жараёнида идрок қилишни тадқиқ этиб, кузатишнинг муҳимлигини таъкидлайдилар. Объектни тасвирлаш жараёни идрок қилиш мақсадининг аниқлигисиз бўлиши мумкин эмас, чунки кузатиш машқлари яхши кузатувчанликнинг ривожланиши билан яқунланади. Иш жараёнида талабанинг кузатувчанлиги – ўқув ва касбий билимларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган фаол фикрлаш фаолиятидир. Объектни ўрганишда ўрганилаётган предмет тўғрисида янада тўлиқ ва аниқ тасаввурга эга бўлиш учун деталларни таққослаш, шаклнинг хоссаларини, услубнинг хусусиятларини ва ҳ.к.ларни аниқлаш зарур.

Шундай қилиб, идрок қилиш ва сезиш жараёнини тадқиқ этиш масалалари бўйича талабаларда билиш фаолиятининг бу турини мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш мумкинлиги тўғрисида хулосага келишимиз мумкин. Биз инсоннинг сезгиси ва идрок қилиши кўп жиҳатдан интеллектуал аспектга, инсоннинг билимлари даражаси ва мазмунига, шахснинг кўрсатмаларига, қизиқишлари, умумий йўналтирилганлиги ва аввалги тажрибасига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Талабаларнинг фаол фаолиятлари ва уларнинг касбий хабардорлигини шакллантиришнинг шарти ўқув жараёнини тўғри ташкил этишнинг зарурлиги ҳисобланади. Амалий топшириқларни бажариш давомида назарда тутилаётган материалнинг талабалар томонидан англаб етилганлигини назорат қилиш, бутун аудиториянинг ва ҳар бир талабани алоҳида ҳамда тайёргарлиги даражасига боғлиқ равишда мураккаб материалнинг идрок қилинишини яхшилаш йўллари излаш, талабаларнинг ўқув билиш, фаолияти ва эҳтиёжларини шакллантириш зарур.

Фаолият жараёнида инсон миясининг бошқа функциялари орасида асосий ўрин хотирага ажратилади. Ҳозирги замон психологлари хотирани одамнинг шахсий тажрибасини «Ўзи ташкил этишнинг» узлуксиз жараёни сифатида тавсифлашади. Хотира билиш

соҳасида эмас, балки аввал маълум бўлганларни ташкиллаштириш ва қайта қуриб шахсни шакллантириш соҳасига тааллуқлидир. Хотиранинг марказий вазифаси субъектнинг ички тажрибасини бирликка келтириш, яхлит қилиб бирлаштиришдир. Шундай қилиб, хотира шахсий тажрибани изчил ташкил этишнинг психологик механизми ҳисобланади ва муваффақиятли фаолиятнинг зарур шarti сифатида иштирок этади.

Хотиранинг хусусиятларидан бири борлиқдаги предметлар ва ҳодисаларнинг аксланиши, эсга туширилиши натижасида вужудга келадиган турли хил ҳолатдardир. Хотирани тадқиқ этишда, биз психолог С.Л.Рубенштейннинг фикрига қўшиламыз. Унинг ёзишича, хотира бир қатор жараёнларни ўз ичига олади: аввало, бу хотирада эслаб қолиш, кейин таниб олиш ёки қайта тиклаш пассив эмаслигини таъкидлаб, у шахснинг қайта тикланувчига муносабатини ўз ичига олади. Муаллиф эслаб қолиш жараёнининг инсон психикасининг диққат, қизиқишлар, ҳиссиётлар каби жиҳатларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган идрок қилишнинг онгли, ўзига хос жараён сифатида тавсифлайди. «Хотиранинг сайловчанлик хусусияти шунда ифодаланадики; биз учун аҳамиятли, қизиқарли бўлган нарсаларни эслаб қолиш, ундан бўлажак амалий ва назарий фаолиятда фойдаланиш мақсадида борлиқни билишнинг айни пайтда эришилганларни онгли, олдиндан кўзда тутилган тадбири, онгли қайд этилиши бўлади» [82].

Хотирада сақлаб қолиш – борлиқдаги объектлар ва хотиралардан олинган таассуротларнинг хотирада мустаҳкамланиши ва сақланиши жараёнидир. Олимлар хотирада сақлашнинг икки турини ажратишади – ихтиёрий ва ихтиёрсиз. Ихтиёрсиз эслаб қолиш, яъни ўз-ўзидан вужудга келадиган, алоҳида зўриқишни талаб этмайдиган, одатда анча рангдор, ҳаракатчан ўзига хос ҳолда ўзидан-ўзи юзага келади. Унинг мустаҳкамлиги ва давомийлигига қизиқиш таъсир кўрсатади. Булар фаолият мақсади билан бевосита боғлиқ далиллар, ҳодисалар, воқеалар, предметлардир. Улар инсоннинг билимлари тасаввурлари, ҳаётий тажрибасини кенгайтиради. Ихтиёрий эслаб қолиш онгли равишда қўйилган мақсад – маълум бир материални эслаб қолиш, деган мақсад ҳисобланади. Ўқув амалий фаолият ихтиёрий эслаб қолишга асосланади. Ихтиёрий эслаб қолишнинг икки тури мавжуд: механик ва ўйлаб қилинган. Ўйлаб қилинган эсда сақлаш анча сифатлидир, у мазмунни тушунишга, мустаҳкамланаётган материалнинг моҳиятига,

маънодаги ва мантикий алоқаларининг очиб берилишига асосланган. Бундай эслаб қолишнинг мустаҳкамлиги шахснинг хусусиятларига, унинг қизиқишлари кенглиги ва чуқурлиги, тавсифи жиҳатларига боғлиқдир.

Назарий ва амалий материални сифатли ва онгли равишда эслаб қолиш учун, шунингдек, у ёки бу фаолиятни бажариш жараёнининг қоидалари ва кетма-кетлигини эслаб қолишни енгиллаштириш учун турли хил методик усуллар, масалан, материални маъносига қараб гуруҳлаш қўлланилади. Материал ишнинг энг асосий ва муҳим босқичлари ажратилган блокларга ажратилади, кейин блоклар биргаликда бирлаштирилади. Материалнинг бундай бўлиниши талабаларга билимларни мустаҳкам эгаллашга ва фикрнинг эслаб қолишнинг барча босқичларида фаол ишлашнинг қўллаб қувватлашга имкон беради. Ҳар қандай материалнинг эслаб қолишнинг мустаҳкамлиги уни такрорлаш вақт бўйича қандай тақсимланганига боғлиқ. Топшириқларнинг семестрдан-семестрга доимий мураккаблаштирилиши ва ҳар хиллаштирилиши олдиндан маълум асослар ва қоидаларни албатта такрорлаш билан бирга қўшиб олиб борилиши керак. Шундай қилиб, хотира механизмини тадқиқ этиш масалалари бўйича биз талабаларда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентликларини ривожлантиришнинг зарур шарти сифатида хотирасини шакллантириш зарурлиги ва мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келдик. Биз амалий фаолият жараёнида, айниқса, агар фаолият ҳиссий жиҳатдан тўлиқ ва шахснинг қизиқишлари ҳамда эҳтиёжлари билан яқин алоқада бўлса, у ҳолда эсда сақлаб қолиш онгли бўлади. Талабаларнинг ўқув ижодий фаолияти мобайнида хотира механизмини фаоллаштириш шарти хотирани фаоллаштириш усулларида ва замонавий визуал коммуникация воситаларидан фойдаланиб ташкил этиш ҳисобланади.

Фаолият жараёнида одамда аввал идрок қилинган объектлар ёки ҳодисаларнинг образлари вужудга келиши мумкин - бу тасаввурлардир. Тасаввур, психологлар томонидан аввалги тажрибага асосланган, предметнинг қайта тикланган образи сифатида тавсифланади. Тасаввур ҳаракатчандир (динамик) одамнинг фаол билиш фаолияти шароитида унинг объект ёки ҳодиса тўғрисидаги тасаввурлари янгиланиб такомиллашиб туради. Хотирамиздаги бу ҳодиса олимлар томонидан инсон миясининг ишлашини юқори даражаси сифатида тавсифланади. Ҳар хил кишиларда тасаввурлар

равшанлиги, тўлиқлиги, барқарорлиги даражаси бўйича фарқланади. Бу фарқлар фаолиятнинг кўринишлари учун айниқса муҳимдир. Тасаввурларни яратиш қобилияти бадиий – ижодий фаолият билан шуғулланувчи одамлар учун айниқса муҳим ва унинг ўзи шу фаолият жараёнида шаклланади. Тасвирий фаолият ва дизайн билан шуғулланувчи ижод одамлари учун ривожланган кўриш хотираси ва кўриб тасаввур қилиш зарур, бунинг натижасида кўриш образлари пайдо бўлади.

Касб таълими ўқитувчиси - костюм дизайнери фаолиятидаги зарур шарт тасаввурга кўра тасвирлаш бўлиб, бу жараёнда предметларни ўзига хос хусусияти бўйича тасвирлашдир. Шунинг учун дизайнерни расмга ўргатишнинг пировард мақсади инсон фигурасининг анатомик ва пластик хусусиятларини шундай билиш ҳисобланадики, бу билим унга инсон фигурасини турли ҳолатларда, бурилишларда ва ҳаракат вақтида эркин тасвирлаш имконини берсин. Фигура тана расмини эркин чизишдан аввал натурадан расм солиш бўйича жуда кўп машқ қилиш керак. Рассомнинг касбий сифатларини шакллантиришда аниқ режалаштирилган ва мунтазам машқларнинг роли тўғрисида Ф.М.Пармон ўзининг «Костюм расми ва графикаси» китобида ҳам ёзади. Кейин моделларнинг умумийлаштирилган образлари дизайнернинг ишида янги эскизда, коллекцияда ёки материалда бажарилган макетда вужудга келади. Шундай қилиб тасаввурларни тадқиқ этиш масалалари бўйича, биз талабаларда - бўлажак ўқитувчиларда костюм дизайнери бўйича касбий сифатларини шакллантиришнинг зарурий шароитларини шаклланиш имкониятлари тўғрисида хулоса қилдик. Биз инсон мияси ишининг юқори даражаси ҳисобланган тасаввурлар ҳаракатчан (динамик) ва даставвал шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари билан боғланган деб ҳисоблаймиз. Ўқув ижодий фаолият давомида тасаввурларни фаоллаштириш шarti, бу талабаларнинг амалий фаолияти давомида тасаввурларнинг ривожланишига имкон берувчи ижодий вазиятни яратишни ва мунтазамлаштирилган машқларнинг мавжуд бўлишини ўз ичига олган ўқув жараёнини ташкил этишдир.

Объектив дунёнинг чуқурлигини ва моҳиятини билишга, унинг қонунларини англашга, амалий фаолиятини ривожлантиришга, ижодга имкон яратишга тафаккур, фикрлаш ёрдам беради. Психологлар тафаккурни предметлар, ҳодисаларнинг умумий ва муҳим хоссаларини, белгилари ва улар орасидаги мавжуд

алоқаларни очиб беришга йўналтирилган олий билиш жараёни сифатида ифодаланади. Тафаккур ҳиссий билиш – атроф дунё тўғрисидаги бош хабарчи билан боғланган ва билиш фаолиятининг энг юқори ва мукаммал босқичи ҳисобланади. Фикрлаш фаолияти инсоннинг касб фаолияти билан узвий боғланган. Инсон фикрлаш фаолиятида билиб ҳамма нарса амалиётда текширилади, амалиёт эса тафаккур натижаларини қўллашнинг асосий соҳаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замон психологларининг таъкидлашларича, фикрлаш фаолияти фикрлаш операциялари ёрдамида: таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, абстракция ва аниқлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Улардан асосийлари таҳлил ва синтез ҳисобланади.

Таҳлил – бу бутунни қисмларга фикран ажратишдир, предмет ёки ҳодисанинг ташкил этувчиларининг белгиларини, хоссаларини аниқлашдир.

Дизайнернинг фикрлаш фаолиятининг ўзига хос жиҳати образлари билан фикрлаш кўникмасидан иборат. Образлар орқали тафаккур талабаларни таҳлил ва синтез бўйича фаол фикрлаш фаолиятига мажбур қилади. Дизайнерни янги костюм шакллари яратишга истаган ҳодиса ёки атрофдаги буюм илҳомлантириши мумкин. Илҳомлантиришнинг ижодий манбалари хилма-хил бўлиб, уларни янги шакллари яратиш учун ажратиш зарур. Ижодий манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш тамойиллари бир хил ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ жузъий жиҳат билангина фарқланади. Ижодий манбани ўзгартириш босқичлари Э.М.Андрова томонидан «Костюмни бадий лойиҳалаш асослари» китобида ажратиб кўрсатилган.

1. Визуал кузатиш воситасида тадқиқот босқичи (ижодий манбанинг шаклини, нисбатларини, рангини, пластика ва фактурасини кузатиш);

2. Аналитик (таҳлил) босқичи (ижодий манбанинг бош тавсифловчи белгиларини аниқлаш, шартли-умумлаштирилган услубли образни шакллантириш, асосий хусусиятларини ажратиш мақсадида эскизда абстракциялаш);

3. Эскиз босқичи (илҳом манбаи билан образли ассоциатив алоқани сақлаш ва ижодий манбалар таъсирида яратилган реал костюмлар эскизлари сериясини яратиш).

Тафаккур жараёнида таққослашга катта аҳамият берилади. Бу атроф муҳитдаги предметлар ва ҳодисаларнинг ўхшашлиги ҳамда фарқларини аниқлаш жараёни, таққослаш ҳар қандай тушуниш ва тафаккурнинг асосидир. Предметлар ва ҳодисаларни бирор белгилари бўйича фикран бириктириш умумлаштириш дейилади. Ҳар қандай умумлаштиришнинг асоси учун ўхшаш предметларнинг турли хил белгилари олиниши мумкин. Объектлар ва ҳодисаларнинг фақат умумий эмас, балки объектларнинг ва ҳодисаларнинг моҳиятини тавсифловчи асосий белгиларни ажратишга таянувчи умумлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Умумлаштиришнинг маълум бир қонуниятлари билиш жараёни билан мос тушади. Ҳар қандай қоида, тушунча қонун - умумлаштиришдир. Бадий фаолиятнинг хусусиятлари тавсифида биз психолог С.Л.Рубинштейннинг фикрига қўшилаемиз, у бундай деб ёзган эди: «Кузатиш асосида ва қисман ўзига хос эксперимент ўтказиш асосида умумлаштириш жараёни юз беради. Рассом умумийни тушунча шаклида аниқлаш керак бўлиб, бунда умумий билан ягоналикда индивидуаллик ҳам сақланиши керак» [82].

Ўрганилаётган предмет ёки ҳодисанинг бир қатор хоссаларидан фикран чалғиш ва бирорта хоссани ажратиб олиш жараёни психологияда абстракциялаш жараёни дейилади. Предметнинг бирор белгисини бошқаларини ҳисобга олмасдан қайд этадиган унга қарама-қарши жараён аниқлаштириш дейилади. С.Л.Рубинштейн абстракцияга ҳодиса ёки предметнинг бир томонини, хоссасини, моментини муҳимга нисбатан ажратиш, айириб олиш ва тортиб олиш ҳамда бошқалардан ажратиш каби тушунчаларни беради.

Шахснинг фикрлаш фаолиятида индивидуал фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари ақлнинг кенглиги, чуқурлиги, мустақиллиги, танқидийлиги, мосланувчанлиги ва тезлиги ҳисобланади. Бу сифатларни фикрлашга оид масалаларни ечиш жараёнида, талабаларнинг ўқув-ижодий фаолиятининг кечиши давомида ривожлантириш мумкин. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини ўқитиш жараёни фаол фикрлаш фаолияти билан боғлиқ. Талабалар фикрининг фаол ишлашини замонавий костюмни макетлаш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг амалий ишида кузатиш мумкин. Ҳатто, иждодий фикр, маълум топшириқ ва битта иждодий манба билан чегараланганда талабаларнинг эскизлар ва макетларда бажарилган ишлари доим индивидуалдир. Бу ҳар бир талабанинг

фикрлаш жараёни унинг ҳаётӣ тажрибаси, кузатишлари, дунёқараши, диди, тайёргарлик даражаси билан белгиланади.

Шундай қилиб, фикрлаш фаолиятини таҳлил қилиб, биз билиш фаолиятининг энг юқори ва мукаммал босқичи сифатидаги тафаккурнинг субъектнинг амалий фаолияти (мазкур ҳолда, бадий-ижодий) билан узлуксиз алоқаси тўғрисида хулоса чиқардик. Инсон яратган барча нарса амалда текширилади, амалиёт эса тафаккур натижаларини қўлланишининг асосий соҳаси ҳисобланади. Биз шахснинг фаол фикрлаш фаолияти унинг ҳаётӣ тажрибаси, кузатишлари, дунёқараши, диди, тайёргарлик даражаси ва бошқалар билан белгиланади ҳамда қулай вазият яратилганда ўқув фаолияти жараёнида фаол шаклланиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Талабаларнинг таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш, умумлаштириш, абстракциялаш, аниқлаштириш кўникмалари таълим жараёнининг асосий масаласи ва талабаларнинг касбий компетентлигини муваффақиятли шаклланишининг кафолати бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг иждодий фаолиятида бошқа жараёнлар қатори тасаввур, ҳаёл қилиш катта аҳамиятга эга. Тасаввур қилиш жараёнини таҳлил қилиб, биз психологлар В.С.Кузин, А.В.Петровский, С.Л.Рубинштейн ва бошқаларнинг тажрибасини ўргандик. Олимларнинг фикрича, тасаввур қилиш – янги образ, тасаввур ёки ғоя шаклида яратишнинг психик жараёнидир. Тасаввур қилиш – ҳақиқатдан маълум даражада чекиниш, инсон иждодий фаолиятининг зарурий элементидир. Тасаввур қилиш муаммоли вазият мавжуд бўлган жойда, янги ечимни излаш зарур бўлганда вужудга келади ва шахснинг эҳтиёжлари билан мотивацияланади.

Тасаввур қилиш пассив (ҳаётга татбиқ қилинмаган) ва фаол тасаввурга бўлиниб, у иждодий ва яратувчи бўлиши мумкин. Иждодий тасаввур иждодий кишининг доимий йўлдоши бўлиб, янги образларни мустақил яратишни назарда тутаяди, улар фаолиятнинг асл ва қимматли маҳсулотларида амалга оширилади. В.С.Кузин: “Тасаввур қилишни фақат инсонга хос жараён ва унинг меҳнат фаолиятининг зарурий шартӣ ҳисобланади, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам тасаввур қилиш манбаи доим объектив ҳақиқатдир”, - деб таърифлайди. Ҳар қандай ихтиро асосида, психологик жиҳатдан тасаввур қилиш ётади.

Тасаввур қилиш жараёни бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ижоди учун жуда муҳимдир. Иждодий объектни яратиш жараёни аввалги тажрибанинг бойлиги ва турли туманлиги билан

белгиланади, уни кенгайтириш – ўқитиш жараёнининг биринчи даражали мақсадидир. Бирор кийимни яратиш жараёнида тасаввур қилиш фаолияти жуда кўп омилларга боғлиқ: қўйилган мақсад ва фаолият турига, талабаларнинг қизиқишларига ва эҳтиёжларига, билимлар ҳажмига ва элементларни бажаришнинг техник кўникмаларига, қобилиятларга боғлиқдир. Тасаввур қилиш яратувчи ва ижодий турларга бўлинади. Яратувчи тасаввур шундан иборатки, бунда инсон моделни бошқа одамлардан нутқ, чизмалар, картиналар ва бошқа белгилардан қайта тиклайди, репродукция қилади. Масалан, аллақачон ўтиб кетган даврдаги костюмнинг модели ва образи вужудга келади. Репродуктив тасаввурнинг аҳамияти ўқитиш жараёнида бошқа кишиларнинг билимлари ва тажрибасини кузатиш учун жуда қимматлидир. Психологларнинг таъкидлашларича, образларнинг яратилиши бир қатор усуллардан фойдаланиш билан боғлиқ:

- комбинациялаш - предметлар турли образларнинг айрим элементларининг янги, янада ноёб комбинацияларда қўшилиши, яъни янги образни элементларни кўчириш ёки қайта гуруҳлаш методи билан куриш;

- тўплаш - буюм ёки ходисанинг муҳим хусусиятларини ажратиш, абстракциялаш, шакл алмаштириш асосида эришиладиган у ёки бу жиҳатларни таъкидлаш, шу тарзда деталларни кучайтириш ёки сусайтириш ҳисобига бутун образни алмаштириш юз беради.

Шундай қилиб, тасаввур қилиш жараёнини тадқиқ қилиш, тасаввурни инсон фаоллигининг ажралмас қисми сифатида хулоса чиқаришга имкон берди. У муаммоли вазият мавжуд бўлган жойда ва вақтда янги ечимни қаердан қидириб топиш зарурлигида юзага келади. Тасаввур индивидуал бўлиб, шахснинг умумий йўналтирилганлиги билан боғлиқ ва унинг амалий фаолиятида айниқса фаол намоён бўлади. Биз тасаввур қилиш - алоҳида ҳиссий таъсирчанлик яратувчи қизиқишлар билан фаоллашади ва шахснинг эҳтиёжларига асосланади, деб ҳисоблаймиз. Талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш учун ўқув жараёнини ташкил этиш катта аҳамиятга эга бўлади, бунда фаолият машаққатли меҳнат кўникма ва малакаларини берувчи миқдорий жиҳатдан оздан тўпланиб, маълум вақтда янада юқори ва сифатли даражага ўтади.

Ўқув - билиш фаолияти давомида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришга

таъсир қилувчи ижодий фаоллаштиришнинг усуллари таҳлил қилиб, қўйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

- талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш воситаси ижодий фаолият учун қулай шароитлар яратиш ҳисобланади; ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, ўқитиш жараёнида қўлланадиган рационал танлаб олинган методикалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

- талабаларнинг амалий топшириқларни бажаришлари жараёнида назарда тутилаётган материални ўрганишларининг анланганлигини назорат қилиш, мураккаб материални ҳар бир талабанинг алоҳида тайёргарлиги даражасига боғлиқ ҳолда идрок қилиниш йўллари излаш зарур;

- ўқув материални идрок қилиш интеллектуал аспектга, билимлар даражаси ва мазмунига, талабанинг умумий йўналтирилганлиги ва аввалги тажрибасига тўғридан-тўғри боғлиқ;

- талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг муваффақиятли бўлиши тўғри ташкил этилган мунтазам машқларга боғлиқ бўлиб, билим, кўникма ва малакалар миқдорий жиҳатдан тўпланиб, сифат даражасига ўтади;

- ўрганилаётган материал фақат тушунарли бўлиши билангина эмас, балки баён қилинаётган материалнинг аҳамиятли эканлиги, унга бўлган муносабат билан, яъни талабаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари хусусиятлари билан белгиланади;

- сезги ва идрок интеллектуал жиҳатдан билимларнинг даражаси ва мазмунига, талабанинг умумий йўналтирилганлиги ва аввалги тажрибаларига бевосита боғлиқ;

- агар фаолият ҳиссиётга тўлган бўлса ва талабанинг қизиқишлари ҳамда эҳтиёжлари билан яқин боғланган бўлса, хотира ва ўқув материални эслаб қолиш онгли бўлади;

- талабаларнинг ўқув – ижодий фаолиятининг бориши тўғрисидаги тасаввурлари тартибга солинган машқлар ва уларни амалга ошириш ижодий вазиятнинг мавжудлигини ўз ичига олувчи ўқув жараёнини ташкил этиш натижасида шаклланади;

- тафаккур ўқув фаолияти жараёнида талабаларни таҳлил қилишга, синтезлашга, таққослашга, умумлаштиришга, абстракциялашга, аниқлаштиришга ўргатишга, тартибга солинган машқлар олиб борилганда фаол шаклланади;

- тафаккур шахснинг умумий йўналтирилганлиги билан боғланган ва унинг амалий фаолияти соҳасида айниқса фаол намоён

бўлади: тасаввур алоҳида ҳиссий таъсирланувчанлигини яратувчи қизиқишлар билан фаоллаштирилади ва шахснинг эҳтиёжларига асосланади;

- талабаларни ўқитиш усуллари касбий қизиқишлари билан, яъни бўлажак касбий фаолиятда олинадиган билимлар, кўникмалар ва малакаларни қўлланиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ.

Юқорида кўриб чиқилган ижодий фаолиятнинг ўзига хос томонлари шуни кўрсатадики, касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолият катта роль ўйнайди. Ижодий фаолият бу – диққатни, кузатувчанликни, ҳиссиётни, идрокни, хотирани, тафаккурни, тасаввурни, иродани ва бошқа жараёнларни сафарбар қилиш орқали талаба ўзининг касбий фаолияти жараёнида дуч келган муаммолар ечимини тўғри ҳал қила олишидир.

III боб. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

3.1. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда таълим технологияларини лойиҳалаш

Талабаларга билим бериш, уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси асосида дидактик жараёни бир бутун ҳолда лойиҳалаш ётади. Таълим соҳасига «лойиҳалаш» тушунчасининг киритилиши бир қатор методологик муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ, жумладан, фан атамаларининг кенгайишига бўлган зарурат, айрим анъанавий категориялар ҳақидаги тасаввурларнинг қайта кўрилиши, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларининг зарурлиги ва ҳ.к. Педагогик лойиҳалаш педагогнинг касбий фаолият тури экани шахсан Н.В.Борисова, В.П.Беспалько, Г.А.Лебедева, В.М.Монахов, В.И.Орлов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Машҳур муаллифлар ишларининг таҳлили лойиҳалаш масалалари берилган феноменини аниқлашга нисбатан унинг мазмундор тўлдирилиши кам ўрганилганича қолаётганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, қатор психологик-педагогик ишлар «режалаштириш», «олдидан айтиш», «конструкциялаш» лойиҳалашни назарда тутаяди. Лойиҳалашнинг бундай аниқланган тушунчалари билан бир қаторда унинг тўла ва аниқ таърифини келтиришга зарурат туғилади.

Илмий психологик-педагогик, методик адабиётларда лойиҳалашнинг қуйидаги вариантлардаги таърифи учрайди.

Н.В.Борисова лойиҳалаш – бу таълим бериш жараёнларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган фаолият деб таъкидлайди. Келтирилган таърифга асосан, педагогик лойиҳалаш таълим жараёни шароитларида амалга ошириладиган ва унинг самарали ишлашига ва ривожланишига йўналтирилган фаолиятдан иборат. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг бундай фаолияти долзарб муаммони ҳал этиш эҳтиёжи билан асосланган ва ижодий

характерга эга. Унинг натижаси педагогик объект модели бўлиб, у тизимли хоссаларга эга, педагогик кашфиётга асосланади, чунки унинг асосида муаммони янгича ҳал этиш усули ётади ва фойдаланишнинг мумкин бўлган вариантларини назарда тутди.

Ҳар қандай педагогик таълим амалиётда ҳар доим ҳам тўла амалга оширилавермайди. Педагог лойиҳалаштирган баъзи жараёнлар, ҳодисалар тасодифий омилларнинг таъсир этиши натижасида унинг назоратидан чиқиб кетиши мумкин. Шу сабабли унинг жорий этилишини таъминлайдиган барча элементлари, конструктив бўғинлари ва шартларини субъектлари сифатида индивидуал хусусиятларининг кўп омиллигига асосан санаб чиқиш ва тавсифлаш ҳаддан ташқари қийин бўлади. Масалан, ўқув машғулотида талабалар мотивация даражасининг етарли эмаслиги уларнинг қизиқишларига, эҳтиёжларига мос ўқитиш шакллари ва методларини қўллаш ҳамда ўқув материални тақдим этишдаги ишлари билан тўғриланиши мумкин.

Башоратлаш (прогноз) лойиҳалаштиришдан бир катор муҳим фарқларга эга. Бу, энг аввало, лойиҳалаштириш билан параллел равишда амалга ошириладиган объектнинг ривожланиш истиқболларини тизимли тадқиқ қилишдир. Башоратлашнинг бош мақсади бўлажак объектнинг характеристикаларини тавсифлаш, лойиҳалаштиришнинг бош мақсади эса уни куришдир. Биринчисининг натижаси бўлажак объектни абстракт тасвирлаш, иккинчисининг натижаси эса унинг батафсил курилишидир. Башорат борлиққа мувофиқликка, лойиҳа эса белгиланган мақсадга мувофиқликка асосланиб баҳоланади.

Айрим манбаларда лойиҳалаштириш ва режалаштириш тушунчаларининг турлича талқин этилган. Режалаштириш ўқитувчини лойиҳалаштириш ишининг ҳамма босқичларда фойдаланиладиган катта бўлмаган қисмидир. Лойиҳани амалга оширилишида режанинг қайд этилиш шаклидир. Лойиҳада объектнинг курилиши, кўриниши, элементлари, режада эса унинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши бўйича кўрсатма тасвирланади. Бундан ташқари, В.В.Краевский ва И.Я.Лернер қайд этганларидек, «Лойиҳа – ўқитувчининг ўз бўлажак фаолияти ҳақидаги тасаввурдир. Бундай тасаввур элементларининг ҳаммаси ҳам режага киритилавермаслиги мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Ахборотнинг бир қисми унинг педагогик онгида қолади. Лойиҳалаштириш пировард натижада ўз аксини режада топади» [44].

Бунда олий таълим муассасаси ўқитувчисининг ўқув фаолиятини лойиҳалаштириш мантиғи энг умумий кўринишда қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- ўқитишнинг дидактик мақсадларини аниқлаш, кутилаётган дидактик натижани ўлчанадиган параметрларда тавсифлаш;

- ўқитиш мазмунини мутахассиснинг бўлажак касбий фаолияти доирасида асослаш;

- ўқув материали мазмунининг структурасини, унинг ахборот сифими ва шунингдек, унинг элементлари орасидаги маънавий боғланишларни аниқлаш;

- ўқитишнинг жараёний томонини ишлаб чиқиш: талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган касбий тажрибани билиш ва уни амалий вазифалар тизими кўринишида ифодалаш;

- бу тажрибани ўзлаштиришнинг махсус дидактик томонларини, якка тартибли (индивидуал) ва жамоавий ўқув фаолиятининг мақбул методлари, шакллари ва воситаларини излаш;

- талабалар билан субъект-субъект муносабатлари даражасида ўзлаштирилаётган тажрибани янги фаолият соҳаларига кўчириш мақсадида педагогик ўзаро таъсирни ташкил этиш мантиғини аниқлаш;

- ўқув дастурини ўзлаштириш сифатини назорат қилиш.

Демак, юқорида келтирилган ҳар бир босқич бошқаларидан ҳал этилаётган вазифалари ва олинаётган натижаси билан фарқ қилади. Бу лойиҳалаштириш жараёни мантиғига мувофиқдир ва кафолатланган натижага эришишни таъминлайди.

Айтилган фикрлардан келиб чиқадики, педагогик лойиҳа педагогнинг амаллари кетма-кетлиги сифатида юқорида кўрсатилган тартибда мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб муаммосини ҳал этиш имконини беради ва олий таълим муассасасининг таълим амалиётида оммавий фойдаланиш учун қулайдир.

Касб таълими (сервис) таълим йўналишида ўқитиладиган мутахассислик фанларида талабаларда лойиҳалаш компетентликларигина шакллантирилмайди, балки уларда технологик ва креатив компетентликларини ҳам шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Талабаларнинг технологик компетентликларини шаклланиши «Тикув буюмларини буюртма асосида тайёрлаш ва таъмирлаш технологияси» ихтисослик фанида сезилади, яъни талаба ўқув дастурида белгиланган тикув буюмларини мустақил, сифатли тика

олади, бу жараёнда тикишнинг энг самарали, замонавий усуллари-ни қўллай олади, шунингдек, тикиш учун энг самарадор жиҳозларини тикиладиган узелларига ва операцияни бажарилишига қараб танлай олади, буюмни тикиш жараёнида ва ўқув устахонасида машғулотлар жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилади, буюмни тикишда ҳар бир операцияга кетадиган вақт меъёрларини тўғри тақсимлай олади ҳамда ҳар қандай тикувчилик буюмини тикишнинг технологик харитасини туза олади.

Талабаларнинг креатив компетентликларини шаклланиши эса «Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш», «Костюм тарихи ва композицияси» каби компетентлик ихтисослик фанларида сезилади, яъни талаба ўқув дастурида кўрсатилган турли асортиментдаги тикув буюмларининг янги моделларни ярата олади. Бунда гавда турига, газламанинг таркибига, гулига ва рангига, шунингдек, замонавий мода йўналишига қараб модел эскизларини чизади берилган вазифани ижодий ёндашиб ҳал этади. Талаба ўз фантазиясига эга бўлади. Бу жараёнда талаба мода янгиликлари ва замонавий техника, технологияларни амалда қўллай олади ва яратилган моделлар асосида мустақил тикув буюмларини тайёрлай олади.

Демак, Касб таълими (сервис) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан машғулотларни олиб боришда талабаларнинг касбий компетентликлари бўлиб ҳисобланган технологик, лойиҳалаш ва креативлик компетентликлари шакллантириб борилади.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш мақсадида Касб таълими (сервис) таълим йўналишида таҳсил оладиган талабалар учун «Костюм тарихи ва композицияси», «Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» ва «Тикув буюмларини буюртма асосида тайёрлаш ва таъмирлаш технологияси» мутахассислик фанлари бўйича ўқитиш технологияси лойиҳаланди ва амалиётга жорий қилинди.

Ўқитиш технологиясини танлашда уларни мезонларини кўриб чиқиш керак бўлади. Мезонлардан бири - методларнинг дидактик қоидаларга мос келиши шартидир. Кейинги мезон эса - методлар мазмунининг таълим мақсад ва вазифаларини таълим олувчиларни тарбиялаш ва ўстириш билан мослиги учун хизмат қилишидир. 1-жадвалда методларни танлаш учун ёрдам берадиган таълим методларининг ўзаро таққосланиши кўрсатилган.

**Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий
компетентлигини шакллантириш методларини танлаш
мезонлари**

| Таълим методлари | Методларнинг таълимда самарадорлиги (+), машғулотларда ютуқсизлиги(-). | | | | | | |
|-----------------------------|--|--------------|---------------|------------|---------------|---------|---------------|
| | Шакллантириш | | | | Ривожлантириш | | |
| | Назарий билим | Амалий билим | Амалий малака | Кўргазмали | Мустақил | Нутқсиз | Қизиқувчанлик |
| Суҳбат | + | + | - | - | + | + | + |
| Кўрсатиш | - | + | + | + | + | + | + |
| Амалий | - | + | + | + | + | - | + |
| Муаммоли Изланувчан | + | - | - | - | + | + | - |
| Ролли ҳамда ишбop | + | + | + | + | + | + | + |
| Сценарий | - | + | + | + | + | + | + |
| Ўқитувчи бошчилигида | + | + | + | + | - | - | + |
| Талабаларни мустақил ишлаши | + | + | + | + | + | + | + |

Таълим методларини танлашнинг учинчи мезони - методлар мазмуни таълим мазмунига мос келишидир. Мазмунлардан бири индуктив метод орқали яхши ёритиб берилиши, бошқаси эса - дедуктив муаммоли изланиш методини қўллаш бошқа бир дарс жараёни учун тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Метод танлашнинг мезонларидан бири ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари, умумий гуруҳ, гуруҳ ва якка тартибдаги ишлар учун таълимнинг турли методларидан фойдаланишнинг зарурлигидир. Таълим методини танлашда ўқитувчи ўз имкониятлари ва педагогик билим даражасига асосланган ҳолда таълим методини танласа, бу орқали юқори даражадаги ўқув тарбия натижаларига эришилиши мумкин бўлади.

Ҳар бир метод бошқа бир метод ёрдами билан қўлланилади. Масалан, репродуктив ва муаммоли-изланиш методи, суҳбат, кўргазмалар, амалий фаолият ёрдамида қўлланилади. Шу навбатда суҳбат, кўргазмали ва амалий фаолият методлари ҳам репродуктив ёки изланиш методлари орқали қўлланилиши мумкин.

Методларнинг номларидан ҳам шуни кўришимиз мумкин: муаммоли баён, эвристик суҳбат, изланиш, тажрибавий-амалий ишлар, кузатув ва ҳоказолар.

Ўз тажриба-синов тадқиқотларимиз натижалари билан таништиришдан олдин келгусида қўллашни мақсад қилиб олган «педагогик технологиялар» тушунчасини қисқача таснифлашимизни жоиз деб топдик.

Ушбу тушунча турли муаллифлар томонидан таҳлил қилинган, аммо у турли вариантларда берилган (В.П.Беспалько, У.Нишоналиев, С.Сайдахмедов ва бошқалар). Педагогик технология деганини маълум педагогик тизим лойиҳаси сифатида тушуниш мумкин. У тарбия жараёни лойиҳаси, унинг модели, уни ташкил этишнинг қонуниятлари ва тамойиллари, ўқув-тарбия жараёнлари тизими, жараённинг ўзи, методлари, воситалари, йўллари, усуллари, шартлари, ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш шакллари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Касб таълими бакалавриат йўналишида ишлаб чиқилган ўқув-услубий мажмуалар ўқув технологиялари комплекс интегратив тизим сифатида яратилган. У ўз ичига кўплаб йўл-йўриқ ва ҳаракатларни тартибли тарзда жамлаган бўлиб, педагогик йўналтирилган мақсадларни амалга ошириш, унинг мазмундор инфор­мацион пред­метли ва процессуал жиҳатларини, билимларини ўзлаштиришга йўналтирилган, касбий маҳорат ва талабанинг шахс сифатида шаклланишини таъминловчи ўқув мақсадларига хизмат қилади.

«Педагогик технологиялар» тушунчаси моҳиятини турли муаллифлар томонидан қилинган талқинлар асосида англаш, биринчи навбатда, Б.Т.Лихачевнинг педагогик технологиялар моҳияти ҳақидаги фикрларини касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенциясини ривожлантириш учун татбиқ этадиган бўлсак, бу ўзига хослик – психологик-педагогик ёндашувлар, махсус мажмуа ва шакллар йиғиндиси, методлар, турлар, ҳаракатлардан иборат бўлиб, уларнинг изчиллик билан бажарилиши Касб таълими (сервис) таълим йўналишидаги бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятида зарур бўлган шахсий сифатларининг шаклланишига

омил бўлади. Шу билан биргаликда, билим, маҳорат ва кўникмаларнинг фаоллашуви, қўлланилиши нафақат олий таълим муассасида эгалланган билимлари, балки ижодий фаолияти, ўқув ишлаб чиқариш амалиёти мобайнида ўрганган тажрибалари, мустақил ижодий ишлари, таниқли рассом, конструктор, модельер ва дизайн усталарининг бадиий меросини, замонавий ишларини ўрганиш ҳам ана шулар жумласидандир.

Касб таълими (сервис) таълим йўналишида ўқитиладиган мутахассислик фанларидан «Костюм тарихи ва композицияси» фани ўз таркибига образ, белги, тушунчаларни яратиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Улар креативликни ривожлантириш, мантиқ билан сезги, тасаввурлар билан хаёллар бирлиги кабилардир. Бу машқларни интеллектуалликни чархлаш мақсадида амалга оширилади. Таълим жараёнида фақат тасаввурларни фаоллаштириш масаласини мақсад қилиб қўйилмайди, балки ижодий муҳитни яратиш ҳам кўзланади. Бу шароитда талабалар билан ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги ишлари юзага чиқади. Биргаликдаги эҳтирослар, ҳаракатлар, улар албатта, ўрганилаётган масалага нисбатан эҳтиросли ёндашувга туртки бўлади. Талабаларга тасодифий воситалар ёрдамида образ яратиш топшириғи берилиб, улар (кичик тўқима ҳикоя) ва графикадан иборат бўлиши мумкин. Бунда талабада график воситалар билан мукамаллаштириш маҳорати етишмаса, вазифани бажара олмаслиги мумкин. Креативлик (ижобий қобилият) у қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, умумий асосга эга бўлади. Маълум бир материалда ишланган нарсани бошқасига ҳам кўчира олади. Энг асосий йўл, тасаввурлар ва фикрларни узвийлаштирувчи восита саволлардан иборат қилиб белгиланганлигидир. Саволларни шундай ташкил этиш керак-ки, улар нафақат объектнинг, белги ва ўзига хослигини тасвирлабгина қолмай, балки унинг атроф-муҳит ва олам билан бўлган муносабларини ҳам ўзида мужассамлаштирсин. Мисол учун, товуш образини яратишдан олдин талабалар қуйидаги саволларга жавоб бериши керак бўлади: Бу товуш қаерларда учрайди? Унинг сабаблари нимада? Уни ким ёки нима чақирмоқда? Овознинг, ёки товушнинг ранги қандай? Шакли қандай? Бу товуш қандай кайфият уйғотади ёки беради? Унинг хусусиятлари қанақа? У меҳрибон ёки ёвуз? Иссиқ ёки совуқ? Унинг аҳамияти борми, унинг функцияси нимадан иборат? График шаклда уни қандай тасаввур этасиз? Бу

товушда музика ва поэзия борми? Унинг ўзига хос эҳтиросли муносабати борми, сизнинг эҳтиросингизни қўзғатадими?

Бирор нарсаларнинг образи яратилар экан, объектга нисбатан эҳтиросли муносабат уйғотишга ҳаракат қилиш керак. Фикрлаш жараёнларига тасаввур, юмшоқлик, бошқа шаклга айлантириш, оригиналлик, турли таъсирларга чидамлик каби сифатларни киритиш мумкин. Бу вазифаларни «Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» фанида ҳам қўлланиши мумкин.

Оғзаки ва ёзма маълумотларни кўрсатиш имконини берадиган шаклга айлантириш қобилияти бўлажак мутахассиснинг — дизайнернинг, яъни касб таълими ўқитувчисининг касбий сифати саналади. Ҳар хил ўқув ахборотини кўргазмали шаклга айлантириш нафақат ўқув ахборотларни яхши ўзлаштиришга олиб келади, балки айтиш жоиз бўлса, бош мия ўнг қисмида образларнинг пайдо бўлишига, билимларни бир тизимга солишга, олинган билимлар умумтаълимни ва маданиятни эгаллаш белгиси бўлиб қолмай, лойиҳалаш жараёнидаги касбий фаолиятда бевосита муҳим ўрин эгаллайди.

Маълум бир ўқув назариясини таъкидловчи ҳар қандай ибора, белги, жадвал ёки расм сифатида қайд этилиши мумкин. Айнан ана шу белгилар, образлар маълумотларни қабул қилиш, ўзлаштириш ва қайта ишлаш учун қўлланилди.

Визуализация (кўрсатиш, тасвирлаш шакли) шакли бу — субъектив ҳодиса, ҳар бир одам ўзининг шахсий образини яратишга қодир. Кўрсатиладиган образларнинг энг асосий унсурлари — нуқта, чизиқ, шакл, йўналиш, оҳанг, ранг, қурилиши, ҳажми, масштаб, ҳаракатлардан иборат. Маълум бир ўқув фанида қўлланилган белгилар динамик касб этиши, мунтазамлик касб этиши лозим. Масъулотларнинг кириш қисмида алоҳида дарс ўтказилиб, таълим соҳасини ривожлантиришда ана шу субъектлардан фойдаланиш, ўқув материаллари белги ва жадвал усулига қўйилиши ҳақида, уларни қандай қўллаш тўғрисида тушунчалар берилади. Дастлабки маърузалар тушунчалар сифатида берилиб, улар кейинги маърузалар учун асосий устун бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилади.

Ижодий педагогик технологиялар гуруҳига креатив технологияларни киритиб, бу тавсияни касб таълими (сервис) таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг таълим жараёнида қўлланилди. Креатив технологиялар — янгилик яратиш, ижодий ўқув масалаларини ечиш натижаси, уларни талабалар мустақил

равишда эгаллайдилар ва улар учун тўлалигича ўзини кўрсатиш имконини беради.

Креатив технологиялардан бири «силуэт изланиши» жадвалига кўра, шакл яратиш ҳисобланади. Бу креатив технология талабалар томонидан «Костюм тарихи ва композицияси» фанини ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган дизайн объектини яратиш учун қўлланилади. «Силуэт изланиши» деганда, шундай ўқув - иш таркиби тушуниладики, унинг ёрдамида калька билан, тасодифий доғ шакли туширилган, унинг кўмагида ўйлаб топилган хусусиятга эга бўлган график - лавҳа яратилиши мумкин. Бу доғ тасодифий шакл, калькада кўриниб турувчи, талабаларда тасаввурлар уйғонишида ва олдинлари ҳеч қачон учрамаган график - образлар, шакллар яратишга илҳомлантиради.

Шакл яратишнинг «контекстга кириш» тартиби «стиллаштириш» (ўхшатиб чизиш) юзасидан берилган ўқув машғулотларида жуда кўл келди. Стилизация деганда, ўқув моҳиятига кўра мақсадга йўналтирилган касбий тасаввурларнинг шаклланишини назарда тутилади. Унинг таянч устун сифатида маданиятнинг бирон-бир мавжуд феноменини, ўқув вазифаларини қўйиш ва ечиш ҳам керакли даражада шаклланган касбий идрок орқали бажарилиши мумкин. Шу боис «контекстга кириш» технологияси юқори курсларда ўзини муваффақиятли намоён қилди. Талабалар мураккаб лойиҳалаш масалаларини унинг ёрдамида бажариш имкониятига эга бўлдилар.

«Контекстга кириш» технологиясининг педагогик моҳияти алоҳида тасаввур этиш, ўзлаштириш ва касбий материални яратишдадир. Чунки бу материаллар педагоглар томонидан англаган ҳолда, тўпланганлиги натижасидир.

Контекстга кириш мазкур машғулотда талабаларнинг графика таҳлилий иши бўлиб, педагог томонидан махсус тайёрланган касбий эмблема графикаси намуналари сифатида намоён бўлади. Бунда талабалар диққатига мутахассислар томонидан маълум эмблема тайёрлашга қўллаган махсус таркиб, пропорция, конфигурация ва бошқа жиҳатлар намоёиш қилинади. Ундан сўнг «силуэт излаш» босқичига келгач, талаба анча ишонч билан олдин чизиб кўрмаган нарсани яратишга киришади. Композициянинг креативлик хусусиятига психологик механизмларнинг таъсири ва талабанинг онгида тасаввурларни уйғотувчи ҳамда касбий ёндашувни таъминловчи саналади. Шундай қилиб, композицион маълумотга

ўрганишда креатив ёндашув талаба учун янги соҳани ўрганишдан ташқари композицион билимлар шаклланиши жараёнларининг ўзи ҳам ўқув амалий фаолиятга янада яқинлаштиради.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетенциясини ўзига хослигини ривожлантиришда когнитив фаолият технологиясига кўра, фирма услубини яратиш маҳоратини ҳам креатив технология қаторига киритиш мумкин. Бу ерда талабалар визуал эмас, балки тасодифий лойиҳалаш материали билан иш юритадилар.

Ижод қилишга интилиш Л.С.Виготскийнинг фикрига кўра, ижодий фаолиятни тасаввур қилиш тўғридан-тўғри инсоннинг мавжуд тажрибаларининг бойлиги ва серқирралигига боғлиқдир. Бу тажриба шундай материалки, улардан фантазия вужудга келади.

Демак, юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, машғулотлар жараёнида ўқитувчининг вазифаси талабалар фаолиятини шундай ташкил қилишдан иборатки, улар имкон бори-ча ўзларининг умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўзлаштирган билимларини амалда қўллашлари, талабаларда берилган вазифаларни бажариш кўникмаларини шакллантиришга сафарбар этишидир. Ушбу босқичда тушунтириш ёзувлари, ишчи материал қораламаларидан тортиб якунигача бўлган жараён талабалар касбий компетентлигини оширишга хизмат қилади.

3.2. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шаклланиш даражаларига қўйиладиган талаблар мазмуни

Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланиши унинг ўқув-педагогик вазиятларда ўзига хос хусусиятларининг ифодаланиши билан намоён бўлади. Ўқув жараёнида ақлий, предметли-амалий ва мотивацион омиллар билан боғлиқ хислатлар айниқса ёрқин намоён бўлади.

Ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланиши узок давом этувчи жараён бўлиб, уни қуйидаги бир неча босқичга ажратиш мумкин:

1) касб таълими йўналишида умумкасбий ва ихтисослик билимлари асосларини ўзлаштириш;

2) касб таълими бўйича ўзлаштирилган назарий билимларнинг амалий-лаборатория машғулотлари, шунингдек, педагогик амалиёт жараёнида амалий кўникма ва малакаларни шаклланишига эришиш;

3) таълим муассасаларида касбий таълим йўналишида меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида ўз устида мустақил ишлаш, ижодий изланиш асосида умумкасбий ва ихтисослик билимларини такомиллаштириш;

4) педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ёки факультетларида таълим олиш ёрдамида касб таълимини самарали ташкил этишнинг замонавий методик ва технологик ёндашувлари моҳиятидан хабардор бўлиш.

Олий педагогик таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш муайян шарт-шароитлар ҳамда самарали воситаларнинг мавжудлигини тақозо этади.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланиш жараёни энг муҳим икки босқичда кечади. Улар қуйидагилардир:

1-босқич: касб таълими ўқитувчиси томонидан таълим муассасида касбий билимлар асосларини ўзлаштириш даври (назарий билимларнинг ўзлаштириш, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилувчи ўқув-амалий машғулотлари (устахона ишлари, лаборатория машғулотлари, семинар машғулотлари, педагогик амалиёт), ҳосил бўлган кўникмаларнинг малакага айланишини таъминловчи муаммоли, ижодий изланишни талаб этувчи амалий машғулотлар (жумладан, курс ва битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган машғулотлар ва бошқалар).

2-босқич: мустақил равишда касбий фаолият ташкил этиладиган давр (мустақил таълим олиш асосида касбий малакани ошириб бориш), илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, шахсий педагогик тажрибаларни таҳлил этиш, турли босқичдаги (халқ таълими бўлимларининг вилоят, шаҳар, туман ҳамда таълим муассасаси негизидаги) методик бирлашмалар фаолиятида фаол иштирок этиш, ҳамкасбларининг фаолиятини бевосита кузатиш (очиқ дарслар асосида), педагогик ўқиш, илмий анжуман (илмий-назарий ва илмий-амалий конференция ҳамда семинар)ларда иштирок этиш, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида касбий малакани ошириш ҳамда хорижий мамлакатларда тажриба алмашиш (3-расм).



3- расм. Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланиш жараёнининг асосий босқичлари

Илмий далилларнинг назарий таҳлили, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, шунингдек, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш ва педагогик тайёргарлигини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи мезон, йўналиш ва психологик-педагогик шароитларни аниқлаш имконини беради. Булар қуйидагилардан иборатдир:

– касб таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришга қўйилаётган талабларнинг касб-ҳунар таълим муассасалари ҳамда жамият эҳтиёжлари билан ўзаро мувофиқлиги;

– касб таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг таълим ҳамда ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқлиги;

– касб таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг юқори даражадаги рефлексив бошқарувларидан иборат.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланиш жараёнининг биринчи босқичида кўрсатиб ўтилганидек, таълим муассасасида касбий билимлар асосларини ўзлаштириш даврида талабаларга билим беришда шундай таълим технологияси ва воситаларидан фойдаланиш керакки, олган билимларини амалиётда қўллаш учун ҳар қандай шароитдан чиқа олиши керак. Бунинг учун умумкасбий ва ихтисослик фанларидан бериладиган билимларни талабаларга етказишда ўқув-услубий мажмуаларнинг ўрни беқиёсдир, чунки бу мажмуаларнинг таркибий қисмидаги маълумотлар бўлажак ўқитувчининг ҳар қандай шароитларда ҳам имкониятларни топа олиш кўникмасини ҳам шакллантиради.

Олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантиришда ўзига хос ўрин тутувчи педагогик шарт-шароитлар ва воситалар тизимини аниқлаб олиш, таълим жараёнини самарали ва тўғри ташкил этилишини таъминлайди.

Юқорида олиб борилган таҳлил ишлари жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланишига ёрдам берувчи муҳим педагогик шарт-шароитлар сирасида қуйидагиларни эътироф этиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди:

1. Моддий-техник шарт-шароитлар (ўқув бинолари, ўқув аудиториялари, ўқув устахоналари, амалий-лаборатория жиҳозлари), ахборот технологиялари (радио, телевидение, компьютер, нусха кўчириш қурилмалари, лаборатория асбоб-ускуналари, маг-нитофонлар (аудио, видео), тренажёрлар, кинопроекторлар, диапроекторлар, техник воситалар мажмуининг мавжудлиги ва ҳоказолар).

2. Ўқув-методик меъёрий ҳужжатлар (давлат таълим стандарти, намунавий ўқув режалари, ишчи ўқув режалари, намунавий ўқув дастурлари, ишчи дастурлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари, методик тавсияномалар, қўшимча махсус адабиётлар, кўрсатмали воситалар, дарс ишланмалари, лойиҳалар ва бошқалар).

3. Илмий педагогик ходимлар салоҳияти (профессор, доцентлар, ўқитувчилар, малакали ўқув усталари, раҳбар ва техник ходимлар).

4. Ижтимоий ҳамда ўқув-технологик муҳит (ўқитувчи ҳамда талабалар, раҳбарлар ҳамда талабалар, шунингдек, талабаларнинг ўзаро муносабатлари мазмуни, йўналиши, мақсадлар бирлиги ва бошқалар).

5. Ташкилий ҳамда ўқув-амалий фаолиятнинг изчил, узлуксиз ҳамда тизимли йўлга қўйилганлиги.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларни касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида иштирок этувчи субъектлар (муҳандис-педагоглар, малакали ўқув усталар, техник ходимлар ва бошқалар)нинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, муомаласи, маънавий-ахлоқий қиёфаси, ижтимоий фаоллиги ва бошқалар; таълим муассасасида қарор топган шахслараро муносабат мазмуни; ахборот воситаларининг бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришга кўрсатаётган таъсири ва иштироки кабилар.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг якуний мақсади муҳандис-педагогик фаолияти соҳасида касбий маҳорат, мутахассислик ва психопедагогик билимлари тизими ҳамда бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантиришдан иборатдир. Якуний мақсад нафақат бўлажак касб таълими ўқитувчисининг мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодирлигини қайд этади, балки уни умуминсоний тараққиёт ҳамда муҳандис-педагог кадрларни тайёрлашнинг истиқболли муаммоларини ҳал этишга йўналтиришни англатади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг якуний мақсади сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлашда асосий эътибор ўқув фани воситалари, педагогик фаолият мазмуни ва талабанинг шахсий имкониятлари асосида шакллантиришга қаратилади;

- касбий-педагогик фаолиятнинг мазмуни, вазифалари, ушбу жараёнда ҳал этилувчи муаммолар ва юзага келиш эҳтимоли бўлган қийинчиликлар хусусида яхлит тасаввурга эга бўлган ҳолда шахсий фаолликка эриша олишига асосланади;

- бўлажак касб таълими ўқитувчисини психопедагогик нуқтаи назардан тайёрлаш аниқ мақсад, яъни педагогик ва психологик билимларнинг таълим муассасасида ташкил этилувчи касб-ҳунар таълимининг ўзига хослиги билан белгиланадиган тузилмаси ва мазмунига йўналтирилган;

- бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятдан кутиладиган ва эришиш мумкин бўлган натижалар талаба шахси, унинг йўналганлиги (талаблари, қизиқиши, кадриятли йўналиши, иши, онги, сабаблари); маълумот даражаси (билим, малака, кўникмалари, билимларини доимий равишда бойитишга интилиши ва маҳорати); тарбияланганлик ҳолати (маънавий, эстетик, жисмоний, меҳнат ва ҳоказо жиҳатдан); ижтимоийлашуви (фаол касбий ва ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлиги, билим олишни давом эттириши, ижтимоий ва кадриятли қоидаларни қабул қилиши); маданиятлиги (ижтимоий-маданий кадриятларини қабул қила олиши, интеллектуал, иқтисодий, экологик, маданият, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти, муносабатлари мазмуни ва ҳулқ) каби ҳолат билан белгиланади. Кутилаётган натижаларнинг энг юқори даражаси ўқитувчининг касбий компетентлиги ва малакаси ҳисобланади.

Демак, касбий компетентликка эгаллик олий таълим муассасасида қуйидагиларда: Талабаларда ижтимоий борлиқни ҳис эта билиши, мустақил ўз йўлини топа олиши, инсон ва инсоният ҳаётининг маънавий-ахлоқий асосларига оид билимлар мажмуасига эга бўлишларида кўринади. Билим ва фаолият тажрибасининг доираси, фуқаролик, ижтимоий меҳнат соҳаси, оилавий муносабатлар, касбий, шахсий мавқеини ривожлантириш борасидаги билим ва тажрибалар ривожлантирилади. Касбга оид ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиб боришга, зарур ахборотлар танлаб олиш, уларни таҳлил этиш ва ўзгартириш маҳоратига, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлади. Билимлар ва малакалар мажмуаси, мустақил фикрлаш ва тадқиқотчилик, эгалланган билимларни амалиётга татбиқ эта олиш, касбий мустақиллик, ўзига ишонч, турли вазифаларни идора қила олиш хислатлари шакллантирилади.

Олий таълим муассасасида қуйидаги касбий компетентлик талаблари шакллантирилади:

А. Бакалавриатда:

- Глобал компетентлик. Мустақил ҳаёт йўлини топа олиши, жамиятдаги роли ва ўрнини англаб етиши. Ижтимоий борлиқни ҳис эта билиш ва тушуниш. Ўқув ва бошқа вазиятларда аниқ мақсадни белгилаш ҳамда қарор қабул қилиш. Мустақил ҳаёт йўлини топа олиши, жамиятдаги роли ва ўрнини англаб етиши. Мустақил равишда таълим олишга ҳамда ўрганишга қодирлик. Таълим жараёнининг ўзига хослигини тушунган ҳолда мустақил равишда таълим олиш ва ўрганиш стратегиясини танлай билиш.

- Ижтимоий-маданий компетентлик. Чуқур ўзлаштириши зарур бўлган билим ва фаолият тажрибасининг доирасини кенгайтириш. Инсон ва инсоният ҳаётининг маънавий-ахлоқий асосларига оид билимлар мажмуаси. Бағрикенглик – бугунги дунёнинг ижтимоий ва маданий жиҳатдан турли-туманлигини англаш ва қабул қилиш, одамлар билан уларнинг жинси, ёши ва диний эътиқодидан, қайси ижтимоий, сиёсий, ирқий ва этник гуруҳга мансублигидан қатъий назар тинч-тотув яшамоқлик. Хушхулқлик – умуминсоний ахлоқий қадриятларни англамоқ ва қабул қилмоқ, шахсий фаолиятида уларга таянмоқ, амал қилмоқлик. Низоларни ҳал эта олиш ва музокаралар олиб боришга қодирлик – ташкилотдаги одамлар ёки гуруҳлар ўртасидаги низоли вазиятларда мақбул ечимларни топа билиш. Ўз эҳтиёжларини қондириш учун ички фаолиятида масъуллик ва эҳтиёжни ҳис этиш – ўз имкониятлари чегараларини тўғри баҳолаган ҳамда уларни кенгайтиришга интилган ҳолда қўйилган вазифаларни масъулиятли равишда ва пухталиқ билан бажариш. Мушкул вазиятларда тўғри йўл тута билиш. Шахслараро ўзаро фаолиятга қодирлик – бошқа одамлар билан мулоқот қилиш, ҳамсуҳбатини тинглай билиш ва тушуниш, оғзаки ва бошқа турдаги (вербал ва новербал) мулоқотларда ўзини сипо тутиш. Жамоа бўлиб ишлашга қодирлик – жамоанинг фаолиятига киришиб кета олиш, умумий мақсадларга эришиш учун бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш.

- Ижтимоий-фаолиятга оид компетентлик. Фуқаролик, ижтимоий меҳнат соҳаси, оилавий муносабатлар, иқтисод ва ҳуқуқ масалалар ҳамда касбга оид билимлар ва тажрибаларни эгаллаш. Касбий, шахсий мавқеини ривожлантириш борасидаги билим ва тажрибаларни эгаллаш.

- Ахборот олишга оид компетентлик. Касбга оид ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантикий тузилмасини яратиш. Ахборот ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил этиш ва ўзгартира олиш. Зарур ахборотлар танлаб олиш, уларни таҳлил этиш ва ўзгартириш маҳорати. Интернет, интранет, электрон дарсликлар ёрдамида мустақил изланиш. Аудио-видео воситалари ва ахборот технологиялари ёрдамида мустақил изланиш. Компьютер саводхонлиги – таълимий ва илмий мақсадлар учун ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, хужжатлар ва маълумотлар базасини яратиш, тақдимотлар тайёрлаш, шунингдек, мулоқотга киришиш ва ўз дунёқарашларини ифодалаш учун компьютер ва бошқа ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдалана билиш. Касбга оид ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантикий тузилмасини яратиш. Ахборот ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил этиш ва ўзгартира олиш. Маълумотлар базаси билан ишлай олиш – керакли маълумотларни самарали равишда ташкиллаштириш (йиғиш, тизимлаштириш, ишлов бериш ва фойдаланиш) ҳамда маълумотлар базасини бошқариш учун компьютер тизимларининг имкониятларидан фойдалана олиш.

- Коммуникатив компетентлик. Мулоқот жараёнида устувор ўрин тутувчи тилни ўзлаштирганлик. Эгаллаган касбини ва жамоа фаолиятини қадрлаш. Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни билиш. Оғзаки мулоқот маданияти – вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўз фикрлари ва ҳис-туйғуларини оғзаки шаклда аниқ ифодалай билиш. Ёзма мулоқот кўникма ва малакалари – ёзма шаклда, шу жумладан ахборотни тақдим этишнинг график воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз фикрлари ва ҳис-туйғуларини аниқ ифодалай олиш. Чет тилларни билишлик – чет тилида бошқаларни тушуна билиш ва ўз фикрларини ифодалай олиш.

- Ўқув-билишга оид компетентлик. Мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, унинг мазмунини таҳлил қилиш бўйича билим ва малакалар мажмуасини эгаллаш. Касбий фаолиятга эгалланган билим ва малакалар мажмуасини эгаллаш. Ўрганилаётган аниқ объектлар билан боғлиқ фаолиятда қатъиятлик. Касбий фаолиятда мустақил фикрлаш ва тадқиқотчилик. Касбий фаолиятда ижодий фикрлаш ва янгиликлар яратиш.

- Амалий фаолиятга оид компетентлик. Ҳаракат ва амалларни янги вазиятларда қўллай олиш, янги ахборотлар ичида тез йўналиш олиш кўникмаларини шакллантириш. Мақсадга интилувчанлик – вақт, куч ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда қўйилган мақсадларга эришиш. Пешқадамлик (лидерлик) – Бошқа одамларга таъсирини ўткази олиш, уларнинг касбий ва шахсий имкониятларини юзага чиқишига ёрдам бера олиш.

- Интеллектуалликка оид компетентлик. Таҳлил қила олиш – тизимнинг тузилиш принципларини ва уни ташкил этувчи элементларини аниқлаш учун яхлитни таркибий қисмларга ажрата олиш, тизимли (тизимнинг алоҳида қисмларини бир бутунга бирлаштира олиш, объектлар ва жараёнларнинг ўзаро алоқадорликларини аниқлай олиш), мантиқий (ўзининг бири бошқасини инкор қилмайдиган ички мулоҳазаларини ва тўғри хулосаларини шакллантира олиш, илмий билимлари ва кундалик турмуш тажрибаларини тизимлаштира олиш) ва амалий (муайян вазиятларда мавжуд бўлган ахборотларга асосланган ҳолда энг мақбул (оптимал) йўлни танлай билиш ва қўйилган мақсадларга эришиш учун амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларнинг самарали режасини туза олиш) равишда фикрлай олиш. Аналогияга келтириш, таққослай олиш – турли объект ва жараёнлардаги ўхшашликларни аниқлай олиш.

- Креативликка оид компетентлик. Танқидий фикрлашга қодирлик – ўзининг ва бошқаларнинг ғоялари, фикрлари ва ишларининг асосланганлигини текшира олиш. Ноанъанавий (ностандарт) фикрлай олиш – турмушнинг турли соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда янгича, ноанъанавий (ностандарт) ечимларни топа билиш. Бетакрорлик – турли вазиятларда ҳаракат қилишда янги, ноанъанавий (ностандарт) усулларни (ечимларни) топа билиш. Тадбиркорлик – ташаббус кўрсата олиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана билиш, таваккал қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар учун масъулиятни ўзига олиш. Инновацион фаолиятга қодирлик – фаолият усуллари ва йўллариининг мавжудларини такомиллаштириш ва янгиларини амалда қўллаш.

- Ҳиссийликка оид компетентлик. Рефлексияга қодирлик (ўз руҳий ҳолатини таҳлил қила олиш) – воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англай билиш, муаммоларнинг конструктив ечимлари вариантларини таклиф эта билиш. Жамоавий (жамоавий

фикрлашнинг ўзига хос хусусиятларини англай олиш, биргаликда муаммоларнинг ечимини излашда ўзининг мулоҳазаларини гуруҳ ёки жамоадаги бошқа фикрлар билан солиштира олиш) ва масъулиятли (пухта, тарозига солиб, ўзининг ва бошқаларнинг фикрларини ва қарорларини қабул қилишдан олдин, уларнинг асослилигини, ютуқ ва камчиликларини баҳолай олиш) фикрлашга қодирлик.

- Бошқарувчанлик ва ташкилотчиликка оид компетентлик. Ўз вақтини (ўз олдига қўйган мақсадларини қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатлилигига қараб ажратиб ола билган ҳолда вақтини самарали режалаштириш ва ташкиллаштира олиш) ва фаолиятини (мавжуд бўлган вақт ва воситаларни ҳисобга олган ҳолда, фаолиятнинг мақсадларини, муҳимлик даражасини, методларини ва бажариладиган ишни назорат қилишнинг шаклларини самарали равишда аниқлаштириб олиш) режалаштириш ҳамда ташкиллаштира олиш.

- Лойиҳалаш компетентлиги. Муаммоларнинг ечимини топа билиш – муаммони муваффақиятли ҳал этиш учун унинг турли жиҳатларини аниқлай олиш ва таҳлил эта билиш. Қарорларни қабул қилишга қодирлик – Муайян шароитларда мақбул йўлни танлай олиш ва қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари учун масъулиятни ҳис этиш. Лойиҳаларни бошқаришга қодирлик – турли лойиҳаларни самарали равишда режалаштириш, бошқариш, баҳолаш ва мониторингини амалга ошира олиш. Сифатни (фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида ҳам энг яхши натижаларга эришишга, ўз-ўзини такомиллаштиришга ва бор имкониятларини юзага чиқаришга интилиш) ва натижани (муваффақиятли натижаларга эришишни таъминлайдиган зарур чораларни кўра билиш) кўзлаш.

Бу касбий компетентлик талаблари умумий ҳолда қуйидаги жадвалда келтирилган.

Б. Магистратурада:

- Зарурий билимларни ўзлаштиришда ўқитиладиган барча фанларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлигини билиш.

- Таълим йуналиши асосида танлаган мутахассислиги бўйича чуқур билим, кўникма ва малакага эга бўлиш.

- Илмий педагогик, илмий тадқиқотчилик фаолиятининг асосларини ўрганиш.

- Таълим менежментини билиш.

- Илмий тадқиқотнинг методологик асосларини билиш.

Компетентликнинг турлари, уларнинг қисқача тавсифи 2-жадвалда ўз ифодасини топган

2-жадвал

| | Турлари | Қисқача тавсифи |
|---------------------|-------------------------------------|--|
| Компетентлик | Глобал компетентлик | Мустақил ҳаёт йўлини топа олиши, жамиятдаги роли ва ўрнини англаб етиши. Мустақил равишда таълим олишга ҳамда ўрганишга қодирлик |
| | | Ижтимоий борлиқни ҳис эта билиш ва тушуниш. Ўқув ва бошқа вазиятларда аниқ мақсадни белгилаш ҳамда қарор қабул қилиш. |
| | Ижтимоий-маданий компетентлик | Чуқур ўзлаштириши зарур бўлган билим ва фаолият тажрибасининг доирасини кенгайтириш |
| | | Инсон ва инсоният ҳаётининг маънавий-ахлоқий асосларига оид билимлар мажмуаси. Бағрикенглик. Хушхулқлик. Низоларни ҳал эта олиш ва музокаралар олиб боришга қодирлик |
| | | Ўз эҳтиёжларини қондириш учун ички фаолиятида масъуллик ва эҳтиёжни ҳис этиш. Мушкул вазиятларда тўғри йўл тута билиш. Шахслараро ўзаро фаолиятга қодирлик. Жамоа бўлиб ишлашга қодирлик |
| | Ижтимоий-фаолиятга оид компетентлик | Фуқаролик, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги билим ва тажрибаларни эгаллаш |
| | | Касбий, шахсий мавқеини ривожлантириш борасидаги билим ва тажрибаларни эгаллаш. |
| | Ахборот олишга оид компетентлик | Аудио-видео воситалари ва ахборот технологиялари ёрдамида мустақил изланиш. Компьютер саводхонлиги |
| | | Касбга оид ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилма-сини яратиш. Ахборот ёрдамида олинган |

| | |
|--|--|
| | маълумотларни таҳлил этиш ва ўзгартира олиш. Маълумотлар базаси билан ишлай олиш |
| Коммуникатив компетентлик | Ўзаро муносабатлар, уларнинг усулларини ўзлаштириш |
| | Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни билиш. |
| | Оғзаки мулоқот маданияти. Ёзма мулоқот кўникма ва малакалари. Чет тилларни билишлик |
| Ўқув-билишга оид компетентлик | Мақсадни кўра билиш, фаолиятни режалаштириш, унинг мазмунини таҳлил қилиш бўйича билим ва малакалар мажмуасини эгаллаш |
| | Касбий фаолиятда мустақил фикрлаш ва тадқиқотчилик. Касбий фаолиятда ижодий фикрлаш ва янгиликлар яратиш |
| Амалий фаолиятга оид компетентлик | Ҳаракат ва амалларни янги вазиятларда қўллаш олиш, янги ахборотлар ичида тез йўналиш олиш кўникмаларини шакллантириш |
| | Мақсадга интилувчанлик. Пешқадамлик (лидерлик) |
| Интеллектуалликка оид компетентлик | Таҳлил қила олиш, тизимли, мантиқий ва амалий равишда фикрлай олиш |
| | Аналогияга келтириш, таққослай олиш |
| Креативликка оид компетентлик | Танқидий фикрлашга қодирлик. Ноанъанавий (ностандарт) фикрлай олиш. Бетакрорлик |
| | Тадбиркорлик. Инновацион фаолиятга қодирлик |
| Ҳиссийликка оид компетентлик | Рефлексияга қодирлик (ўз руҳий ҳолатини таҳлил қила олиш). |
| | Жамоавий ва масъулиятли (пухта, тарозига солиб) фикрлашга қодирлик |
| Бошқарувчанлик, ташкилотчиликка оид компетентлик | Ўз вақтини ва фаолиятини режалаштириш ҳамда ташкиллаштириш олиш. |
| | Муаммоларнинг ечимини топа билиш. |

| | | |
|--|----------------------------|---|
| | Лойиҳалаш компетентлиги | Қарорларни қабул қилишга қодирлик |
| | | Лойиҳаларни бошқаришга қодирлик. Сифатни ва натижани кўзлаш |

Бўлажак ўқитувчиларда юқорида санаб ўтилган касбий компетентликни шаклланганлигини аниқлаш учун компетентликни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади

3.3. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини баҳолаш мезонлари

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда мутахассислик фанларини ўқитиш ва талабаларнинг бу фанлардан олган баҳоларининг объективлиги муҳим роль ўйнайди. Талабаларда касбий компетентликни шаклланганлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

- Умумкасбий ва ихтисослик фанлари юзасидан назарий ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиш;

- Машғулотлар жараёнида кийимга ишлов беришнинг мақбул усулини мустақил танлай олиши, сифатли тика олиши, тикишнинг энг самарали усулларини қўллай олиши;

- Кийим турига ва вазифасига қараб унга кийим фурнитураси ва безак материаллари турини тўғри қўллай олиши, тикиш учун энг самарадор жиҳозларини танлай олиши ва технологик харита туза олиши;

- Одам гавдасидан тўғри ўлчов олиб, берилган модел бўйича асос лойиҳасини қура олиши ҳамда дизайннинг мазмуни, мақсадларига қараб бадий моделлаштиришни билиши;

- Модел асосида андозаларни тайёрлай олишда, моделни бичиш учун керакли жиҳозларни тўғри танлай олишда ва бичиқ деталларини газламага тежамкорлик билан жойлаштириб бичишда ўз ўртоқларига тўғри маслаҳатлар бера олиши;

- Машғулотларда тўқимачилик толаларининг, газлама ва трикотаж полотнолар турлари, структураси ҳамда асосий хоссаларини эътиборга олиб янги моделларни яратиш ҳамда бу жараёнда юзага келган муаммоли вазиятларни ҳал этиш юзасидан муҳокамаларда иштирок этишга интилиши;

- Технологик жараёнларни лойиҳалашнинг асосий қоидаларини, кийимларни буюртма асосида тикиш ва таъмирлашда меҳнат тақсимооти схемаларини тузиш методикасини, маиший хизмат соҳасида ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари ҳамда серияли ишлаб чиқариш учун кийим конструкциясини яратиш йўлларини таҳлил қилиши ва амалда қўллай олиши;

- қўл ва машина ишлари, намлик – иссиқлик ишлов бериш ўринларини ташкил этишни, тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашни, устки кийимларга қисмлар бўйича ишлов бериш технологиясини, тайёрлов – бичиш ишлаб чиқариш технологиясини билиши;

- Машғулот жараёнида берилган ҳар қандай вазифага ижодий ёндашиб ҳал этиши ва ўз фантазиясига эга бўлиши, мода янгиликлари ва замонавий техника, технологияларни амалда қўллай олиши;

- Янги маълумотларни эгаллашга интилиши, уларни амалиётга татбиқ этиши;

- Ўқитувчи ва ўртоқларига берган саволларининг мазмундорлиги ҳамда касбий этика ва этикет қоидаларига амал қилиши;

- Машғулот жараёнида ўз иши ва ўртоқлари бажарган ишларига баҳо бера олиши.

Таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари ҳамма вақт баҳс талаб мавзу бўлиб келган. Чунки у турли адабиётларда турлича ёритилган. Бироқ мавжуд қарашларни умумлаштириб айтиш мумкинки, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таянган ҳолда белгиланади.

Таълим жараёнида таълим самарадорлигини натижалари ДТСларига мувофиқлигини аниқлаш ва баҳолаш керак.

Назарий ва амалий машғулотлар жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири - назорат ва ҳисобга олишдир. Бу тушунчалар ўзига хос моҳият ва хусусиятларга эга. Ўқитувчи назорат ва ҳисобга олишни тўғри ташкил этса, таълим жараёнининг самарадорлиги ортади. Бунинг учун ўқитувчи талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини аниқлаб бериши лозим.

Назорат - таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёнини англатади. Аниқлаш ва ўлчаш текшириш деб ҳам аталади.

Текшириш – назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси ўқитувчи ва талабалар ўртасида тескари алоқани таъминлаш, педагог томонидан ўқув материални ўзлаштириш ҳақида объектив ахборот олиниши, билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни таъминлашдир. Текширишнинг мақсади нафақат талабанинг билим даражаси, сифати, шунингдек, унинг ўқув меҳнати ҳажмини ҳам аниқлашдан иборат [81].

Текшириш тизимидаги биринчи босқич таълим олувчиларнинг билим даражасини олдиндан аниқлаш ҳисобланади. Одатда, у ўқув йили бошида талабалар томонидан аввалги ўқув йилида ўзлаштирилган билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Билимларни текширишнинг иккинчи босқичи ҳар бир мавзуларни ўзлаштириш жараёнидаги маълум бир муддатга режалаштирилган жорий баҳолашдир. Жорий баҳолаш амалий машғулотда таълим олувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган айрим элементларни ўзлаштириш даражасини ташхислаш имконини беради. Мазкур баҳолашнинг асосий вазифаси алоҳида олинган муайян вазиятни ўрганишдир.

Оралиқ баҳолаш билим, кўникма ва малакаларни текширишнинг учинчи мураккаб босқичи саналиб, талабаларнинг ўқув материални муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шаклидир. Оралиқ баҳолаш оғзаки ёки ёзма шаклда ўтказилиши мумкин. Уни ўқитувчи махсус белгиланган режа асосида ойида, ҳар икки ойда ўтказади. Янги мавзунини ўрганиш билан бирга талабалар аввал ўзлаштирилганларини такрорлайдилар. Оралиқ баҳолаш билимларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Текширишни ташкил этишда тўртинчи босқич таълим олувчиларнинг таълим жараёнининг барча босқичларида эгалланган билим, кўникма ва малакаларини якуний текшириш ва ҳисобга олишдир. Ўзлаштиришнинг якуний ҳисоби ҳар бир семестр охирида ўтказилади.

Талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1) ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

2) ҳар бир якунланган мавзу бўйича талабаларнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш;

3) талабаларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот (тавсиф) бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларга асосланиб таҳлил этиш.

Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Ҳозирги даврда олий таълим тизимида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилган. «Рейтинг» сўзи (инглизча) баҳо, индивидуал коэффициент деган маънони англатади. Рейтинг тизимини киритишнинг мақсади ва вазифалари қуйидаги натижаларга эришиш учун шарт-шароит яратишдан иборат:

- талабалар томонидан Давлат таълим стандартлари талабларининг ўзлаштирилиши;

- билимларни баҳолашнинг холислиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

- талабалардаги билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқишда ютуқларга эришишга интилишни шакллантириш, таълимга мусобақа ҳиссини киритиш, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш;

- таълим жараёнидаги ютуқлар бўйича талабалар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини мувофиқлаштириш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш;

- ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаш.

Талабалар билимини баҳолашнинг бундай рейтинг тизими қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

- талабаларнинг ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида кўп балли мезонга эга эканлиги;

- баҳолашнинг бундай кўп балли бўлиши талабанинг ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқтириши;

- талабанинг фаоллигини ошириш, унинг мустақил фаолиятини тўғри бошқарилиши;

- баҳолаш жараёнида амалий машғулот мазмунидан ва мураккаблик даражасидан келиб чиқиб балларнинг машғулот соатларига қараб тақсимланиши;

- ҳар бир талабага қўйилган баллар орқали талаба ўз ишининг натижасини баҳолай олиши;

- кўп балли мезонга эга эканлиги тайёрланаётган тикувчилик буюмининг барча жиҳатларини: модел кўриниши, бичишдаги тежамкорлиги, кийимга безакларнинг тўғри танланганлиги, технологик харитани туза олиши, технологик жараён кетма-кетлигини тўғри бажарилишини, технология турини буюмга қараб тўғри танланганлигини ва бошқаларни эътиборга олиниши;

- ўқитиш давридаги барча предметлар бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг энг зарур мажбурий сонини ўрнатилиши;

- олий таълим муассасасининг рейтинг тизимлари маълум босқич чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши ва бошқалар.

Таълимнинг вазифаси талабалар билимини текширишда аниқ кўринади. Янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида ёки уй вазифаларини текширишда талабаларнинг ўтилган мавзуни такрорлашга, улар учун тушунарсиз бўлган маълумотларни билиб олишларига имкон туғилади. Чунки гуруҳдаги бошқа талабалар жавоб бераётган талабанинг фикрларини диққат билан тинглашади ва аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаб, уларни қўшимча маълумотлар билан бойитишади. Ўртоқларининг жавобларига қўшимча қилишга ёки билмай қолган саволларга жавоб беришга шайланиш орқали ўрганилган мавзуни аниқлаштиришга ҳаракат қилади.

Назоратнинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, талабалар текширишга тайёр бўлиш учун машғулотларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш вақтларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, интизомга ўрганадилар.

Шунингдек, текшириш ва баҳолаш талабанинг ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради. Ўзидаги камчиликларни кўра олишга ва уни тугатиш йўлларини излашга кўмаклашади. Агар назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантириш ҳамда ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғилади. Бу ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси саналади.

Касб таълими (Сервис) таълим йўналишида ўқитиладиган фанлардан ҳисобланган «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш бўйича махсус амалиёт» фани машғулотларида шу

таълим йўналишидаги барча умумкасбий ва ихтисослик фанларидан олинган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалар, яъни интеграцион мазмун амалда қўлланилиб, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга ёрдам беради. Касб таълими (Сервис) таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантиришда қуйи курсда олинган назарий ва амалий билимларини мазкур фанда қўллашлари учун имконият туғилади, чунки «Амалий антропология асослари» фанида олинган одам қомати тўғрисидаги маълумотга асосланиб, индивидуал гавдадан ўлчов олиш билан бирга гавда турига мослаб газламанинг хусусиятини («Тикувчилик материалшунослиги» фанида эгалланган билимлар асосида) эътиборга олиб замонавий моделларни («Костюм композицияси ва тарихи» фанида эгалланган билимлар асосида) ярата олади. Шунингдек, «Тикув буюмларини конструкциялаш ва технология асослари» ва «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» фанларида турли буюмларни конструкциялаш ва моделлаштириш бўйича эгалланган билимларига асосланиб, танланган модел учун асос конструкциясини қурадилар ҳамда техник моделлаштириб янги модел андозасини ҳосил қиладилар. Тайёрланган андозалар комплектини газламага тежамкорлик билан жойлаштирадилар ва буюмни бичиш ҳамда тикиш жараёнларини амалга оширадилар. Бунда талабаларга «Тикув буюмларини буюртма асосида ишлаб чиқариш ва таъмирлаш технологияси», «Сервис техник воситалари ва жиҳозлари» ва «Сервисдаги технологик жараёнларни лойиҳалаш» фанларидан олинган билимлари керак бўлади.

Шунингдек, «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш бўйича махсус амалиёт» фанини олиб боришда таълим усуллари ва машғулот шаклларида оқилона фойдаланиш орқали талабалардаги технологик компетентлик, лойиҳалаш компетентлиги ва креатив (ижод қилиш) компетентликлари ривожланиши орқали касбий компетентлигини шаклланганлиги кўринади, яъни мазкур фанни ўқитиш орқали талабаларда касбий компетентликни ўзида акс эттирувчи мезонлар: технологик компетентлик, лойиҳалаш компетентлик ва креатив компетентлик (ижод қилиш) шаклланади. Талабанинг «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш бўйича махсус амалиёт» фанида назарий машғулотларнинг бўлмаганлиги сабабли, бу фанда фақат жорий (70

балл) ва якуний (30 балл) назорат турлари бўйича талабаларнинг касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонларнинг мазмуни 3-жадвалда келтирилган. Жадвалда талабаларнинг касбий компетентликни мезонлари бўйича шаклланганлик даражаси юқори, ўрта ва қуйи даражаларда келтирилган.

Баҳолаш мезони

| № | Мезонлар | Касбий компетентликни шаклланганлик даражаси | | |
|----|-------------------------|---|--|--|
| | | Юқори (86-100%) | Ўрта (71-85%) | Қуйи (55-70%) |
| 1. | Технологик компетентлик | <ul style="list-style-type: none"> • Тикув буюмларини мустақил, сифатли тика олади; • Тиқишнинг энг самарали усулларини қўллай олади; • Тиқиш учун энг самарадор жиҳозларини танлай олади; • Техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилади; • Вақт меъёрларини тўғри тақсимлай олади; • Технологик харита туза олади. | <ul style="list-style-type: none"> • Тикув буюмларини тика олади; • Тиқишнинг энг самарали усулларини қўллай олади; • Тиқиш учун жиҳозларини танлай олади; • Техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилади; • Технологик харита туза олади. | <ul style="list-style-type: none"> • Тикув буюмларини тика олади; • Тиқишнинг анъанавий усулларини қўллай олади; • Тиқиш учун жиҳозларини танлай олади; • Техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилади. |
| 2. | Лойиҳалаш компетентлиги | <ul style="list-style-type: none"> • Гавдадан тўғри ўлчов олиб, берилган модел бўйича асос лойиҳасини кура олади; • Асос лойиҳасини моделлаштира олади (оддийдан мураккаб даражадаги моделларгача); • Модел асосида андозаларни тайёрлай олади ва моделни бичиш учун керакли жиҳозларни тўғри танлай олади; • Бичиқ деталларини газламага тежамкорлик билан жойлаштира олади ва сифатли, нуқсонларсиз бича олади. | <ul style="list-style-type: none"> • Гавдадан тўғри ўлчов олиб, берилган модел бўйича асос лойиҳасини кура олади; • Асос лойиҳасини моделлаштира олади (оддийдан ўрта даражадаги моделларгача); • Модел асосида андозаларни тайёрлай олади, бичиқ деталларини газламага жойлаштира олади ва сифатли бича олади. | <ul style="list-style-type: none"> • Гавдадан тўғри ўлчов олиб, берилган модел бўйича асос лойиҳасини қисман кура олади; • Асос лойиҳасини моделлаштира олади (оддий даражадаги моделларни); • Модел асосида андозаларни қисман тайёрлай олади, бичиқ деталларини газламага жойлаштира олади ва бича олади. |

| | | | | |
|----|----------------------|---|--|---|
| 3. | Креатив компетентлик | <ul style="list-style-type: none"> • Янги моделларни ярата олади; • Берилган вазифани ижодий ёндашиб ҳал этади ва ўз фантазиясига эга; • Мода янгиликлари ва замонавий техника, технологияларни амалда қўллай олади; • Яратилган моделлар асосида мустақил тикув буюмларини тайёрлай олади. | <ul style="list-style-type: none"> • Янги моделларни ярата олади; • Мода янгиликлари ва замонавий техника технологиялардан хабардор; • Яратилган моделлар асосида мустақил тикув буюмларини тайёрлай олади. | <ul style="list-style-type: none"> • Намуналар асосида тикув буюмларини тика олади |
|----|----------------------|---|--|---|

Жадвалда келтирилган баҳолаш мезони талабанинг аниқ бир ихтисослик фанидан олган билимларининг даражасини белгилаб беришини кўрсатса, бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини баҳолашда бир қатор педагогик ҳолатларни ҳам эътиборга олиш зарур. Бу кўрсаткичлар асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини баҳолашни қуйида келтирилган.

Педагогик фаолиятни машғулотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш соҳасидаги компетентлигини шаклланиш даражасини қуйидаги мезонлар бўйича баҳолашни мумкин:

- Ўқитувчи дарс мавзусини ва мақсадни ажратади.
- Мақсадлар талаба учун тушунарли шаклда ифодаланилади.
- Талабалар олдида қўйилган мақсадлар ижобий мотивацияни ифодалаш ва ўқув фаолиятга қизиқиши ўсиши учун хизмат қилади.
- Талабалар олдида қўйилган мақсадлар яққа ва гуруҳий фаолиятларни ифодалашга имкон беради.
- Талабаларнинг олдида турган мақсадлар уларга олинган натижалар сифатини мустақил баҳолай олиш имконини беради.
- Ўқитувчи томонидан белгиланган вазифалар дарснинг асосий мақсадни эгаллашга имкон берадиган оралиқ натижаларни ўзида акс эттириб, мақсадни аниқлаштиради.
- Дарснинг бошланғич босқичида ўқитувчи дарсда келажакда самарали ишлаш учун талаблар яратишга йўналтирилган мақсад ва вазифаларни белгилайди (иш маконини ташкиллаштириш, таҳсил

олувчилар эътиборини келгуси ўқув фаолиятига, ўқув предметига ва дарс мавзусига жалб қилиш ва ҳ.к.).

- Сўровнинг мақсад ва вазифалари таълимий характерга эга бўлиб, улар педагог томонидан ифода этадиган предмет материалига мувофиқ келади.

- Ўқитувчи томонидан белгиланган мақсад ва вазифалар таҳсил олувчиларнинг ижобий имкониятларини ривожлантиришга, шахсдаги ижтимоий муҳим сифатларни тарбиялашга хизмат қилади.

Бўлажак ўқитувчиларни ўқув билишга оид компетентлигини шаклланиш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳоланиши мумкин:

- Ўқитувчи талабаларга амалиётда эгаллайдиган билимларни ишлатиш имкониятларини намоиш қилади.

- Ўқитувчи талабаларни ўқитилаётган ўқув предмети ва дарс мавзусига қизиқишини шакллантиришга йўналтирадиган усуллар ва методларни билишини намоиш этади.

- Ўқитувчи ўқув мақсад ва вазифаларни белгилаш, шакли ва методларини танлаш ва ҳ.к. жараёнида талабаларнинг ўқув фаолиятни шакллантиришдаги қизиқиши ва талаблари ҳақидаги билимидан фойдаланади.

- Ўқитувчи педагогик баҳолашдан талабаларнинг ўқув фаоллигини ва ўқув мотивациясини ошириш методи сифатида фойдаланади.

- Ўқитувчи турли машғулотларни талабалар ўзларининг ютуқларини ҳис эта оладиган тарзда ишлатишни режалаштиради.

- Ўқитувчи талабаларга ўтилаётган мавзу доирасида вазифаларни мустақил белгилаш ва уларни ечиш учун имкон беради.

Бўлажак ўқитувчиларни фаолиятнинг ахборот олишга оид компетентлигини шаклланиш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳоланиши мумкин:

- Ўқитувчи конспект ёзиш жараёнида ўқитилаётган ўқув предмети бўйича билимларини ифода этади.

- Ўқитувчи ўқитилаётган ўқув предмети бўйича турли манбаларга (дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, мультимедиа қўлланмалар, замонавий таълимга оид электрон ҳужжатлар ва бош.) яхши таянади, тўғри келадиган манбалардан фойдаланиши мумкин.

- Ўқув предмети бўйича асосий материалнинг ёзма иши мазмунини ифода этаётганда ўқитувчи ўқитилаётган ўқув предмети

бўйича янги мавзу билан ўтган мавзу ҳамда кейинги мавзулар орасидаги алоқаларини очиб беради.

- Ўқитувчи ўзининг ўқув предмети билан мактаб дастуридаги бошқа ўқув предметлари билан алоқасини, назарий билимлар билан амалий фаолият орасидаги фойдаланадиган алоқаларини кўради ва очиб беради.

- Ўқитувчи ўқув материални таҳсил олувчиларга дидактик принциплар билан мувофиқ тушунарли тарзда ифода этади.

- Ўқитувчининг касбий компетентлиги таълим бериш методларида, яъни замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни инобатга олган ҳолда машғулотларни олиб боришида акс этади. Мазкур компетентликни ривожланиш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин:

- Ўқитувчи замонавий таълим методларидан фойдалана олишини намойиш этади.

- Маърузада кўрсатилган методлар ўрганилаётган ўқув предметида белгиланган мақсад ва вазифалар мазмунига, дарс мавзусига, талаб ва мавзунини ўзлаштириш учун сарфланадиган вақт меъёрларига мувофиқ бўлади.

- Ўқитувчи турли ахборот ресурслари ва дастурларидан: ўқув услубий мажмуалар, компьютер ва мультимедияли технологиялар, замонавий таълим технологияларидан фойдалана олиш қобилиятини намойиш этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг глобал ҳамда дастурлар ишлаб чиқиш соҳасидаги компетентлигини шакллантириш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин:

- Маърузада келтирилган методлар талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мувофиқ танланади.

- Педагог ишни турли талабалардаги ўқув материални ўзлаштириш даражаси ҳақида ахборот олиш имконини берадиган қилиб режалаштиради.

- Педагог ўзлаштириши қийин бўлган талабаларга таълим методлари билан ишлашни намойиш этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув билишга оид, коммуникатив, таълим дастурларини ишлаб чиқиши, меъёрий ҳужжатлардан фойдалана олиши, методик ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш соҳасидаги компетентлигини шакллантириш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин:

- Педагог дарсга тайёрланиш жараёнида ўқув предмети бўйича ўқув фаолият натижалари ва мазмунини аниқловчи асосий меъёрий ҳужжатларнинг талабларини инобатга олади: Давлат таълим стандарти, таълим дастурлари, ўқитилаётган ўқув предмети бўйича асосий дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар мазмуни, Ўзбекистон Республикасининг олий таълим вазирлиги томонидан рухсат ва тавсия этилган ўқув предмети бўйича асосий ўқув дастурлар, ўқув-методик мажмуалар, методик ва дидактик материаллари ва ҳ.к. лар.

- Дарс конспекти таҳсил олувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш темпи(тезлиги)ни инобатга олиб тузилади.

- Дарс конспекти ўқитилаётган ўқув предмети ва дастури доирасида ўқув материални босқичма-босқич ўзлаштиришни инобатга олиниб тузилади.

- Ўқитувчи янада юқори натижаларга эришиш муносабати билан мавжуд дидактик ва методик материалларга ўзгаришлар киритишни билишини намоиш этади.

- Ўқитувчи ўқув предмети бўйича мустақил яратган дастурий, методик ёки дидактик материаллардан фойдаланади.

Педагогик вазиятларда қарорлар қабул қилишни билиш компетентлигини шаклланиш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин:

- Педагог ўзи томонидан таклиф этилаётган қарорларни асослашни билишини намоиш этади.

- Ёзма ишда ақс этувчи педагогик қарорлар асосланганлик ва мақсадга мувофиқлиги билан ажралиб туради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий ва ижтимоий-фаолиятга оид ҳамда ташкилотчиликка оид компетентлигини шакллантириш даражасини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин:

- Ўқитувчи дарснинг ҳар бир босқичида талабаларнинг тузилмавий ва ташкилий фаолиятидаги мақсад ва вазифаларни белгилайди.

- Ўқитувчи белгиланган мақсад ва вазифаларни ечишга йўналтирилган талабаларнинг индивидуал ва биргаликдаги фаолиятини ташкил этувчи методларни қўллайди.

- Ўқитувчи дарсда интизомни ушлаб турувчи ишчи атмосферани вужудга келтирувчи методлар ва усуллардан фойдалана олишини намоиш этади.

- Ўқитувчи таҳсил олувчилар билан шериклик муносабатини

ўрнатишни, улар билан суҳбат қуришни намойиш этади.

- Ўқитувчи талабаларни мустақил фикрлашга чорловчи методлардан фойдаланади.

- Ўқитувчи талабаларнинг ўзлаштирган билимлар тизимига янги материални бириктира олишини намойиш этади.

- Ўқитувчи талабаларни ўқув масалалари (китоблар, компьютер ва мультимедиа қўлланмалар, рақамли таълим ресурслари ва бош.)ни ҳал қилиш жараёнида зарурий қўшимча ахборотларни излаш учун йўл-йўриқларни кўрсата олишини намойиш этади.

- Ўқитувчи талабаларнинг берган жавобларини баҳолаш асосидаги аниқ мезонларни ифодалай олади.

- Ўқитувчи талабаларга уларнинг жавобларини баҳолашнинг қайси мезонлар асосида ишлаб чиқаётганлигини кўрсатади.

- Ўқитувчи педагогик баҳолаш, ўзаро баҳолашни ва талабаларнинг ўзини ўзи баҳолаш методларни мужассамлаштира олади. Бунда ўқитувчи талабаларнинг ўқув фаолиятидаги ўзини ўзи баҳолаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи методлардан фойдаланади.

Юқорида кўриб чиқилган ихтисослик фанлари бўйича ва педагогик фаолиятни баҳолаш мезонларини адекват, ҳаққоний ҳамда одилona танланиши бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини нечоғли тўғри шаклланганлигини кўрсатиб беради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Педагогик олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар ўқув фаолияти мазмунини янгилаш, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш ишига масъул бўлган педагог кадрларнинг билим ва касбий малакалари даражасини юқори босқичга кўтариш имконини беради. Педагогик олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш орқали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида муҳим қадам бўлади. Ушбу йўналишда ёзилган мазкур монографияда олиб борилган лойиҳа ишининг мазмуни ва яқунларига таянган ҳолда шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Назарий манбалар мазмуни билан танишиш ҳамда илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантириш, олий таълим муассасаларида уларнинг шахсий ва касбий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиш, таълим мазмунини ва тузилмасини модернизациялаш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини шакллантиришнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олинди.

2. Олий таълим муассасасида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммосининг ҳал этилиши олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ишига педагогик ва касбий фанларнинг илғор ютуқларини қўллаш, хусусан, компьютер технологиялари, технологик ёндашувлар, талабаларнинг билиш фаолиятларини режали бошқариш асосида фаоллаштиришдан, олий таълим муассасасининг таълим амалиётига замонавий ўқитиш миллий тарбия технологияларининг жорий этиш, самарадорлик ошишига ёрдам берадиган психолого-педагогик шароитларни яратиш орқали эришилиши аниқланди.

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини ва олий таълим муассасасида мутахассисларни тайёрлаш мазмунини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг касбий компетентлиги тарбиялашнинг бугунги ҳолатига нисбатан аниқлаш имконини берди. У бўлажак ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятнинг мақсадлари, вазифалари ва характери билан аниқланади ҳамда бўлажак ўқитувчининг мазкур фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қодирлигининг назарий, амалий ва мотивацияли бирлигидан иборатдир.

4. Касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш педагогик ва техник билимларни фан, таълим, техника, технология ва ишлаб чиқариш иқтисодиёти соҳаларидаги ўзгаришларга асосланган интеграцияси таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу жараён касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш мазмунини асослаш ва касбий компетентлигини шакллантириш технологиясини яратишда муайян ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқарди.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шаклланганлиги мазмун-моҳиятига кўра: функционал (турли фан соҳаларини ташкил этиш принциплари ҳақидаги билимлар) ҳаракат ҳақидаги амалий билимлар (методик ва технологик) ҳамда шахсининг ўз билимларидан иборат. Буларнинг натижасида мутахассиснинг касбий, коммуникативлик маҳорати ва кўникмалари шаклланади, лойиҳалаш, тажрибавий ва технологик вазифаларни ижобий ечиш имкониятлари пайдо бўлади.

6. Касбий компетентликни шакллантириш юзасидан таҳлил ишларини олиб бориш натажасида илмий адабиётларда компетентликнинг қуйидаги турларга бўлиниши аниқланди: коммуникатив компетентлик; билим олиш компетентлиги; интеллектуал компетентлик; интеллектуал-корпоратив компетентлик; ахборот олиш компетентлиги; технологик компетентлик; маданий компетентлик; психологик компетентлик; психологик-педагогик компетентлик; ижтимоий-психологик компетентлик; умуммаданий компетентлик.

7. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий фанлар ҳамда умумкасбий ва ихтисослик фанларини узвий алоқада ўрганишлари уларнинг бевосита касбий компетентлигининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади, яъни ҳар бир мутахассислик фанидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш жараёнида мутахассислик тушунчаларининг ўрни, уни баён қилиш зарурияти, кетма-кетлиги, бошқа тушунчалар билан алоқадорлиги ҳамда бу алоқадорликни рефлексив (рефлекс, беихтиёр), симметрик ёки транзитивлик (дарс жараёнида олинган билимлар мажмуини амалда ўз ўрнида қўллаш олиши) каби бошқа хоссаларга бўйсунушига қараб, ҳар бир тушунчаларнинг ўзини қандай салоҳияти билан қатнашаётганини аниқлаш имкониятига эга бўлди.

8. Фан ва техниканинг илдам тараққиёти, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг замонавийлашуви, асосий буюртмачи

сифатида давлат ва ижтимоий ҳаётнинг таълимга қўяётган янги талабларига мос равишда таълим-тарбиянинг сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришни, узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялашни, таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қиладиган таъсирчан чораларни кўришни тақозо қилди. Натижада олий таълимни мазмунан модернизациялашда асосий вазифалари, тамойиллари, йўналишлари аниқланди.

9. Олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мазмунини модернизациялаш асосида Касб таълими йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларни касбий компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари яратилди.

10. Бўлажак ўқитувчилари касбий компетентлигининг шаклланиши кўрсаткичлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиши мумкин: касбий фаолиятли ўзлаштиришга мотивацияли-аҳамиятли муносабат; касбий-амалий вазифаларни ҳал этиш услублари ва усулларини билиш ва улардан ижодий фойдаланиш қобилияти; қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва ўз фаолиятини бошқара олиш ва ҳоказолар.

11. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолият катта роль ўйнашига таҳлиллар натижасида амин бўлинди. Ижодий фаолият бу – диққатни, кузатувчанликни, ҳиссиётни, идрокни, хотирани, тафаккурни, тасаввурни, иродани ва бошқа жараёнларни сафарбар қилиш орқали талаба ўзининг касбий фаолияти жараёнида содир бўлган муаммолар ечимини тўғри ҳал қила олишидир.

12. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда мутахассислик фанларини ўқитиш ва талабаларнинг бу фанлардан олган баҳоларининг объективлиги муҳим роль ўйнайди. Талабаларда касбий компетентликни шаклланишини баҳолашда уларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик фаолияти бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

13. Касб таълими таълим йўналиши бўйича ўқитувчи малакасини олган олий таълим муассасаси битирувчиси: талабаларни Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ равишда педагогик фаолият олиб боришга тайёр бўлиши, юқори назарий ва амалий тайёргарлик даражасини таъминлайдиган замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиши, таълим дастурларини

ишлаб чиқишда иштирок этиши, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат этишни ташкил этиши, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллашга уларни тайёрлаши ва талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилиши, аниқ ўқув фани ўқув-методик жиҳозланишининг базасини яратиши, таълим муассасасининг илмий-методик фаолиятида иштирок этиши каби компетентликларга эга бўлишлари, талабалар билан тарбиявий ишни ташкил этиши ва ўтказиши, бошқариш, ўз касбий малакасини ошириши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997. – 31-61 б.
3. И.А.Каримов Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2004. – 64 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.- 440 б.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
8. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
9. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998
10. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, 7-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1999
11. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2000
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2000
13. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008. - 176 б
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш дастури – Т.: «Ўзбекистон», 2009
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-1533-сон қарори
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 278-сонли қарори
18. Абу Наср Форобий. Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1975, 71-72 б.
19. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I-т.Тошкент, 1968, 151 б.
20. Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 1998. –304 б.
21. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дис. ... пед. фан.ном. –Т.: 2006. –182 б
22. Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари. //Ўқув қўлланма. –Т.: «Ўзувчилар уюшмаси», 2006. -150 б
23. Абдуллаева Қ., Гаипова Н., Гафурова М., Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш, моделлаш ва бадиий безаш. //Ўқув қўлланма.-Т.: «Ношир», 2010. 15 б.т.
24. Абдуллаева Қ.М., Таълим методларидан самарали фойдаланиш йўллари. //Мақтаб ва ҳаёт журнали. 2009. № 3. 3 бет.
25. Абдуллаева Қ.М., Каримова Н. Мустақил таълим жараёнида касб таълими ўқитувчиларини амалий компетентлигини шакллантириш. Олий ва Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида мустақил таълим: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон: ГулДУ. 2012 йил. 222-224 бетлар
26. Абдуллаева Қ.М., Норбўтаева Д.А. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) йўналишида мутахассислик фанлари бўйича яратилган ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиб талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш. Тафаккур сарчашма-

- лари. Низомий номидаги ТДПУ. Магистрларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. 2012 йил. 143-144 бетлар
27. Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды. – М.: «Педагогика», 1989. – 560 с.
 28. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: «Просвещение», 1995. – 336 с.
 29. Выготский Л.С. Избранные психологические исследования. – М., Изд-во АПН РСФСР, 1956. – С.438-452.
 30. Гольперин П.Я. Психология мышления и учение о поэтапном формировании умственных действий /Исследование мышления в советской психологии. Под ред. Е.В. Шороховой. – М., «Наука», 1966. – с. 259-276.
 31. Гришина И.В. Профессиональная компетентность директора школы. Автореф.: дис. ... докт.пед.наук. – М.: 2004. – 40 с.
 32. Гершунский Б.С. Педагогическая прогностика: Методология, теория, практика. –Киев.: 1986. – 197 с
 33. Гаипова Н.С., Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик технологияси ва жиҳозлари. –Т.: «Ворис», 2007. -230 б
 34. Гаипова Н., Совершенствование профессионально-проективной деятельности будущего педагога. //»Вопросы гуманитарных наук» №4 (48) Россия, Москва. 2010. стр. 175-176
 35. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе изучения дисциплин педагогического цикла. – Т.: «Фан», 2003. - 177 с.
 36. Зеер Э.Ф. Личностно-ориентированное профессиональное образование. – Екатеринбург, 1998. – 186 с.
 37. Зеер Э.Ф., Заводчиков Д. Идентификация универсальных компетенций выпускников работодателем // Высшее образование в России/ -2007. -№2
 38. Ибн Сино. Тайр қиссаси. «Фалсафий қиссалар» китобидан.Тошкент, Ўздабийнашр, 1963, 15-б.
 39. Кан–Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. –М.: Педагогика, 1990. – 144 с.
 40. Козырева О.А. Компетентность современного учителя: современная проблема определения понятия. //Стандарты и мониторинг в образовании.–2004.– № 2. – с.48-51.

41. Қўйсинов О. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил амалий фаолият аҳамияти. Ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялар бўйича компетентлиги: муаммо ва ечимлар. Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари миқёсида илмий-амалий анжумани материаллар. – Тошкент: ТДПУ. 2012 йил. 246-249 бетлар
42. Кыверялг А.А. Методы исследования в профессиональной педагогике.–Таллин: Валгус, 1980. – 460 с.
43. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – Изд. 2-е. – М.: Политиздат., 1975. – 304 с.
44. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. – М., 1981. – 185с.
45. Лукьянова М.И. Психолого-педагогическая компетентность учителя
// Педагогика. – 2001. – № 10. – с. 56-61.
46. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий – методик асослари.: Дис. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 275 б
47. Муслимов Н.А., Волкова С.Р., Яркулов Р.Я., «Касб таълими» таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш ўқув-режалаштириш ҳужжатларининг мазмунини лойиҳалаш. //Илмий-методик тавсия.-Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 120 бет
48. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М., Гаипова Н.С., Битирув малакавий ишларини тайёрлаш. //Методик тавсиянома.-Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2010. 60 бет.
49. МуслимовН.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004.– 126 б
50. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти.
// Ж. Мактаб ва ҳаёт. – 2004. – № 1. – Б. 18-20.
51. Муслимов Н.А., Толипова Ж.О., Шарипов Ш.С., Исянов Р.Г. Касбий малака ва педагогик маҳорат йўналиши бўйича олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар малакасини оширишни ташкил этиш. //Методик қўлланма. -Т.: «Тараққиёт ИИЧ» нашриёти. 2010. 105 бет

52. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М., Мирсолиева М., «Педагогик маҳорат» фанидан ўқув-методик мажмуа. //Ўқув-услугубий қўлланма. –Т.: «Фан технологиялари», 2011. 322 б
53. Муслимов Н.А., Гаипова Н., Халилова Н., «Умумий психология» фанидан ўқув методик мажмуа. //Ўқув-услугубий қўлланма. –Т.: «Фан ва технологиялари», 2011. 290 б
54. Муслимов Н.А., Гаипова Н., Арипова С., «Ёш физиологияси ва гигиена» фанидан ўқув методик мажмуа. //Ўқув-услугубий қўлланма. –Т.: «Фан ва технологиялари», 2011. 254 б
55. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А., Шарипов Ш.С., «Касб таълими педагогикаси» фанидан ўқув методик мажмуа. //Ўқув-услугубий қўлланма. –Т.: «Фан ва технологиялари», 2011. 20 б.т
56. Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Реализация контекстного подхода при подготовке будущего педагога к профессиональной деятельности. //Вестник ЦМО МГУ, 2010, №4. стр. 45-48.
57. Муслимов Н.А., Реализация контекстного подхода при подготовке будущего педагога к профессиональной деятельности. //Вестник ЦМО МГУ, 2010, №4. стр. 45-48.
58. Муслимов Н.А., Формирование профессиональной компетенции у будущих педагогов на основе применения информационных технологий. //»Образование через всю жизнь» непрерывное образование в интересах устойчивого развития. Труды между-народного сотрудничест-ва. Вып. 9. Санкт-Петербург, 2011. стр. 604-606.
59. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М., Куйсинов О.А.. Меҳнат таълими 5-синф учун дарслик. Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2012 йил, 15 б.т.
60. Муслимов Н.А., Н.Каримова. Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. Тошкент, «Иктисодтиёт» нашриёти, 2012 йил, 4 б.т.
61. Муслимов Н.А. Формирование профессиональной компетенции будущих педагогов основе применения информационных и педагогических технологий. Россия Федерацияси Чита шаҳри, Молодой ученый. 2012 – г. - №1. 0,36 б.т.
62. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчилари амалий компетентлигини шакллантиришда ихтисослик фанларини ўрни. Педагогик таълим (илмий-назарий ва методик журнал) 2012 йил, 61-64 бетлар

63. Муслимов Н.А., Гаипова Н.С. Касб таълими ўқитувчиларини амалий компетентлигини шакллантиришда индивидуал психологик хусусиятлар. Ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялар бўйича компетентлиги: муаммо ва ечимлар. Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари миқёсида илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: ТДПУ. 2012 йил. 12-15 бетлар
64. Муслимов Н.А., Гаипова Н.С. Бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантиришда касб таълими мазмунини лойиҳалаштиришнинг аҳамияти. Олий ва Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида мустақил таълим: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон: ГулДУ. 2012 йил. 35-37 бетлар
65. Маркова А.К. Психология профессионализма.–М.: Знание, 1996. – 308 с.
66. Маркова А.С. Технология массового тестирования студентов: Учебное пособие. – М., 1996.
67. Матросова Н.Л. Деловая игра в подготовке учителя. – М., 1997.
68. Назарова Б.А. Касб-хунар коллежи ўқитувчилари касбий компетентини тарбиялашнинг психологик муаммолари. // Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Тошкент.2007.- Б.76-78.
69. Назарова Б.А. Педагогика коллежлари бўлғуси ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш: Дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2009. – 170 б.
70. Немов Р.С. Статистический анализ экспериментальных данных и способов наглядного представления результатов. – М.: «Просвещение», 1992. – 550 с.
71. Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. // Халқ таълими. – Тошкент, 1999. – № 6. – Б. 28-31.
72. Нишонова З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Халқ таълими. –Тошкент, 2001. –№ 1. 34-37 б.
73. Нуридинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланиш. Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 2002. – 146 б.

74. Олий \ луғат – маълумотнома\ таълим. Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида. Тузувчилар: М.Х.Саидов, Л.В.Перегудов, З.Т.Тоҳиров.Олий таълим (луғат -маълумотнома). –Т.: «Молия» нашриёти, 2003, 456 б.
75. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. – Т.: «Истиклол», 2004. – 511 б.
76. Образцов П.И. Психолого-педагогическое исследование: методология, методы, методика. – Орел, 2003. – 295 с.
77. Орлов В.И. О дидактической сущности обучения //Специалист. – 1998. – № 7. – с. 28-31.
78. Есипов Б.П. Самостоятельная работа учащихся на уроках. – М.: 1991. – 182 с.
79. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии: Учеб.пособие. /Под ред. С.А. Смирнова. – М.: Издат. центр «Академия», 1999. – 512 с.
80. Педагогика / А.Қ.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. –200 б.
81. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Тошкент, 2010. –400 с.
82. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.–СПб.:Питер, 2006. – 713.
83. Скаткин М.Н. Проблемы современной дидактики. – М.: Педагогика, 1984. – 95 с.
84. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчининг педагогик тизимда тутган ўрни //Халқ таълими. – Тошкент, 1993. – № 6-7. – Б. 9-12.
85. Селевко Г. Педагогические технологии на основе дидактического и методического усовершенствования УВП – М.: 2005.
86. Слостенин В. А., Руденко Н. Г. О современных подходах к подготовке педагога // Педагогика. - 1999. - № 6. - с. 55-62
87. Слостенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность. – М., 1997
88. Тугешев Р.Х. К вопросу системной психодиагностики психологической компетентности субъектов профессиональной деятельности. /Тугешев Р.Х. Режим доступа: [http://www.psycheya.ru/]
89. Форобий А. Н.Фозил одамлар шахри.–Т.:Халқ мероси,1993.– 224 б.

90. Чошанов М.А. Дидактические конструкции гибкой технологии обучения //Педагогика. – 1997. – № 2.
91. Шарипов Ш.С. Касбий таълим педагогикаси.–Т.:ТДПУ, 2005.– 54 б.
92. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим /5140900 - Касб таълими «5810300 – Сервис» йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар./ -Т.: 2004. -32б.
93. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. -Т.: 2011. -40б.
94. Ўзбекистон Республикасида педагогик таълим концепцияси. – Т.: ЎзПФТИ, 1995. – 20 б
95. Юзликаев Ф.Р. Интенсификация процесса дидактической подготовки будущего учителя в педагогическом институте. –Т.: Фан, 1995. –203
96. Якунин В.А. Педагогическая психология: Учеб.пособие. – СПб.: 1998. – 639 с.
97. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 2004. – 101 б.
98. Ходжабоев А.Р. Научно педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда. Дис. .. док. пед. наук. –Т.: 1992. -406 с
99. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи: Ўқув қўлланма.- Т.:№Ўқитувчи№, 1997.-248б.
100. **Интернетдан олинган маълумотлар**
<http://www.tdpu.uz>
<http://www.ziyonet.uz>
[http://www.vak.uz.](http://www.vak.uz)
[http://www.guldu.uz.](http://www.guldu.uz)
[http://www.samdu.uz.](http://www.samdu.uz)
 Организация учебного процесса
 – <http://www.courier.com.ru/top/content/mi1.htm/>

МУНДАРИЖА

- Кириш.....
- I БОБ **Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари**
- 1.1. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш педагогик муаммо сифатида.....
- 1.2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили.....
- 1.3. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари.....
- II БОБ **Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг дидактик хусусиятлари**
- 2.1 Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни мазмунини компетентлик ёндашув асосида модернизациялаш.....
- 2.2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг хусусиятлари.....
- 2.3. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолиятнинг ўрни.....
- III БОБ **Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологиялари ва мезонлари**
- 3.1. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда таълим технологияларини лойиҳалаш.....
- 3.2. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шаклланиш даражаларига қўйиладиган талаблар мазмуни.....
- 3.3. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини баҳолаш мезонлари.....
Умумий хулосалар.....
Фойдаланилган адабиётлар.....

КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Э.Мажидов
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди2013 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи Нашр босма табоғи
Тиражи . Буюртма №**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**